


22.6

М23


Мамадиус Мамадајуров

Узбек
савиошт
расоджоласи



Мажадусо Мажадазимов

Узбек
са училиш
расаджонаси



0.5

ТОШКЕНТ
“УЗБЕКИСТОН”
1994

BUAGRO MUFI DISLIK-
TEKNOLOGIYA INSTITUTI

ARM
REESTR 12 67674
“ ” 201

Мұҳаррір — З. ЖҰРАЕВ

**Тақризчилар — С. Нуридінов, физика-математика ғаллари доктори,
Б. Умаров, физика-математика ғаллари номзоди**

ISBN 5-640-01752-K

**M 0503020904-97 94
M351 (04) 94**

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1991

СҮЗ БОШИ

Дунё астрономия фанининг тараққиётида ўрта аср Шарқ астрономияси алоҳида ўрин тутади. Бу даврда айниқса Қўёш, Ой ва сийёраларнинг ҳаракат назариясига оид, амалий астрономиянинг вақтни ва жойнинг географик координаталарини аниқлашга доир масалалари бўйича Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё алломалари жуда бой мерос қолдирганлар. Шунингдек, бу даврда мусулмон мамлакатларининг оз эмас — юзлаб буюк мутафаккирлари астрономия, математика ва фалсафа фанлари бўйича тадқиқот ишлари билан машғул бўлганлар. Шу боис Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Абу Маҳмуд Ҳамид ал-Хўжандий, Маҳмуд ал-Чагминий, Носириддин ат-Тусий, Улугбек ва Фиёсиддин Коший каби ўнлаб-юзлаб Ўрта Осиёнинг машҳур сиймолари ўз ижодлари ва илмий мерослари билан фақат Ўрта Осиё республикалари халқларинингтина эмас, балки дунё халқларининг бойлигига айланиб, уларнинг номлари бугун жаҳоннинг барча эллари орасида ҳурмат билан тилга олинади.

Дастлаб халифа Маъмун замонасида (IX аср) ишга туширилган ва ал-Хоразмий ишлаган Бағдод расадхонаси, сўнгра Умар Хайёмнинг Исфаҳондаги, Носириддин ат-Тусийнинг Марғадаги расадхоналари ва ниҳоят, булар орасида катталиги ва бош астрономик асбобининг аниқлик даражаси юзасидан ҳаммасидан устун турадиган Улугбек расадхонаси ва унинг мактабининг илмий мероси ўрта асрларда илми нужумнинг фан сифатида шаклланишида муҳим бир босқич бўлганлигини дунё олимлари "бир овоздан" тан олишади.

Салкам етти аср давом этган Шарқ астрономиясининг жўшқин фаолияти Улугбек ва унинг мактабининг бой илмий мероси билан якунланди. Мазкур расадхонада ишга

туширилган бош "телескоп"нинг аниқлик даражаси қарийб 1 ёй секундигача бориб, унинг натижалари ўрта аср астрономлари учун то оптик телескоплар ихтиро қилинган XVII асрга қадар астрономик кузатишларда эришилган рекорд натижа бўлиб хизмат қилди. Бундай асбоб ёрдамида Қуёш, Ой ва сайёralар ҳаракатларини ўрганиш, уларнинг ҳаракат назарияларини янги босқичга қўтариб, тутилишлар назарияси ва амалий астрономиянинг асосий предметларидан бўлган вақтни ўлчаш ишларида юксак аниқликка эришиш имконини берди.

Улуғбек астрономия мактаби олимларининг бевосита кузатишлар ёрдамида олинган маълумотлар асосида тузган юлдузлар жадвали (каталоги), Ернинг ўз ўки атрофида айланишида рўй берадиган нозик четланиш ҳодисасини (прецессияни) аниқлаб, ўша давр учун муҳим аҳамият касб этган — аҳоли пунктларининг географик координаталарини аниқ топиш имконини берди ва бошқа турли геодезик ишларга асос солди. Ҳа, Мирзо Улуғбек салкам қирқ йил подшоҳлик қилиб, ўнлаб юришлар, мамлакат осойишталиги йўлида тинимсиз ташвишлар устида "бош қотиришлар"дан ортиб, фанни, маърифатни ўлади, мактаб тузиб, унга раҳнамолик қилди, қолаверса, йирик расадхона бунёд этди.

Унинг мактаби яратган астрономик "Зиж"дан кейинги юз йиллар ичида дунёнинг кўпгина йирик расадхоналари учун дастуриламал сифатида фойдаланилди. Таниқли жаҳонгашта Амир Темурнинг набираси бўлган Улуғбек ва унинг астрономик мактаби ўз-ўзидан вужудга келмай, балки унгача Ўрта Осиё заминида яшаб ўтган ўнлаб буюк алломаларнинг илмий мерослари негизида етишди. Шунга кўра ушбу рисоламизда Улуғбек ва унинг мактаби ҳақида ҳикоя қилишдан олдин мазкур мактаб фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган Ўрта Осиёлик аждод алломалардан энг машҳурларининг ҳаёт ва фаолияtlари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтишини лозим топдик. Шунингдек, рисола сўнггида Улуғбек мактаби ва унинг меросини ўрганган, XX асрда яшаб ижод этган ўзбекистонлик таниқли олимлар ва уларнинг тадқиқотлари ҳақида ҳам қисқача маълумот беришни жоиз билдик.

УЛУҒБЕКДАН ОЛДИН ЎТГАН ЎРТА ОСИЁ АСТРОНОМЛАРИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ

Хоразмий ҳақида биографик маълумотлар, баҳтга қарши, бизгача етиб келмаган. Унинг туғилган йили алломанинг асарларида келтирилган айрим маълумотлар асосида тахминан белгиланган бўлиб, шартли равишда 783 йил деб кўрсатилган. Олим фаолиятининг изи 847 йилдан сўнг йўқолади, шу сабабли, унинг вафот этган йили тахминан 850 йил деб ҳисоблаб келинади.

Араб халифалигида аббосийлар сулоласи ҳокимиётни қўлга олганларидан сўнг пойтахтни Куфадан Бағдодга кўчиришган эди. Шу сулола даврида, айниқса, Хорун ар-Рашид (786—809 йиллар) ва унинг ўғли Маъмун (813—833) халифалик қилган замонларда халифаликда иқтисодий ва маданий ҳаёт анча жонланди. Бағдод Шарқнинг йирик илмий ва маданий марказига айланди, илм-фан равнақ топиб, фалсафа, математика, табиёт ва бошқа фанлар ривожланди.

Шу даврда Бағдодга таклиф этилган ал-Хоразмий, халифалардан дастлаб ал-Маъмун, сўнгра ал-Муътасим (833—842) ва ал-Восиқ (842—847) саройларида яшаб, ижод этди. Бундай қизғин муҳитда Хоразмийнинг илмий фаолияти янада равнақ топди.

Бағдодда очилган ва кейинчалик "Маъмун академияси" номи билан машҳур бўлган "Байт ул-ҳикма" ("Донишманлар уйи") ўнлаб олимлар, таржимонлар ва хаттоларнинг бошини бир жойга қовуштирган эди. "Маъмун академияси"нинг кўп йиллик фаолияти мобайнида машҳур юон олимларининг бир қанча асарлари араб тилига таржима қилинди, шунингдек, математика, астрономия, география ва бошқа фанлар бўйича қатор асарлар ҳам яратилди.

Кўплаб таржима асарлари Шарқ илмий тафаккурининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди. Шундай асарлардан бири, II асрда яшаб ўтган Клавдий Птолемейнинг

"Алмажистий" ("Альмагест") — "Мегале синтаксис" ("Буюк тузилиш") асари бўлиб, у тахминан 825 йилда араб тилига машҳур араб астрономи Собит ибн Қурра томонидан таржима қилинганди.

"Байт ул-ҳикма"нинг таржимонлари, шунингдек, ҳиндлар эришган фан ва маданият ютуқларини ўзида акс эттирган адабиётларни ҳам араб тилига таржима қилиб, араб дунёсини бу билимлар билан танишириди. Чунончи, XIII асрнинг таниқли тарихчиси ал-Кифтийнинг маълум қилишича, 620-йилларда Ҳиндистонда битилган машҳур астрономик рисолалардан бири 771 йили ал-Мансур халифалиги даврида Бағдодга олиб келинган эди. Шундан сўнг икки йил ўтгач, халифа фармонига кўра, бу асар қадимги ҳинд тили — санскритдан арабчага Мұҳаммад ибн Иброҳим ал-Фазорий томонидан таржима қилинади ва "Катта сиддҳинд" деган ном олди ("синдҳинд" — санскритча "синдҳанта", яъни "астрономиядан рисола" сўзининг бузилган кўринишиди). Кейинчалик бу таржимани кўпчилик Шарқ олимлари, шу жумладан Хоразмий ҳам таҳлил қилди. Шубҳасизки, "Катта синдҳинд" Шарқ астрономиясининг ривожланиш тарихида, хусусан Хоразмийнинг "Астрономик зиж"ининг яратилишида муҳим роль ўйнади.

"Маъмун академияси" ҳузурида йирик кутубхона очилган бўлиб, унда халифалик ва қўшни мамлакатлар бўйича нодир адабиётлар жамгарилган эди. Маъмун даврида кутубхонага "Маъмун академияси"нинг кўзга кўринган олими сифатида Хоразмий бошчилик қилди. "Байт ул-ҳикма"нинг кутубхонасида ташқари икки расадхонаси ҳам бўлиб, улардан бири — Бағдоднинг Шамоссия маҳалласида, иккинчиси — Дамашқ яқинидаги Кассийун тогида барпо қилинган эди.

"Донишмандлар уйи"да Хоразмий, асосан, астрономия билан шуғулланиб, IX асрнинг 20-йилларида ўзининг машҳур астрономик жадваллари — "Зиж"ини ёзди. Унда келтирилган маълумотлардан, Хоразмий вафотидан кейин икки асрдан кўпроқ вақт давомида ҳам, кўплаб расадхоналар фойдаланиб қилди.

Хоразмий "Зиж"и 37 боб ва 116 жадвалдан иборат мукаммал астрономик асардир. Унинг 1—5-боблари ўша замонда кенг тарқалган календарларга бағишлиланган бўлиб, Мұҳаммад пайғамбар томонидан асосланган мусулмонларнинг ҳижрий эраси ҳамда испан ва Искандар Зулқарнайн

эралари ҳақида маълумот беради. Бу эраларнинг бирордан иккинчисига ўтиш усули унда тұла ҳисоб-китоби ва жадваллари билан берилган. Хусусаи, учинчи бобда Қуёш, Ой ва сайёрларни кузатиш вақтларига оид муддатлар — йил, ой, кун, соат ва минутлар билан келтирилган. Шунингдек, бу осмон жисмларининг зодиак юлдуз туркумлари (Қуёшнинг йиллик күрінма ҳаракати — эклиптика бўйлаб жойлашган қўйидаги 12 та юлдуз туркуми: Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сумбула, Мезон, Ақраб, Жаддий, Даљ, Ҳутдаги ўринлари кўрсатилган. "Араб ойларининг бошлари ҳақида" ва "Кабиса йилларини аниқлаш ҳақида"ги мақолалар ва жадваллар ҳам шу боблардан ўрин олган.

"Зиж"нинг олтинчи боби "Айланаларни бўлакларга ажратиш ҳақида" деб номланиб, эклиптика айланасининг белгилари ҳамда ихтиёрий айланани ёй градуслари, минутлари ва секундларига ажратиш ҳақида маълумот беради. Зодиак белгилари деб ҳам агалувчи эклиптика айланаси белгилари 12 та бўлиб, бир-биридан 30 даражали ёй оралиғида ётади. Улардан биринчisi эклиптика билан осмон экваторининг кесишган нуқталаридан бирига тўғри келади ва баҳорги тенгкунлик нуқтаси дейилади. Қадимда Ҳамал юлдуз туркумидан ётган бу нуқта ҳозир Ҳут юлдуз туркумидан жой олган.

"Араблар фалак деб юритадиган айлана,— деб ёзди Хоразмий,— 12 белгига бўлинади. Баъзи олимлар қисм деб атайдиган бу белгиларнинг ҳар бири 30 даражага, даражага 60 минутга, минут 60 секундга, секунд эса, ўз нафбатида, 60 терцийга бўлинади ва шу тахлитда айлана (бўлимлари) катталигини хоҳлаганча, истасангиз чексиз миқдоргача кичрайтириш мумкин".

Аасарнинг 7—12 боблари Қуёш, Ой ва ўша даврда оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган бешта сайёраннинг ҳаракатини Птолемейнинг геоцентрик системаси асосида тушунтиришига бағишиланган.

Аасарнинг саккизинчи бобида Қуёшнинг эклиптикадаги ўрнини, тўққизинчи бобда Ойнинг ҳақиқий ўрнини топиш масалалари кўриб чиқилган. Кейинги икки боб сайёralар ўрнини аниқлашга бағишиланган. "Зиж"нинг 12-бобида келтирилган икки жадвалда Ой чиқиши тугунининг (Ой орбитаси яна эклиптиканинг кесишган нуқталари тугунлар дейилиб, бири — чиқиш, иккинчisi эса түшиш тугуни деб аталади) эклиптика бўйлаб ўртacha силжинни ҳақидаги

маълумотлар жамланган. Бунда Хоразмий Ой орбитасининг эклиптикага қиялигини ҳинд астрономларида бўлгани каби 4,5 даражада деб қабул қиласди.

Ўн учинчи бобда муаллиф сайёralарнинг туриши, қайтма ва илгарилама ҳаракатларини Птолемейнинг "Алмажистий"ида баён қилган геоцентрик таълимоти асосида тасвирлаб, сайёralарнинг эпициклик назариясига таянади. Қуёшнинг оғишини белгилаш ва Ойнинг эклиптикал кенгламасини аниқлаш каби мураккаб ҳисоблашларни талаб этадиган масалаларга "Зиж"нинг 15—17-боблари бағишланган.

19-бобда олим яна Ой тугунларининг силжиши масаласига қайтиб, унинг суткалик силжишининг катталиги 3,20 ёй минутига тенглигиги маълум қиласди. Ҳозирги маълумотларга кўра, бу катталик 3,18 ёй минутига тенг бўлиб (хатолик атиги 0,02 минут атрофида), Хоразмийнинг кузатишлари ва ҳисоблари жуда катта аниқликка эга бўлганини кўрсатади.

Ойнинг Ер атрофида айланиши туфайли унинг юлдузлар фонидаги суткалик силжиш катталиги, Хоразмий аниқлаши бўйича, $13^{\circ}10,2'$ бўлиб (ҳозирги аниқланган катталиги $13^{\circ}19'$), хатолик атиги 1,2 ёй минутини ташкил қиласди. 21 бобда Қуёшнинг эклиптика бўйлаб суткалик силжиш катталиги $0^{\circ}59'08''$ деб топилган (ҳозирги маълумотларга нисбатан унинг хатолиги 1 ёй секунди атрофида).

"Зиж"нинг 24—27-боблари, жойнинг географик кенгламасини аниқлаш билан боғлиқ амалий астрономия масалаларига бағишланган бўлиб, унда Қуёшнинг кульминация (туш пайтида тиккага келган) ҳолатларидаги баландлиги асосида, кузатувчи турган жойнинг кенгламасини топиш муфассал баён қилинади. Ҳусусан, Қуёш, Ҳамал ва Мезон юлдуз туркумларида ётувчи зодиак белгиларида (бу белгилар эклиптика билан осмон экваторининг кесишигана нуқталарига мос келади) бўлганда, унинг суткалик ҳаракати осмон экватори бўйлаб кузатилишини маълум қиласди ва туш пайтида Қуёш марказининг уфқдан баландлигини ўлчаш усулларини кўрсатади.

Шунингдек, Хоразмий барча фаслларда Қуёшнинг оғиши маълум бўлганда, унинг туш пайтидаги баландлигига кўра, жойнинг географик кенгламасини топиш ўйини ҳам шу бобларда баён қиласди.

"Агар Қуёш Ҳамал ва Мезон белгиларининг биринчи даражасида бўлса (яъни баҳорги ёки кузги тенгкунлик

нүқталаридан бир даражалик ёй масофасида бұлса — М. М.), туш пайтида унинг баландлиги (ёй ҳисобида) мазкур жой учун Қуёшнинг максимумга эришган баландлиги бўлиб, тұқсөндән бу баландлик олинса, у ушбу жойнинг географик кенглигини беради. Агар Қуёш бошқа белгіда бўлса (зодиак белгилари — М. М.), унинг туш пайтидаги баландлигидан Қуёшнинг оғиши (яъни осмон экваторидан ёй узоқлиги) айрилиши, агар Қуёш (зенитдан) шимолда бўлса; ва, аксинча, қушилиши, агар у жанубда бўлса, сўнгра чиққан натижа 90 дан айрилиши керак. Натижа жойнинг кенгламасини кўрсатади", — деб ёзади Хоразмий.

Асарнинг 29—30-бобларида муаллиф яна сайёралар, Ой ва Қуёшнинг ҳаракат назариясига қайтиб, "Сайёраларнинг суткалик ҳаракатлари ва уларни аниқлаш йўллари", "Қуёш дискининг катталиги ҳақида" ҳамда "Ой дискининг катталиги ҳақида" фикр юритади. Қуёш дискининг кўринма катталигини аниқлаш учун Хоразмий; "Қуёшнинг тезлигини 33 минутга кўпайтириш керак, натижа Қуёш диаметрига мос келади", — деб ёзади.

Қуёш ва Ой тутилишларини аниқлаш ва бу ҳодисалар билан боғлиқ айрим шартларни белгилаш масалаларига "Зиж"нинг 33—35-боблари бағишлиланган. Шунингдек, бу бобларда Қуёш ва Ойнинг ўзаро энг яқин ва узоқ ҳолатларидаги тутилишларига тегишли жадваллар алоҳида келтирилган.

Рисоланинг 31, 32, 35, 37-боблари астрология масалаларига бағишлиланган бўлиб, уларда сферик ва амалий астрономия учун муҳим бўлган бир қанча масалалар ёритилган. Ҳусусан, Қуёш ва Ойнинг қўшилиш (бир тўғри чизиқ яқинида ётиши — астрономик янгиой пайтида рўй беради) ва қарама-қарши туриш (тўлиной пайтида кузатилади) ҳолатларини белгилаш ҳамда зодиакдаги ўн икки белгининг ҳолатлари тасвиранган жадваллар келтирилган.

Ёритгичларнинг гексагонал, квадратурали ҳамда тригонал аспектлари жадваллари ҳам шу боблардан ўрин олиб, бу аспектлар, мос равишда, ёритгичлар эклиптикал узунламаларнинг 60 (гексагонал), 90 (квадратурали) ва 120 даражали (тригонал) ҳолатларини белгилаши баён қилинган. Бу боблардан, шунингдек, астрологик башоратга доир "Туғилган йиллар жадвали" ва "Уй бегининг жадвали" ҳам ўрин олган.

Хоразмийнинг "Зиж"дан ташқари, астрономияга бағишлиланган яна бир йирик асари бўлиб, у "Астролябия

билин ишлаш ҳақидаги китоб" ("Китоб ул-амал бил-астурлабат") деб аталади. Асар құлөзмаси Берлиндеги Пруссия улкан күтубхонасида сақланади. Немис тилидеги тұла бұлмаган таржимаси И. Франк томонидан 1922 йилда чоп этилған. У, асосан, икки қисмдан иборат булиб, биринчи қисмда астролябияни ясаш тұғрисида маълумот берилади. 48 бұлымдан иборат иккінчи қисмда астролябия ёрдамда Қуёшнинг баландлигини аниқлаш, Қуёшни суткалик йүлиниң күндүзги ва тунги ёй бұлакларини аниқлаш, экватор ва бошқа кенгламалардаги кузатувчи учун зодиак белгиларининг чиқиши вақтими белгилаш ҳамда жойнинг кенгламасини топиш масалалари күриб чиқылған.

Асарнинг 21-бобида Қуёш баландлигининг тангенси ва котангенсими топиш учун астролябиянинг орқа томонига ишланған "соялар квадрантлари"нинг (баъзан "тангенслар квадратлари" ҳам дейилади) тузилиши ва ишлатилиши баён қилинған.

Үрта аср астрономлари томонидан кейинчалик кенг құлланилған бошқа бир асбоб — синус-квадрантнинг тузилиши ва ишлатилиши ҳақидаги күрсатма ҳам биринчи марта Хоразмийнинг шу асарида "Синусни, оғишини ва куннинг үтган қисмини аниқлаш учун квадрант ясаш" деган сарлавҳа остида берилған. Үнда, жумладан, шундай дейилади; "Агар шундай квадрант ясамоқ истасанг... бронзадан тұғри бурчакли квадрат олғин, уни тұқсonta тенг қисмга бұлғин, кейин марказидан четигача (тортилған чизиқни) тұқсонтадан то бир юз әлліктегача тенг бұлакка бұлғин. Бу асбоб синус-квадрантдир. Сұнгра унга ип ва юқ осғин. Ҳар бир юқ синусини топиш учун синус-квадрантдан тайёр жадвалдан фойдаланған каби фойдалан, у жадвал аниқлигидек аниқлик беради".

Хулоса қилиб айтганда, Хоразмийнинг астрономик "Зиж"и ва "Астролябия билан ишлаш ҳақидаги китоб"и сферик ва амалий астрономияга тегишли бир қанча масалаларга аниқлик киритиб, бу соҳаларнинг ривожланишида мұхим босқич ролини үйнаган. Хусусан, Қуёшнинг эклиптикадаги, Ойнинг үз орбитасидаги ва сайёralарнинг Зодиак юлдуз түркүмларидаги үрінларини белгилаш, Ой ва сайёralарнинг чиқиши түгүнларининг үрінларини аниқлаш, исталған кунда Қуёшнинг максимал баландлигига күра кузатувчи турған жойнинг географик кенгламасини аниқлаш масалалари, Қуёш ҳамда Ойнинг силяжишлари ва тутилиш фазалари катталиклари-

ни белгилаш каби масалалар ўша давр учун муҳим муаммолар эдики, аллома уларни мұваффақият билан ҳал қилиб берди. Қолаверса, Ҳоразмий құллаган усулларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йүқотған әмас.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

Үрта аср Шарқ олимлари ичиде Абу Райхон Берунийнинг илмий мероси алоқида ўрин тутади. У тарихчи, лингвист, астроном файласуф сифатида талай илмий мерос қолдирған алломадир. Унинг география, минералология ва фармакология буйича қолдирған мероси бу фанлар таркибидан ажыб бир дурдона сифатида ўрин олди. Олимнинг математика ва астрономия соңасыдаги ишлари эса жаҳон табиатшунослигининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Берунийнинг ўнлаб асарлари бизгача етиб келмаган, бироқ унинг бизгача етиб келган бир қисм асарларининг ўзи ҳам кўз ўнгимизда уни буюк қомусчи сифатида гавдалантиради. Аллома туғилганига минг йил тўлиши муносабати билан унинг асарларининг тўла тўплами рус ва ўзбек тилларида чоп этилди. Берунийнинг 1000 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирлар ва асарларининг чоп этилиши, олим ҳаёти ва илмий меросига жамоатчилликнинг қизиқишини кескин ортишига сабаб бўлди. Айни пайтда улуғ олим мероси билан фақат Шарқ, жумладан Үрта Осиё олимларигина әмас, балки Ер юзининг жуда кўп мамлакатларининг олимлари шуғулланади. Бизнинг диёримиз фарзанди Абу Райхон Беруний ўз маданий ва илмий меросининг жаҳоншумул аҳамияти билан ўзбек элининг ёхуд Үрта Осиё элларининггина әмас, балки жаҳон халқларининг, бутун Ер юзининг маънавий бойлигига айланди. Бу ҳол биз — ўзбекларда чуқур фахр ҳиссини қўзғатди.

Абу Райхон Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида Ҳоразмнинг қадимий пойтахти Кят (ҳозирги Беруний) шаҳрида туғилди. Беруний даврида Кят шаҳри мамлакатнинг асосий ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва савдо маркази сифатида танилган эди. Беруний бу шаҳарда ёшлигига кенг ва чуқур билим олди. Бироқ, баҳтга қарши, олимнинг ёшлик йилларидаги ҳаёти ва унинг устозлари ҳақида фанга десярли ҳеч нарса маълум әмас.

У кейинчалик ўз асарларидан бирида ёшлик йиллари ҳақида ёзиб, 990 йилларида ёк Ҳабаш Ал-Ҳосибнинг астрономик жадвалларидан фойдаланганлигини ва шу асосда астрономик кузатишлар олиб борганлигини баён қиласди. Берунийнинг устозларидан бири Абу Наср Мансур ибн Ироқ бўлиб, у математика ва астрономиядан бир неча фундаментал асарларнинг муаллифи эди. 21—22 ёшларида Беруний бир неча астрономик асбобларни ясаб, улар ёрдамида Хоразм воҳасига тегишли бир қанча аҳоли истиқомат қиласдиган шаҳарлар, пунктларнинг географик координаталарини аниқлаш билан шуғулланади. Бу йилларда у Қуёш ва Ой тутилишларини кузатиб ўрганади, шунингдек, эклиптика (Қуёшнинг йиллик кўринма йўли) нинг осмон экваторига оғишини аниқлашга доир қатор кузатишларни бажаради.

995 йили Кят шаҳри Гурганж (кўхна Урганч) амири Маъмун I томонидан забт этилгач, Беруний Кятдан кетиб, Рей (ҳозирги Теҳрон яқинидаги шаҳар) дан паноҳ излайди. 998 йили у Каспий денгизининг Жанубий-шарқий қирғогида жойлашган Гургон шаҳри (Гургон вилоятининг маркази) га, у ерларнинг ҳокими Қобус ибн Вушмагир томонидан таклиф этилади.

Беруний Қобус саройида б йилча яшади. Бу даврда у узининг машҳур "Ўтган авлодлардан эсадликлар" ("Хронология") асарини ёзиб тугаллади.

Мазкур асарида Беруний юнонлар, форсийлар, араблар, сўғдийлар ва хоразмликларнинг тақвим тизимларини баён қиласди. Шунингдек, бу асарда Ўрта Осиё фани ва маданий тарихи устида, айниқса, астрономия ва математикага тегишли маълумотлар ҳақида кенг тўхталган.

1004 йили Беруний Хоразмнинг янги пойтахти Гурганжга қайтиб келади. Тахмин қилинишича, бу дафъя уни Хоразмга келишга 997 йилдан 1009 йилгача Хоразмда подшоҳлик қилган Абу Ҳасан Али ибн Маъмун таклиф этади. Шундай қилиб, фан ва маданийтга ҳомийлик қилган Маъмун атрофида 1010 йилларда машҳур файласуф ва буюк ҳаким Абу Али ибн Сино, Берунийнинг устози Абу Наср ибн Ироқ, табиб Абу Саҳл Масиҳий, Беруний каби алломалар йигилиб, кейинчалик "Маъмун академияси" номини олган олимларнинг тўғараги иш бошлайди.

Бу даврда Беруний металлар ва қимматбаҳо минераллар билан боғлиқ талай қизиқарли илмий тажрибаларни

амалга оширади. Унинг бу тажрибалари натижалари олимнинг солиштирма оғирликлар ҳақидаги "Металлар ва қимматбаҳо маъданларнинг ҳажмлари бўйича нисбатлари ҳақида китоб" рисоласидан ўрин олган. Шунингдек, бу даврда Беруний қатор астрономик кузатишларни, жумладан, Урганчда эклиптиканинг осмон экваторига оғвалигини ўлчашга доир талай кузатиш ишларици баҳаради. Беруний 1016 йили бизгача етиб келмаган "Қуёш ҳаракатини аниқлаш усулига доир кўрсатма" деган рисоласини ёзib тугаллади. 1017 йили Хуросон ва Афғонистон сultonи Маҳмуд Газнавий Хоразмга юриш қилиб, уни ишғол қилди ва "Академия"нинг кўпчилик олимларини асир олди. Асирга олинган Беруний ва унинг устози ибн Ироқ Маҳмуд билан пойтахт — Газнага кўчишга мажбур бўлди.

Берунийдан бир асрча кейин ўтган Абу Фазл Байҳақийнинг "Масъуд тарихи" деб аталмиш тарихий асарида ёзилишича, Беруний Газнага келгач, "Хоразм тарихи" деган асарни ёзишга киришган, бироқ бу асар ҳам, бахтга қарши, бизгача етиб келмаган.

Олим 1025 йилда "Аҳоли яшайдиган пунктлар орасидаги масофаларни ойдинлаштириш мақсадида уларнинг ўринларини аниқлаш" ("Геодезия") асарини, 1029 йилда эса савол ва жавоб кўринишида битилган (530 савол ва уларга берилган жавоблардан ташкил топган) "Юлдузлар фани" асарини ёзib тугаллади.

Берунийнинг Ҳиндистонга сафари ҳам унинг Газнадаги даврига тўғри келади. Бу саёҳат Маҳмуд Газнавийнинг Ҳиндистонга қилган юриши билан боғлиқ бўлиб, Беруний уни бу юришида кузатиб борган деб тахмин қилинади. Бу сафар натижаси алломанинг 1030 йилда ёзib тугаллаган "Ҳиндистон" асари билан якунланди. Бу сафар туфайли Беруний бир қанча машҳур ҳинд олимлари ва файласуфларнинг асарлари билан танишиб, бир қанчаларини араб тилига таржима қилди. Шунингдек ҳиндларга совға сифатида Уқлидис (Эвклид) нинг "Бошланиш" ва Птолемейнинг "Ал-Мажистий" ҳамда ўзининг "Астролябия" асарларини араб тилидан санскритега (қадим ҳинд тилига) таржима қилди.

Маҳмуд Газнавий вафотидан (1030) сўнг таҳтга унинг катта ўғли Масъуд ўтириди. Масъуд, отасидан фарқли ўлароқ, олимларни, жумладан Берунийни қўллаб-қувватлади. Масъуднинг ҳимматларига миннатдорчилик белгиси

сифатида Беруний 1036—1037 йилларда ёзиб тугаллаган машхур астрономик асарини унга бағишилаб, "Қонуни Масъудий" деб атади.

Берунийнинг бу машхур асари 11 китобдан иборат булиб, уларнинг ҳар бири бир қанча бобдан ташкил топган. Биринчи китобда Птолемейнинг геоцентрик системаси асосида олам тузилишининг асослари баён қилинади. Бу китобида олим, шунингдек сферик астрономиянинг талай масалалари устида тұхталади. "Қонуни Масъудий"нинг иккинчи китоби тақвимлар, яъни хронология масалаларига бағишиланган булиб, унинг "Үтган авлодлардан эсдаликлар" асарида күрілган масалаларни тұлдириб, давом эттиради. Учинчі китоб, бутун мазмуни билан математик асар ҳисобланади. Тұрткынчи китобнинг бобларидан сферик астрономиянинг айрым муаммолари ва геодезік астрономиянинг баъзи масалалари қаралади. Бешинчи китоб Үрта асрлар фани учун муҳим бұлған жойнинг географик узунламасини, шунингдек ёритгичларнинг азимутлари ва бошқа координаталарини аниқлаш билан боғлиқ масалаларга бағишиланган. "Қонуни Масъудий"нинг олтинчи ва еттинчи китобларини Беруний, мос равища, Қуёш ва Ойнинг ҳаракатларини үрганишга бағишлиайди. Асарнинг саккизинчи китобида Қуёш ва Ойнинг тутилиш шартларини аниқлаш хусусида сұз юритилади. Тұққизинчи китоб юлдузларга бағишиланган булиб, унинг бобларидан юлдузлар ва планеталарнинг фарқы, юлдузларнинг прецессияси (юлдузларнинг узунлама бүйіча йиллик "силжиши" туфайли содир бұладиган ҳодиса), уларнинг чиқиши ва ботиш моментларини аниқлаш масалалари ҳақида гап боради. "Қонуни Масъудий"нинг ўнинчи китобида Беруний "қуролланмаган" күз билан күрса бұладиган бешта сайёра — Уторуд (Меркурий), Зуҳро (Венера), Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер) ва Зуҳал (Сатурн) ларнинг ҳаракатлари устида тұхталади. Ва ниҳоят, асарнинг энг сұнгги 11-китоби астрология масалаларига бағишиланган. "Қонуни Масъудий"нинг астрономия тарихида тутган ўрни буюклигини Ибн Синонинг "Китоб аш-Шифо" сининг медицина тарихида тутган ўрнига таққослаш мүмкін. Бу асар үрта аср астрономиясининг қомуси булиб, унда Беруний үзидан олдин үтган барча олимларнинг астрономик қарашларини танқидий нұқтаи назар билан таҳлил қылыш биланғина чекләнмай, жуда күп актуал масалалар бүйінча ўзининг янги ва илғор фикрларини баён қылған.

1040 йилда Данданакда туркманлар билан булган жаңгыраш Масъуд Фазнавий енгилди ва асир олиниб ўлдирилди. Тахтга унинг укаси Муҳаммад ўтиради. Бир неча ойга ҳам қолмай, 1041 йилнинг апрель ойида армия Муҳаммадни тахтдан олиб, унинг ўрнига Масъуднинг ўғли Маъдудни қўяди. Тарихчи И. Ю. Крачковский ва А. М. Беленицкий-ларнинг маълум қилишича, Масъуднинг етти йиллик подшолик даврида Берунийнинг ҳаёти нисбатан осойишталикда ўтган. 70 ёшга яқинлашган Беруний соғлиги анча ёмонлашганини, кўзи хира тортиб, режалаштирган илмий ишларини бажариш қийин кечётганини ўзининг бу даврда ёзган "Фихрист" асарида баён қилган.

Бироқ, қарилек ташвишларига қарамай, аллома умрининг сўнгги дамларигача ўз илмий фаолиятини тўхтатмади, бу даврда минераллар, табиатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид ўйналишлар бўйича умумлашган асарлар ёзиш билан машғул бўлди.

Натижада умрининг сўнгги йилларида олим яна икки буюк асар яратди. Улардан бири қисқача "Минералогия", иккинчиси эса "Фармакагнозия" деб юритилди.

Аллома охирги асарининг қўллэзмасини якунлаш арафасида — 1048 йилда оламдан ўтди.

Абу Райҳон Беруний илмий фаолиятининг маҳсулдорлигига баҳо бериб, шарқшунос олим И. Ю. Крачковский: "унинг эътиборини камроқ тортган фаннинг ўйналишларини санаб ўтиш, у қўл урган соҳалардан анча камлиги туфайли бир неча бор енгил", — деган эди.

Илмий фаолиятини асосан табиат фанларига бағишилаган Берунийнинг астрономияга тегишли асарларининг сони етмишдан ортиқ. Булар орасида олимнинг астрономия тарихида учмас из қолдириган талай оригинал асарлари билан бирга узидан олдин ўтган қадим юнонистонлик машҳур Птолемей асаридан тортиб, IX асрнинг машҳур Ўрта Осиё алломалари Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абул-Аббос Аҳмад ал-Фаргоний ва Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий асарларигача ёзилган шарҳлар ҳам мустаҳкам ўрин олган.

Олимнинг астрономия бўйича илмий фаолиятининг натижалари акс этган асарлари ва шарҳлари кейинчалик Хуросонда Умар Хайёмнинг Исфахон расадхонасидағи ишларида, Чингизхоннинг набираси Хулогуҳон қўлида сарой мунажжими бўлган машҳур Носириддин Тусийнинг Марғона расадхонасидағи фаолиятида, Самарқанд расадхонаси олим-

лари — Улугбек, Қозизода Румий, кейинроқ Ғиёсiddин Жамшид ва Али Қушчи каби буюк алломаларнинг кундалик иш фаолиятларида дастуруламал сифатида кенг қўлланилди. Ўз астрономик кузатишлари натижаларининг аниқлик даражасини текширишда, улар "Қонуни Масъудий" ва "Астрология"да келтирилган жадвалларнинг маълумотлари билан солиштиришга асосландилар. Беруний илмий меросидан кенг фойдаланган Самарқанд расадхонасининг ходимлари, ўз илмий фаолиятларида айниқса буни кўп марта миннатдорчилик билан эслайдилар.

УМАР ХАЙЁМ ВА УНИНГ КАЛЕНДАРИ

Сен мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,
Айланган фалак ҳам унга ёр эди.
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

* * *

Нечун, биласанми, хуроз ҳар саҳар
Туриб, мотамсаро оҳ-нола қиласар.
У бизга дейдики: "Тонг ойнасида
Умрингдан тун ўтди, дунё бехабар!"

Асосий ўлчови вақтнинг бирликлари туну-кун ва ойу йиллар бўлган солномага бевосита алоқадор бу рубоийлар XI асрнинг машҳур шоири, файласуфи, математиги ва астрономи Умар Хайём қаламига мансубдир. Умар Хайём 1048 йилда Хуросоннинг Нишопур шаҳрида майда ҳунарманц оиласида дунёга келди. Дастреб у Балхда ўқиди ва ўсмирик йилларида Мовароуннаҳрга келиб, Бухоро ва Самарқандда ишлади. Унинг тӯла исм-шарифи Ғиёсiddин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим ал-Хайёми ан-Найсабурӣ (Нишопурӣ) дир. У ёшлиқда Хуросон сultonи Маликшоҳнинг вазири Низомулмулк билан бирга ўсиди ва у билан яқин дўст тутинди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ, Хайём шоирона табиати ва ўткир зеҳнлилиги билан бўлажак вазирда ўзига нисбатан чуқур ҳурмат уйғотган эди.

Кейинчалик фаннинг турли соҳаларидағи шоирнинг қобилиятини ҳамда вазири Низомулмулкнинг илтимосини инобатга олиб, селжуқ сultonи Маликшоҳ 1074 йили Хайёмни саройга таклиф қиласди. Хуросон сultonи янги-

лишмаган эди: Умар Хайём саройда ишлаб юриб, шөррията ва айниқса, табиат фанларининг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиб, фан тарихида ўчмас из қолдирди.

Дунёга машҳур рубоийлар муаллифининг олим сифатида энг катта хизмати математика соҳасидадир. У алгебрада учинчи даражагача бўлган тенгламаларни геометрияга боғлаб ечишни системали равишда ўз асарларида баён қилди. Нишопурлик бу улуғ математик "Эвклид китобларининг қийин постулатларига изоҳлар" ёзиб, у постулатлардаги айrim ҳолларни умумлаштиришга ва мукаммалаштиришга ҳаракат қилди.

"Алгебра ва алмуқобала масалаларининг исботлари ҳақида" деб аталган Хайёмнинг бошқа бир математик асари, асосан, учинчи даражали тенгламаларни ечишга қаратилган бўлиб, олим бундай тенгламаларни ечишда конус кесимлари назариясидан кенг фойдаланади.

Айниқса, Хайёмнинг астрономия соҳасидаги фаолияти диққатга сазовор бўлиб, у мазкур соҳадаги ютуқларни Марв ва Исфаҳон расадхоналарида ишлаб юрганда қўлга киритди. Исфаҳондаги астрономик расадхона 1076 йили Хайёмнинг илтимосига кўра, Маликшоҳ томонидан қурдирилган эди. Мазкур расадхонага Умар Хайём то 1092 йилгача, яъни Маликшоҳнинг вафотига қадар раҳбарлик қилди. Оқибатда олим ўз астрономик кузатишлари асосида "Маликшоҳнинг астрономик жадваллари" ("Маликшоҳ зиж") ни ёзди. "Маликшоҳ зиж"нинг бир нускаси Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Бу "зиж"да Қуёш, Ой ва бошқа сайёralарнинг ҳаракатига ҳамда уларга тегишли маълумотлардан ташқари, яна юзга яқин равshan юлдузларнинг координаталари келтирилган.

Буюк шоирнинг астрономияга қўшган бошқа бир катта ҳиссаси календарнинг ислоҳига тегишилдири.

Кейинчалик Қуёш ҳижрий (ёки шамсий ҳижрий) календари номи билан танилган, Хайём тузган ушбу календарь узоқ тарихга эга бўлиб, унинг келиб чиқишида қадимий Яздигирд III календарининг эрасининг (боши 632 йилнинг 16 июнига тўғри келади) таъсири катта бўлди. Календарь эрасининг боши ҳисобланган бу кун Эронда Сосонийлар сулоласининг охирги подшоси Яздигирд III нинг тахтга ўтириш вақти билан боғлиқдир. Яздигирд III календарида йил 12 ойдан иборат бўлиб, дастлабки ўн бир ойи 30 кундан, 12-си эса 35 кунли эди. Бинобарин, бу солномада йилнинг ўртacha узунлиги 365 кунга тенг қилиб олинган эди.

Яздигирд календарида ойлар — фарвардин, урдибекишишт, ҳурдод, тир, мурдод, шаҳривар, меҳр, абор, дай, бахман ва исафандармуз каби номлар билан юритилиб, йил боши баҳорги тенгкунликка (Григорий календари бўйича 21 марта) тўғри келарди. Бироқ бу календарда йилнинг узунлиги, ҳақиқий қуёш йилининг узунлиги — тропик йилдан салкам 0,25 суткага камлигидан, йиллар ўтиши билан унинг йилбошиси баҳорги тенгкунликдан четлашиши, аниқроғи, илгарилаб кетиши кузатилди ва 120 йилда хатолик қарийб бир ойга етиши аниқланди. Мазкур хатоликни тузатиш учун Яздигирд III календарида 120 йилда 13-ой қўшимча қилиб киритилди. Хусусан, 120-йили қўшимча қилинган 13-ой, календарнинг биринчи ойи фарвардиндан кейин қўйилиб, фарвардин II номи билан аталди. 240-йили киритилган 13-ой, иккинчи ой — урдибекишиштдан кейин урдибекишиш II деб, 360-йилнинг 13-ойи эса, учинчи ой-журдоддан сўнг ҳурдод II деб аталди ва ҳоказо.

Бироқ йилбошини бу хилда ҳар 120 йилда қайтадан баҳорги тенгкунликка "қайтариш", йил ҳисобида катта ноқулайликларга сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам йилбоши доимо баҳорги тенгкунликка мос келишини таъминлайдиган янги қуёш календари ишлаб чиқиш ва жорий қилиш зарур эди. XI асрда Эрон шоҳи Маликшоҳ бу масалани ҳал қилишни ўрта асрнинг машҳур математиги ва астрономи, шоир Умар Хайёмдан илтимос қилди. Оқибатда Умар Хайём бошчилигидаги комиссия аниқлиги жуда юқори бўлган янги қуёш календарининг лойиҳасини тайёрлади.

Маълумки, қуёш календарларининг аниқлиги, Қуёшнинг Ер атрофида йиллик кўринма айланиш даврининг қанчалик аниқ белгиланиши билан боғлиқ бўлиб, бу тўғрида энг катта ютуқ, эрамиздан олдинги IV асрда Мисрда қўлга киритилган эди. У даврда мисрлик астрономлар тропик йил, яъни Қуёшнинг Ер атрофида кўринма айланиш даврини 365 куну 6 соатга тенг деб белгилаган эдилар. Бу, тропик йилнинг ҳақиқий узунлигидан атиги 11 минуту 14 секундга ортиқ эди холос! Тропик йилнинг мазкур узунлигига асосланган биринчи қуёш календари, Рим саркардаси Юлий Цезарнинг илтимосига кўра, эрамиздан олдинги 46 йилда аллександриялик астроном Созиген томонидан тузйлган эди. Кейинчалик Юлиан Цезарь шарафига Юлий календари деб номланган бу солномада

ҳар тўртинчи йил кабиса йили дейилиб, 366 кунни, қолган йиллар эса, оддий йиллар ҳисобланиб, 365 кунни ташкил этди.

Умар Хайём бошлиқ комиссия қуёш календарининг хатолигини янада камайтириш мақсадида юксак ақллилик билан иш юритиб, кабиса йилларини Юлиан календаридан бироз фарқ қиласидиган янги комбинация билан ишлатишни тақлиф қилди. Шоир календари лойиҳасига кўра, ҳар ўттиз йиллик даврнинг дастлабки йигирма саккиз йили давомида кабиса йиллар, худди Юлиан календаридаги каби еттига кабиса йилдан (яъни ҳар тўртинчи йили), саккизинчи кабиса йили эса одатдагидек уч йилдан сўнг эмас, балки тўрт йилдан сўнг бешинчи йили қабул қилинадиган бўлди. Натижада бу календарда, саккизта кабиса йили, Юлиан календаридаги каби 32 йил ичida эмас, балки 33 йил ичida қўшиладиган бўлди. Демак, Умар Хайёмнинг календарида йил узунлиги 365 бутун 8/33 суткага, ёки, бошқача айтганда, 365 суткаю 5 соату 49 минуту 5,5 секундга teng бўлади. Ҳақиқий йил узунлиги 365 суткаю 5 соату 48 минуту 46 секунд эканлигини эътиборга олсак, Хайём календарининг хатолиги, ҳар йили, атиги 19,5 секунд эканлиги маълум бўлади. Қарийб 16 аср "давр сурган" Юлий календарида хатолик 128 йилда 1 суткага, кундалик турмушимизда ишлатилаётган Григорий календарида эса 1 суткалик хатоликка 3 минг 300 йилда эришилгани ҳолда, Хайём календарида хатолик 1 суткага этиши учун 4 минг 500 йил керак бўлади, бу йилноманинг аниқлик даражаси қанчалик юқори эканлигини ортиқча мақтovларсиз ҳам бизга маълум қиласи.

Умар Хайём календари, Эронда Маликшоҳ томонидан ислоҳот билан 1079 йилнинг 16 марта (бу даврда Юлиан календари бўйича баҳорги тенгкунлик шу кунга тўғри келарди), ёки ҳижрий ой календари бўйича 471 йилнинг 10 рамазонида қабул қилинди. Бу кун Яздигирд календари бўйича 448 йилнинг 19 фарвардинига тўғри келарди. Шунингдек, Маликшоҳ ислоҳотида, янги календарь эрасининг бошини 632 йилдан Муҳаммал пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчган йилининг (яъни 622 йилнинг) баҳорги тенгкунлигига кўчириш қайд қилинган эди. Натижада ислоҳотдан сўнг, Яздигирд III календари ўринига биринчи марта қўёш ҳижрий календари ташкил топди. Бинобарин, қуёш ҳижрий календари

ҳисобида Маликшоқ ислоҳоти 458 йилда қабул қилинди. Бу календарь Умар Хайём календари дейилиши билан бирга, кўпинча Маликшоқ шарафига Жалолий календари (Маликшоҳнинг фахрий таҳаллуси Жалолиддин бўлган) деб ҳам юритилган. Жалолий календари Эронда XIX асрнинг ўрталаригача қўлланилгач, 12 йиллик мучал цикли (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз) билан юрадиган хитой-мўғул календарига ўтилди. Бироқ бу календарнинг умри қисқа бўлиб, 1911 йилгача ишлатилиди холос. Сўнгра йилнинг боши яна баҳорги тенгкунлик билан мос кела-диган "Буржий календар"га ("бурж"— зодиак юлдуз тур-кумлари соҳаси маъносини англатади) ўтилди. Бу солно-мада ойлар, қуёшнинг йиллик кўринма йўли соҳасида (зодиакда) жойлашган юлдуз туркумларининг номлари билан ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, ақраб, қавс, жади, далв ва ҳут дейилувчи номлар билан юритилади.

Гарчи бу календарда ҳам боши баҳорги тенгкун-лиқдан бошланиб, оддий йилнинг узунлиги 365 кун, кабиса йиллариники 366 кун бўлса-да, "Буржий кален-дарь" ойларида кунларнинг сони доимий бўлмай, 29, 30, 31 ва 32 кунларга тенг бўлади. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай, аниқроғи, 1926 йилнинг 21 марта (Григорий календари бўйича) Эронда мажлис қарори билан янги қуёш ҳижрий календари жорий қилинди. Бу календарнинг эраси ҳижрий, яъни 622 йилнинг тенгкунлигидан бошла-ниб, оддий ва кабиса йилларининг узунликкликлари биз-никидагидек, мос равишда 365 ва 366 кундан, ҳар йилнинг 12 ойидан дастлабки олти ои 31 кундан, кейинги бештаси эса 30 кундан ва охирги 12-ои оддий йиллари 29 кундан, кабиса йиллари эса 30 кундан эди. Айни пайтда Эрон ҳукуматининг расмий тақвими ҳисобланган бу календарда ойлар, қадимги Яздигирд III календаридағи ойлар номи билан фарвардин, урдибёҳишт, ҳурдод, тир, мурдод, шаҳривор, меҳр, абон, азор, дай, баҳман ва исфандармуз деб аталади. Ушбу календарда кунлар сонининг юқори-дагидек тақсимланиши тасодифий бўлмай, Қуёшнинг йил-лик кўринма ҳаракатини ўзида акс эттиради. Гап шун-даки, Қуёш узининг йиллик кўринма йўли — эклиптика бўйлаб нотекис ҳаракатланиб (Ер Қуёшнинг атрофида нотекис айлангани туфайли), йўлининг биринчи ярмини, яъни 21 мартдан 23 сентябргача бўлган қисмини, 186

кунда, иккинчи ярмини эса 179 кунда ўтади. Эроннинг расмий бу қуёш ҳижрий календари бўйича 1993 йилнинг 21 марта 1372 йилнинг наврӯзига (1 фарвардинига) тўғри келади.

Афғонистон ҳукуматининг расмий календари ҳам қуёш ҳижрий календари бўлиб, унинг асосида 1911 йили Эрон билан биргаликда қабул қилинган "Буржий календарь" ётади. Эслатилганидек, бу календарда ойларнинг номи зодиак юлдуз туркумларининг номлари билан ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, ақраб, қавс, жадди, далв ва ҳут деб юритилиб, уларда кунларнинг сони 29, 30, 31 ва баъзан ҳатто 32 кун бўларди. Шунинг учун ҳам бу календардан фойдаланиш катта ноқулайликларга эга эди. Оқибатда 1958 йилга келиб (қуёш ҳижрий календари бўйича 1337 йили), афғон календари маълум даражада Эроннинг қуёш ҳижрий календарига яқинлаштирилди. Бунинг учун қадимда 32 қунлик жавзо ойи кунларининг сони 31 кунга туширилиб, ўнинчи ой — жадди оддий йиллари 29 кунга, кабиса йиллари эса 30 кунга тенг буладиган қилиб қайта ислоҳ қилинди. Натижада унинг дастлабки олти ойи (ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула) Эрон календаридаги каби 31 кундан қилиниб, кейинги жаддидан бошқа беш ойи (мезон, ақраб, қавс, далв ва ҳут) 30 кундан қилиб жорий этилди. Бундан кўринишича, кабиса йиллари ҳар иккала — эрон ва афғон календарлари бўйича саналар тўла мос келгани ҳолда оддий йилларида охирги икки ой далв ва ҳут саналари бир-биридан бир кунга фарқ қиласди.

Агар Григорий календарининг маълум санасига тўғри келадиган қуёш ҳижрий календари йилини топиш зарур бўлса, у ҳолда Григорий календари йилидан 622 ни (борди-ю, сана 21 марта олдинги кунга тўғри келса) ёки 621 ни (агар сана 21 марта кейинги кунга тўғри келса) айириш керак бўлади. Масалан, 1990 йилнинг 15 февраля қуёш ҳижрий календарида қайси йилига тўғри келишини топиш учун 1990 дан 622 ни айириш керак бўлади, чунки 15 февраль 21 марта олдин келади. Бинобарин, 1990 йилнинг 15 февраля қуёш ҳижрий календарининг 1368 йилига тўғри келар экан.

Қуёш ҳижрий календари бўйича навбатдаги, яъни 1372 йил — Наврӯз, ой ҳижрий календари бўйича 1413 йилнинг тўққизинчи ойи — рамазон ойининг 27-сига тўғри келади.

Григорий календари бўйича у 1993 йилнинг 21 мартадан бошланади.

НОСИРИДДИН ТУСИЙ

Носириддин ат-Тусийнинг тўла исм-шарифи — Носириддин Абу Жъафар Муҳаммад ибн Муҳаммад ат-Тусий бўлиб, у Хуросоннинг Тус шаҳрида 1201 йилда туғилди. Тусий ёшлигида Бағдодда таълим олган машҳур Камолиддин Мусо ибн Юнусга шогирдликка тушади. Математика ва астрономиядан эришган билимлари меъёрига етгач, дастлаб Қўҳистоннинг Сертахт шаҳрининг ҳокими Насридин Абдураҳимнинг саройида, сўнгра исмоилийлар сулоласи мамлакатининг тоғли районида жойлашган қалъаси — Аламутда мунажжимлик лавозимида ишлайди. 1256 йили мазкур мамлакат мўғул хони Чингизхоннинг невараси Хулогухон томонидан босиб олинди. Асир тушганлар орасида Носириддин ҳам бор эди. Бу даврда у 55 ёшда бўлиб, унинг астрономия, математика ва фалсафа фанлари бўйича эришган шавкати бутун шарққа тараалган эди. Шу туфайли Хулогухон тезда уни асирикдан озод қилиб, саройга таклиф этди ва унга маслаҳатчи ва мунажжимлик лавозимларини инъом этди.

Тусий Хулогунинг Бағдодга юришида ҳамроҳлик қиласи, 1258 йили бу юришининг оқибатида Бағдод ҳалифалиги тор-мор келтирилиб, салкам 500 йил ҳалифалик қилган аббосийлар сулоласи инқирозга учрайди.

1259 йили Носиридиннинг илтимосига кўра, Хулогун Жанубий Озарбайжоннинг пойтахти Мароғада (Табриз яқинида) расадхона қурдирди.

Хулогухон саройга анчагина маърифатли кишиларни йигади. Жумладан, астроном — мунажжимларни ҳам турли ҳарбий юришлар ва бошқа маъмурий тадбирларни амалга оширадиган омадли кунларни аниқлаш ва бундай кунларни олдиндан билдирадиган жадвал — гороскоп тузиб беришларини талаб этиб, саройга таклиф қиласи. Мазкур жадвалларни тузиш, маълум астрономик кутишишларни тақозо қиласи. Бундай кузатишларни уюштириш эса, ўз нағбатида, яхши жиҳозланган расадхона қуришни талаб этарди. Афтидан, шундай мулоҳазалар, Носиридин Тусий томонидан Хулогуга уқтирилгач, у Мароғада расадхона қуришга розилик берган деб қаралади.

Бироқ кейинчалик Носириддин Тусийнинг ғайрати ва шижаоти сабаб бўлиб, бу расадхона XIII асрнинг йирик илмий марказига айланган ва тарихда ўчмас из қолдирган. Мароғада расадхона қурилиши билан боғлиқ бир нақл юради. Бу ҳақда тарихчи Чалабий "Жаҳоннома" китобида шундай ёзган эди: "Хўжа Носириддин Мароға шаҳрида астрономик расадхона қуришга киришаётib, унинг учун зарур бўлган маблағ ҳақида оғиз очганда, Хулогу ундан: "Юлдузлар ҳақидаги фан ҳақиқатан ҳам шу қадар фойдалимики, унга расадхона қуриш учун шу қадар кўп маблағ сарфлашга арзиса?" — деб сұрабди. Шунда Носириддин: "Кимнидир ҳеч кимга билдирамай ушбу тоққа чиқишга ва у ердан катта бир тоғарани пастга қараб думалатиб юборишга рухсат берсангиз", — деб сұрабди. Хулогу бунга рухсат бергач, шундай қилишибди. Тоғора тоғ чўққисидан пастга думалатилганда, у жуда кучли шовқин солиб пастга тушибди. Оқибатда Хулогуҳоннинг аскарлари орасида кучли ваҳима кўтарилибди. Носириддин ва Хулогу бу ҳодисадан, шубҳасиз, ҳеч ташвишга тушишмабди. Шунда Носириддин Хулогуга шу сўзлар билан мурожаат қилибди: "Биз бу ҳодисанинг сабабини билар эдик ва шунинг учун ҳам ташвишланмадик, навкарлар эса бундан бехабар эдилар, шунинг учун ҳам улар кўп бесаранжом бўлишди. Худди шунинг каби биз осмондаги ҳодисаларнинг сабабларини ҳам билсак эди, унда ерда ҳеч ташвиш билмай яшайвепар эдик.

Бу гаплар Хулогуга қаттиқ таъсир қилибди ва у расадхона қурилишига 20 минг динор пул ажратибди".

Ўрта аср тарихчиси Рашидиддиннинг маълум қўилишича, расадхонанинг юзга яқин ҳодими бўлган. Озарбайжонлик олим Ҳ. Мамедбейлининг "Носириддин Тусий — Мароға расадхонасининг асосчиси" деган асарида расадхонада ишлаган 21 астрономнинг рўйхати келтирилган.

Умрининг охиригача мӯғулларга асир тушган ва фаннинг турли соҳалари буйича ижод этган олимларга раҳбарлик қилган Носириддин Тусий талай илмий мерос қолдирди. 76 хил ном билан юритиладиган унинг илмий асарлари рўйхати, асосан, математика, астрономия ва фалсафага бағишлангандир.

Носириддин Тусийнинг илмий мерослари ичida уни дунёга танитган буюк астрономик асари "Элхон зижи" бўлиб, у Хулогуҳонга бағишланган эди (Хулогуҳоннинг та-

халлуси Элхон бўлган). Бу асарда келтирилган талай йирик шаҳарларнинг географик координаталари, юлдузларнинг координаталари, Қуёш, Ой ва бошқа сайёralарнинг ҳаракатлари акс эттирилган жадваллар, то XV асрда Улуғбек расадхонасининг йирик астрономик инструментида бу маълумотлар аниқлаштирилгунга қадар, яъни икки юз йилдан кўпроқ давр мобайнида дунё астроном олимларининг фойдаланадиган кундалик лугатига айланди.

Тусийнинг бу асарида ўша пайтда ҳукм сурган мусулмонлар, яҳудийлар ҳамда Хитой тақвимлари ва улар орасидаги боғланишларни, Қуёш, Ой ва "қуролланмаган" кўз билан кўринадиган бешта сайёранинг ҳаракат назарияси ҳамда ўнлаб ёруғ юлдузларнинг аниқ координаталари келтирилган.

Бу асарида олим, машҳур юнон астрономи, Олам тузилишининг геоцентрик таълимотининг асосчиси К. Птолемейнинг (машҳур "Алмажистий"нинг муаллифи) Ой ва Уторуднинг (Меркурийнинг) ҳаракатига бағишлиланган назариясига қарши чиқиб, ўзининг нисбатан енгил ҳисоблаш усулини таклиф этади.

Тусийнинг физикага бағишлиланган рисолаларининг сони тўртта бўлиб, улар эслатилганидек, оптика ва иссиқлик ҳодисалари билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган.

Айниқса олимнинг математикадан "Доска ва чанг ёрдамида арифметикадан тўплам", "Алгебра ва алмуқобаладаги ҳисоблаш масалалари ҳақида рисола", "Астрономиядан Алмажистоннинг баёни", "Элхон зижи", "Астрономиядан Носириддиннинг эсдаликлари" ва ниҳоят, физикага оид "Нурнинг синиши ва қайтиши ҳақидаги рисола", "Иссиқ ва совуқ ҳақидаги рисола" каби асарлари ўрта аср табий фанларининг ривожланишида буюк ҳисса бўлиб қўшилди.

Тусий физика, математика ва астрономия фанларидан бошқа соҳалар бўйича ҳам илмий асарлар ёзиб, тарихда қомусий аллома деган ном олди. Унинг Хулогуҳонга бағишлиланган ана шундай асарларидан бири "Элхон минералогияси" (Тансиқномаи Элхоний" — баъзан "Жавоҳирнома" ҳам деб юритилади) рисоласидир. Бу асарнинг бир нускаси Англияниң Кэмбридж университетининг кутубхонасида, бошқа бир нускаси эса Санкт-Петербург университетининг кутубхонасида сақланади. Тусийнинг педагогик фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир. Унинг "Ахлоқи Носирий" рисоласи чуқур педагогик фалсафий асар

бўлиб, унда инсоннинг маънавий шаклланиши, хулқ-атвори ва жамоада ўзини тутиши билан боғлиқ этик қонди ва нормалар ҳақидаги муаммолар ёритилган. Шунингдек, олимнинг мантиқ бўйича ёзган "Билим олишнинг асослари" ("Асос ал-иқтибос") асари ҳам файласуфлар учун қимматли мерос ҳисобланади.

Тусийнинг Марофадаги астрономик расадхонаси ўрта асрларда ишлаган ва дунёга донғи кетган энг йирик расадхоналардан бўлиб, унинг Шарқ астрономияси ривожига қўшган ҳиссаси бекёёсdir.

1935—1937 йиллари расадхона қолдиқлари археолог П. Варживанд ва унинг шогирдлари Бахтиёрий Муртазавий, ва Ҳайдарийлар томонидан ўрганилиб, унинг асл ўлчамлари ҳақида қўйидаги маълумотлар қўлга киритилди: узунлиги — 510 метр, кенглиги — 217 метр бўлиб, расадхона ўрнатилган бу тепаликнинг баландлиги 110 метр, П. Варживанд қазилмалари асосида Табриз университетининг олимлари Мароға расадхонасининг асосий "телесқопи" — квадратнинг радиуси — 18,4 метр, асосидаги айлананинг диаметри — 22,8 метр, деворининг қалинлигини эса 80 сантиметр деб топдилар.

Франция миллий кутубхонасида сақланаётган араб олими Ал-Ордизийнинг китобида Тусий расадхонасининг 10 та астрономик асбоблари ҳақида маълумот берилган.

Носириддин Тусийнинг вафотидан (1274 йилдан) кейин расадхонага унинг катта ўғли Садриддин Абул Ҳасан ибни Носириддин раҳбарлик қилди. Унинг иккинчи ўғли Аслиддин эса айни пайтда Парижда сақланаётган "Элхон зижи" нусхасини қўлда кўчириб берганлиги тарихий манбалардан маълум.

Мароға расадхонаси Самарқанд расадхонасидан 150 йиллар олдин қурилиб, ишга туширилганлиги туфайли, Улугбек расадхонасининг қурилиши ва ишга туширилишида Тусий расадхонасининг кўпгина ижобий тажрибалиридан, жумладан, илмий ишларни режалаштиришда ва олинган натижаларни таққослашда кенг фойдаланилди.

УЛУГБЕК РАСАДХОНАСИ ВА УНИНГ ОЧИЛИШИ

Улугбек расадхонаси Самарқанд архитектура ёдгорликлари ичida ўрта аср меъморчилик санъатининг энг нодир асарларида ҳисобланиб, ўз вақтида унинг донғи шарқ

мамлакатларининг маърифат аҳли орасида жуда кенг тарқалган эди. Мазкур расадхонанинг шуҳрати аниқ фанлар бўйича билимлар ҳали бери диний ақидалар кишинидан озод бўлмаган Европагача кириб борди. Расадхона асосчиси аллома Улугбек XVII аср машҳур поляк астрономи Ян Гевелийнинг юлдузлар атласида акс эттирилган аллегорик гравюраларида, осмон худоси Урания ёнидан — машҳур Птолемей, ал-Баттоний, Тихо Браге ва Коперниклар қаторидан ўрин олди.

Шу боисдан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, узоқ йиллар давомида қадами етмаган тадқиқотчилар Ўрта Осиёга келиб, дунё фани ривожига улкан ҳисса қушган илмий расадхона фаолияти билан ҳам қизиқишиган.

Айрим тарихий манбаларнинг тӯғри йўл кўрсатишига қарамай, расадхона ўни изсиз йўқолиб, узоқ йиллар давомида номаълумлигича қолиб келди. Хусусан, расадхона ҳақида 1832 йили Бухорода маълумотлар тўплаган инглиз саёҳатчиси А. Борне, расадхона Регистон майдонидаги Улугбек мадрасаси ёнида бўлган деган хуносага келди. А. Вамбери ҳам расадхона "изи"дан тушиб Тиллақори мадрасаси ёнида жойлашган мачитнинг йиқилиб тушган бош гумбазини расадхона гумбази деб тушунтириди.

Самарқанд чор Россияси қўлига ўтгач, шаҳар қадими ёдгорликларини рўйхатга олиш пайтида, унинг четидан ўтган Оби-Раҳмат ариғи бўйида жойлашган Чўпон ота тепалигининг жанубий ён бағридаги қир, маҳаллий аҳоли томонидан "Пойи расад", яъни "расадхона этапи" деб юритилиши аниқланди. 1872 йили шарқшунос А. Л. Кун томонидан тузилган Туркистон альбоми иккинчи томининг археологик қисмидан "Пойи расад"нинг бир неча расми ўрин олган эди. Гарчи 90 йилларнинг сўнгига Улугбек обсерваториясига Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагига катта қизиқиш билдириб, Тошкент обсерваториясининг ходими В. В. Стратонов ва археолог В. Л. Вяткинлар бу тепаликда археологик қазиш ишлари бажариш зарурлигини матбуотда уқтиришларига қарамай, расадхонанинг ўринини излаш бўйича қазилма ишлари яна бир неча йилга қадар амалга оширилмай қолаверди.

Узоқ йиллар руҳонийлар мазкур тепаликни "мозори Чилдуҳтарон" (Қирқ қиз мозори) деб эълон қилиш билан у ерни муқаддас жойга айлантирганликларига

қарамай, құшни қишлоқликлар аҳли, харобалар остидан үз қурилишлари учун пишган гиштни ташишда давом қиласвердилар.

Алқисса, Улуғбек обсерваториясининг үрнини аниқлаб берган ҳужжатни топиш тарихи жуда қизиқ бўлиб, у қўйидагича рўй берган эди. Бу иш рус-тузем мактабининг собиқ ўқитувчиси, ўзбекчага жуда чечан, ўзбек удумлари, миллий анъаналарига катта ҳурмати билан маҳаллий



Улуғбекининг шахсий юлдузлар глобуси

аҳолининг ҳурматини қозонган Василий Лаврентьевич Вяткиннинг вилоят бошқармасига ишга олинишидан бошланди. Губернатор архивида сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш ва мусулмон воқуф ҳужжатлари орқали Самарқанд тарихига тегишли кўп янгиликларни очишга унинг иштиёқи зўр эди.

В. Вяткин Улугбек мадрасасининг шимоли-шарқий минорасидан бошланиб, тиниқ Наводон аригининг қирғогида тугайдиган Заргарон кўчасида Абу Саид Мағзумнинг уйида ижарада турарди. Абу Саид Мағзум Василий Лаврентьевич билан тенгдош бўлиб, у Шарқнинг таникли тарихчиси машҳур "Самария" китобининг муаллифи Абу Тоҳир Хожанинг авлодидан бўлган Шайбонийхон мадрасасининг мударриси Абдуқаюм Мағзумнинг ўғли эди. Ешлигидан яхши таълим ва тарбия кўрган Абу Саид талантли хаттот-рассом бўлиб етишди. Унинг мўй қаламига мансуб мусулмон элининг туркум ҳикматлари — қитъалар Туркистоннинг энг гўзал меҳмонхоналарининг пештоқидан ўрин олган эди. Россия, Лондон ва Берлин музейларининг буюртмаларига кўра тайёрланган Самарқанд ёдгорликлари ва бошқа азиз қадамжоларини безовчи ёзувлардан тайёрланган юзлаб кўчирмалар ҳам Абу Саид Мағзумнинг қаламига мансуб эди. Заргарон кўчасида, Регистон бозорининг ёнгинасида унинг ихчамгина устахона-дўкони бор эди. Бу ерда Абу Саиднинг уқувчиси текис бўйрали полда ўтириб, бир неча варақдан елимлаб тайёрланган қаттиқ картонни ёйиб, уни силлиқлаш билан банд бўларди. Абу Саиднинг ўзи эса қора пат гиламча устида ўтириб олиб, мум ва асалдан араплаштирилиб тайёрланган бўёқларда қитъалар ва эпиграфик текстлар ёзиш билан машғул бўларди.

Абу Саид Мағзум кейинги пайтда касалга чалиниб, ҳар баҳорда ва кузда унинг касали қаттиқ хуруж қиласидиган бўлиб қолди. Вяткиннинг илтимосига кўра уни кўрган доктор Ильинский Абу Саид кўйкўтадан бўлганини маълум қилиб, унга қимиз билан даволанишини маслаҳат берди. Касал зўрайгач, В. Вяткин Абу Саид Мағзумни Олойга бориб қимиз билан даволанишга кўндириди. Бу даврда Олой воҳасининг "хўжайини" Қурбонжон Додҳо деган доно аёл бўлиб, В. Вяткин уни яхши танирди. Олой яйловларида азалдан йилқичилик жуда ривожланган бўлиб, тоза қимиз у ерда мўл эди. Олойга йўл ўш ва Иркиштам орқали утарди. Улар

Андижонга поездда бўриб, сўнгра отлар сотиб олмоқчи ва улар билан Олойга ўтмоқчи бўлишади. Ўш йўли В. Вяткинга яхши таниш эди, чунки у Ўш рус-тузем мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган даврида, уезд бошқармасининг илтимосига кўра, бир қанча ишларни бажариш учун таржимон сифатида Олойга уни бир неча бор таклиф этишган эди. У йиллари В. Вяткинга, Гулчига ва кўчманчиларнинг отарларига ҳам кўп марта боришга тўғри келган эди.

В. Л. Вяткин Абу Сайд Мағзум билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, Андижон поездига чиқишиганда, кун пешинга яқинлашган эди. Василий Лаврентьевич Абу Сайд Мағзумни зериктирмаслик учун "Олой қироличаси" — машҳур Қурбонжон Додҳо ҳақида сўз очади. У тақдиди жуда қизиқ кечган аёл эди. Қурбонжон Гулчили Маматбой исмли қирғизнинг қизи бўлиб, ёшлигидаёқ ювош қабиласидан бўлган бир йигитга унаштирилган эди, катта бўлгач унга турмушга узатишади. Бироқ эрига кўнгли бўлмаган Қурбонжон тезда отасиникига қайтиб келади.

Бу даврда Гулчи воҳасига Худоёрхон томонидан ҳоким қилиб Алибек Додҳо тайинланган эди. Кунларнинг бирида Алибек Додҳо ўз воҳаси бўйлаб сафарда юриб Қурбонжонга кўзи тушади. Бек уни шу қадар севиб қоладики, натижада уни эридан бутунлай ажратиб, ўзига хотинликка олади. Бу ақлли ва гўзал аёл кейинчалик ўз маслаҳатлари ва ёрдами билан Алибекни ҳаётда жуда кўп қийинчиликлардан қутқаради. Улар жуда иноқ яшаб, бешта ўғилли бўлишади. Қўқон хонлари тез-тез алмашиб турдиган, мамлакат ғаламисликларга бой бир даврда, Алибекни заҳарлашади. Қурбонжон жудолик азобида жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечиради ва охири болаларини олиб ўз она юртига кўчишга мажбур бўлади. У Яға-Чарт деган жойга кўчиб боради. Донолиги ва гўзаллиги туфайли катта обру ва эътибор қозонган Қурбонжонни Хитойдан то Туркиягача танимайдиган одам йўқ эди, деб таърифлашади. Бу даврда хонликлар ва тог ёнбағирлари бекликлари Бухоро амири қўлида бўлиб, у Қурбонжонга қабилани бошқариш хуқуқини беради ва бунга тасдиқловчи додҳо (бошқарувчи деган маънени беради) ёрлигини юборади, Қўқон хонлиги кейинроқ яна Худоёр қўлига ўтгач, у Қурбонжонни хонникка таклиф этади. Суҳбатда Қурбонжон Додҳо Худоёрга донолиги ва

гүзаллиги билан жуда ёқиб қолади ва у бу аёлга берилган Доджо унвонини қайта тасдиқ қиласы. Қирғиз ботирларидан бирини танлаб Доджо унга турмушга чиқады, бироқ у эрига ўзининг ишларига аралашшига ҳеч ҳам розилик бермайды.

Андижон воҳаси ҳам Чор Россияси томонидан ишғол қилингач, Ўшга генерал Кауфман келади. У Олоїда Доджо ҳузурида меҳмон бўлиб, унинг ҳурматини жойига қўяди ва унга қимматбаҳо совға инъом қиласы. Шунингдек, у Доджонинг ўғилларидан Ботирбек ва Ҳасанбекни Олой волостининг ҳокимлари, Маҳмудбек ва Қамчибекни эса Ўш вилоятлари ҳокимлари этиб тайинлади. Туркистон ўлкасига келган Россия ҳарбий вазири генерал Куропаткин ҳам Андижонда бўлиб, у ерда Доджо ва унинг баҳодирлари билан учрашади. Учрашувда вазир, Туркистон ўлкасининг таниқли аёлига бриллиантлар билан безалган крест совға қиласы. Қурбонжон Доджо ана шундай аёл эди.

В. Вяткин ва Абу Саид Мағзум тушган поезд кеч кирганда Андижонга кириб келди. Бу ерда карвон саройда уларни Вяткиннинг яқин дўсти, Самарқандлик антиквар Эгам хўжанинг акаси Эсам хўжа қарши олди. Меҳмонларнинг келишидан воқиф бўлган Эсам хўжа, эрта гонгда Ўшга йўлга чиқиш учун арава ва отлар тайёрлигини уларга маълум қиласы. Эрталаб улар йўлга чиқиб, Ўшга этиб келганларида, Абу Саиднинг аҳволи оғирлашиб. В. Вяткин Ўшда эски таниш врачларини излаб топади. Унинг яқин танишларидан ҳисобланган врач Лебедев касални кўриб, беморни аҳволи йўл азоби туфайли кучайганини билдиради. Ҳаваскор нумизматик, яхши китобларни йигувчи бу доктор, Абу Саиднинг катта санъат ва меҳнат талаб қилувчи хаттотлигидан хабар топиб, ҳурмат билан уни ўз касалхонасига ётқизади ва катта меҳрибончилик билан даволай бошлайди. Бир куни В. Вяткин Абу Саид олдига ўзининг яхши таниши, Ўш вилояти ҳокими, Доджонинг ўғли Ҳасанбекни етаклаб келади. У жуда содда, ётиборли ва дилкаш одам экан. Ҳасанбек Абу Саид Мағзумнинг маълумотлилигидан хабар топгач, Олоїда даволаниш давомида онаси — Қурбонжон Доджонинг архив ҳужжатларини ўрганишини ҳам ундан илтимос қиласы. Бунинг учун у Абу Саидга яхши ҳақ тўлашга ва ўз ўғлини бу ишда унга ёрдам бериши учун Олоїга жўнатишга тайёр эканлигини айтади. Касал бў-

лишига қарамай, Ҳасанбекнинг бу таклифи Абу Саид Магзумни қанотлантириб юборди, чунки машҳур Додҳо архивида Худоёрхон ва бошқа Қўқон хонлари архивига тегишли қимматбаҳо ҳужжатлар, уларнинг Додҳо билан ёзишма мактублари ва бошқа эътиборли материаллар булиши мумкин эди. Абу Саид бироз ўзига келгач, В. Вяткин доктор Лебедовдан Олойга жўнаш учун рухсат олади ва улар Олойга йўл олишади. Меҳмонлар бир неча кун йўл юриб, Олойга етиб келишади ва Қурбонжон Додҳо томонидан иззат ва ҳурмат билан кутиб олинадилар.

Эртаси куни Додҳо қўлида Қўқон хонлигининг кутубхонаси ва канцелярияси борлигини, унда хоннинг ҳужжатлари ва дастхатлари билан бирга раҳматли эри Алимбекнинг Қўқон хонлиги ва чет элдаги қўшни хонликлар билан мулоқоти акс этган ҳужжатлари борлигини меҳмонларга маълум қилиб, шуларни кўриб, тартибга солишини ва рўйхатга олишини илтимос қиласади. Додҳо меҳмонларга қалин арқон билан боғланган бешта сандиқни кўрсатади.

Эртаси куни Абу Саид Магзум ҳужжатлар билан танишиш мақсадида биринчи сандиқни очганда, Худоёрхоннинг архивига тегишли ҳужжатларга тўла бу сандиқда қоғозлар тартиб билан тах-так қилиб боғлаб терилган бўлади. В. Вяткин Абу Саиддан Темурийлар авлодига тегишли ҳужжатларни алоҳида рўйхат қилиб ўрганишини илтимос қиласади.

Бир неча ойдан сўнг Абу Саид Магзум анча соғайиб, Олойдан Самарқандга қайтади. У ўзи билан Қурбонжон Додҳонинг ҳали ўрганиб улгурмаган воқуф ҳужжатлари сақланадиган охириги бир сандиқини ҳам олиб келади. Мазкур сандиқдаги ҳужжатларни тартибга solaётгандан, XVI асрга тегишли бир ҳужжат Абу Саиднинг эътиборини тортади. Бу ҳужжат, бир тул хотинининг маҳалла масжиди фойдасига ўз томорқасидан воз кечиши ҳақида бўлиб, томорқа бир томондан Оби-Раҳмат ариғи билан, иккинчи томондан, бедазор билан, учинчи томондан, маҳалланинг жомеъ масжиди билан ва, ниҳоят тўртинчи томондан Толе-Расад тепалииги билан чегараланганинги маълум қиласади. Толе-Расад деганда гап Улугбек расадхонаси устида кетаётганини англаган Абу Саид Магзум топған янгилигидан ўзиш йўқ хурсанд бўлади

ва бу хушхабарни тезроқ етказиш учун В. Вяткин ҳузурига йўл олади.

Василий Лаврентьевич ҳужжат билан танишгач, Толе-Расад ҳақиқатан ҳам у кўпдан буён излаётган Улуғбек расадхонасининг қурилган жойи эканига ишонч ҳосил қиласди. Эртасигаёқ Абу Сайд Магзум билан биргаликда ҳужжатда эслатилган қишлоқнинг жоме масжиди ва бедазор эгасининг кўрсатилган номи бўйича Оби-Раҳматнинг бўйида расадхона қурилган тепаликни излаб топишга аҳд қилишади. Маълум бўлишича, Толе-Расад тепалиги, Самарқанднинг шарқ томонида Оби-Раҳмат ариги бўйидаги Нақши жаҳон деб аталадиган ва Чўпон ота қирига тулашган тепалик экан. Мазкур ҳужжат ёрдамида расадхона ўринининг аниқ топилиши, археологик қазув ишлари учун маблаг ажратиш имконини берди. В. В. Бартольднинг илтимосига биноан Толе-Расад тепалигида дастлабки археологик ишлар учун маблаг ажратилади. В. Л. Вяткин раҳбарлигига 1908 ва 1909 йилларнинг ёз фаслларида дастлабки қидирув-қазув ишлари амалга оширилади.

1910 йилда рус астрономик жамиятининг ташаббуси билан Каспий орти вилоятининг шаҳарларидан бирида Улуғбекка ҳайкал ўрнатиш учун садақа фонди очилди. Ўшанда рус географик жамиятининг Туркистон бўлими, Улуғбек ҳайкалини у яшаб, ижод этган Самарқанд шаҳрида қуришни мақсадга мувофиқ деган таклифни киритди. Бироқ 1911 йили И. И. Сикора "Улуғбек ҳайкали ҳақида"¹ деган ўз брошюрасини чоп эттириб, унда машҳур алломага қурилажак ҳайкал учун йигилган маблагни, Улуғбек расадхонасининг қазиб очилган секстант ёйини ёғин-сочиндан асраш учун таъмирлашга, яъни унинг устини гумбазли қилиб ёпишга сарфлаш маъқул бўлади деган фикрни билдиради. Бу фикр кўпчиликка маъқул тушиб, йигилган маблаг таъмирлаш ишлари учун сарфланди.

1914 йили Улуғбекка ҳайкал ўрнатиш мақсадида рус астрономик жамияти томонидан йигилган маблагга Толе-Расад тепалигининг усти (50 метрли диаметрга эга бўлган майдон) текисланди. 1915 йили инженер Лебедевнинг

Қаранг: Известия Туркестанского отделения русского географического общества. Т., IX, 1913.

лойиҳасига кўра, сектантнинг қазиб очилган қолдиқ қисмининг тепасига ёйли гумбаз қурилди.

Асрлар давомида ўрни йўқолиб кетаётган Самарқанд расадхонасининг XX асрда қайта "түғилиши"нинг қисқача тарихи ана шундай бўлган эди.

УЛУГБЕКНИНГ ЁШЛИК ЙИЛЛАРИ

Улугбек 1394 йилнинг 22 марта Амир Темурнинг Эрон ва яқин Осиё мамлакатларига қилган буюк "беш йиллик" юриши даврида Озарбайжоннинг Султония шаҳрида қолдирган уғруғида дунёга келди. Темур бу юришида кўпинча карвонни (угруқни) хотинлари билан (Ўзига йўлдош бўладиганларидан ташқари) Султонияда қолдиради. 1393/1394 йиллардаги карвоннинг тўхтатишида, унинг 17 ёшли ўғли Шоҳруҳнинг хотини, чигатоӣ зодагони Фиёсилдин тарханинг қизи Гавҳаршод унга ўғил невара ҳадя қилди. Айни пайтда Темурнинг аскарлари Месопатамияда (Ироқда) жанг қилишарди. 16 апрель куни Мардин шаҳри Темурнинг қўлига ўтди. 17 апрелда эса Султониядан етиб келган чопар, Темурни набира кўргани билан табриклиди. Бу хушхабар сабаб бўлиб, Темур Мардин шаҳри аҳлига шафқат қилди ва солиқ тўловидан озод қилди.

Астроном F. Жалолов ўзининг "Шарқ адабиётида ой календари" мақоласида Улугбекнинг туғилиш тарихи баён қилинган қуйидаги маълумотларни келтиради. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" асарида Улугбекнинг туғилиши ҳақида шундай ҳикоя қиласиди: "Тангри, жаҳон элларининг подшоси Шоҳруҳга ўғил ҳадя қилди. Янги чақалоқ буюк, ҳосилдор ва серсув диёрда дунёга келди; янги "мехмон" бахтли юлдуз остида туғилди".

Кейинроқ Яздий Улугбекнинг туғилишига багишлаб, маҳсус боб ёзи, унда: "Улугбек якшанба куни, ҳижрий 796 йил, жумадул-аввал ойининг 19 куни (1394 йил 22 март), Жалолий тақвими (қуёш-ҳижрий тақвими)га кўра, ит йилининг фарвардин ойида Султония шаҳрида дунёга келди". Шундан сўнг қуйидаги мазмундаги 8 мисра шеър келтирилади: "Жаҳон султони Шоҳруҳга, худо, ой-юзли шаҳзодани совға қилди, Ой кўтарилиб, ўзининг энг баланд нуқтасига эришгач, борлиқни Шарқда уфқдан кўтарилаётган Қуёш каби нурағишон этади. Билимдон

мунахжимлар, туғилиш вақтини аниқлашга киришдилар ва бир вақтнинг ўзида эклиптикада ва горизонтда ётган нуқтанинг узунламасини, бошқача айтганда, туғилиш моментидаги чиқаётган биринчи уйнинг (горизонт устидаги осмоннинг ярим сфераси 15 даражадан қилиб 12 уйга бўлинади) узунламасини тоидилар. Улар қолган уйларнинг ва сайёralар ўринларининг узунламаларини ҳам аниқладилар. Олинган маълумотлар асосида ажойиб бир қалам ёрдамида, оппоқ қоғозга (туғилиш моментидаги) чиқаётган нуқтага мос шоҳона гороскоп (төъле) чиздилар".

Ундач сўнг келадиган тўрт қисмдан иборат шеърий мисралар қўйидагиларни маълум қилади: "Туғилиш пайтида Асад юлдуз туркуми чиқаётган эди... Ҳамал юлдуз туркуми яқинидаги Қўёш, бизга маълум нуқтадан (баҳорги тенгкунликдан) аллақачон ўтиб, ерни кучли қиздира бошлаган эди". Бу ёзилганларга шарҳ бериб F. Жалолов: "Асад юлдуз туркуми чиқаётганда, Ҳамал, осмон меридианидан 30 даражада чамаси гарбда бўлади. Бинобарин, Улуғбек, Султония шаҳрининг маҳаллий вақти билан тахминан соат 2 ларда (14 да) туғилган", дейди. Дарвоҷе, бу пайтда Ҳамал юлдуздаги Қўёшнинг соат бурчаги 2 соат бўлиб, маҳаллий вақт, унга 12 соатни қўшиш билан (яъни $12+2=14$ соат) топилади.

Янги туғилган чақалоққа Амир Темур ўз отасининг исмини қўйиб, Муҳаммад Тарофай деб атади. Темурнинг ўз набирасини суйиб ва эркалаб Улуғбек деб аташи натижасида унинг асл исм-шариfinи деярли атамай қўйишиди. Маълумки, Темурга "улуг амир" деб мурожаат қилишарди. Форсларда ишлатиладиган "амир" сўзига, туркларнинг "бек" сўзи мос келарди. Шу боисдан соҳибқирон суюкли набирасини ўз тахаллуси билан "улуг бек" деб атаган бўлса ажаб эмас, деб ҳам тахмин қилинади.

Улуғбек ёшлигида бувиси Сароймулк хоним қўлида тарбия кўрганини ҳам Шарафиддин Али Яздий маълум қилади. Унинг ёшлик йилларига тегишли маълумотлар жуда кам бўлиб, Темур замони тарихчилари қўллэзмаларида улар узуқ-юлдуз ҳолда учрайди. 1394 йилнинг май ойида угруқ Темурнинг хотинлари ва болалари билан Арманистон ва Кавказ ортига — Темур ҳузурига чақирилганилиги ва 1395 йилнинг баҳорида Са-

марқандга жұнатылғанлиги, уларнинг асарларида маълум қилинди. 1396 йили барча қариндошлари Темурни машіхур "беш йиллик" юришидан қайтаётганда Ҳазарда кутиб олишади.

Улуғ амирнинг Ҳиндистонга юришида Сароймулк хоним ва Улугбек уни Қобулгача кузатиши. Тарихчи Фиёс-ад-дин маълум қилишича, Темурга севимли набираси билан ажралиш жуда қийин бўлса-да, бироқ у Ҳиндистоннинг иссиқ иқлими боланинг саломатлигига салбий таъсир қилишидан қўрқиб, 1398 йили уларни Самарқандга қайтариб юборади. 1399 йилнинг 30 марта шаҳзода ва амирнинг хотинлари, жумладан, беш ёшли Улугбек бобосини Ҳиндистондан қайтишида Амударё соҳилларида кутиб олиш учун пешвоз чиқишиади.

Улугбек, Иброҳим ва бошқа шаҳзодалар, Сароймулк хоним ва амирни кузатиб чиқсан бошқа аёнлар билан доимо уғруқда бўлиб, 1400/1401, 1402/1403 йилларида улар кўп вақтларини Султонияда ўтказардилар. 1403 йилда Улугбек, Иброҳим ва бошқа шаҳзодалар Темурни Арзиумда кутиб олдилар. Бу Улугбек умрида борган мамлакатнинг энг гарбий нуқталаридан бўлса ажабмас, (В. Бартольд). 1404 йилда малика ва шаҳзодалар Ферузкуҳдан Самарқандга, Темурнинг "етти йиллик юриш"идан қайтишига оз қолганда жұнатылади.

1404 йилнинг кузида Амир Темур "етти йиллик юриш"ининг ғалабасини нишонлаб, Самарқанд атрофида ўтказган сайлларида Улугбек, Испания ва Хитой элчиларини бобоси томонидан қабул қилиниш маросимида гувоҳ бўлди. Мазкур сайлларда иштирок этган Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, соҳибқирон томонидан элчиларни қабул қилиш маросимида Темурнинг ёш набирадарига элчилар қўлидан ёрлиқ-номаларни олиб, бобосига элтиб бериш ва элчиларни Темур олдига етаклаб олиб кириш каби вазифалар юқлатылганди. Клавихо, шунингдек, Темур ўз юришларининг ғалабасига багишлаб ўтказган, эслатилган сайлда 9 ёшдан 17 ёшгача бўлган барча невараларини ҳам уйлантирганини маълум қилади. Ӯшанда ўн ёшли Улугбек, Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султоннинг қизи Угай бегимга уйланган эди. 1404 йили Темур Хитойга юришини бошлаш олдидан набираси Улугбекка Тошкент, Сайрам, Авлиё ота, Ошпар ва Мўгулистанни (Хитойгача), Иброҳимга эса Фарғона,

Қашқарни берди. Бироқ, шаҳзодалар ҳали ўзлари учун ажратилган вилоятларга ҳокимлик қиласидан даражада мустақил бўлмаганиклиридан боболарининг ҳузурида қоладилар.

Темурийлар даври ҳақида жуда кўп маълумот берган машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий, Шоҳрухнинг Улугбек билан тенгдosh бошқа бир ўғли — Иброҳим (бошқа хотинидан) ҳақида анчайин батафсил маълумот бўргани ҳолда, Улугбекнинг ёшлик йиллари тўгрисида жуда кам нарса ёзиб қолдирган.

Тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий Улуғбекнинг ёшлик йилларида ёки яхши хотираға эга бўлганлигини таъкидлаб, шундай далил келтиради. Қорабогда Улуғбекнинг ёшлигида у билан турли ўйинларни ўйнайдиган ўртоғи — саройда қиссанахон (эртак сўзловчи) лавозимидағи тарбиячининг жияни (синглиснинг ўғли) бўлган. Вақт ўтиши билан бу киши ўз билим ва маълумотини такомиллаштириб, "шайх" ва "ориф" унвонларига зришган. 1448 йили Хуросонда у тасодифан Улугбек билан учрашиб қолади. Улугбек дарвеш кийимидағи Шайх Ориф Озорийни биринчи сўзларидан кейиноқ: "Сен бизнинг ёшлигимиизда "Эртак сўйлагич"имизнинг жиянимасмисан?" — деб таниб қолади ва ёшлик йилларидағи воқеаларни бир-бир эслашади.

Машҳур муаррих Б. Аҳмедовнинг маълум қилишича, Сарой қиссанахонининг жияни Улугбекдан ўн икки ёш катта бўлиб, унинг исми Ҳамза иби Али бўлган. У Улуғбекка тўрт ёшлигидәёқ, яъни 1498 йилдаёқ хат савод ўргатиш учун бириткириб қўйилган. Ҳамза иби Али саводи яхши чиқиб, қиссанахон тоғасидан қиссанахонлик ҳунарини касб қиласа ва кўп соҳада ундан таълим олган эди. Шунингдек, у даврда подшоҳлар ва хонлар саройида шаҳзода ва хонзодаларга ёшликтан турли соҳалар бўйича билим, тарбия бериш учун оталик қилувчи шахс саналган. Улугбекка оталик қилиш учун билкут қабиласидан чиққан маълумотли амир Шоҳмалик тайинланган эди. Ўрта асрларда, подшоҳлар ва хонлар саройида, уларнинг онлаларидағи хонзода, шаҳзода ва бекзодаларнинг тарбияси учун маҳсус қўлланмалар ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири, Б. Аҳмедовнинг таъкидлашича, "Сулук ул-мулук" ("Подшоҳлар учун қўлланма") деб аталган рисола эди. Унда айттилишича, шаҳзода ва бекзодаларни

"муҳофазат қилиш, аҳволни кузатиб бориш, одатда, юқори унвонлик ва давлат нишонли" амирларнинг қўлига топширилган. "Шаҳзодалар савод чиқаргандаридан кейин "тўзаликлар ва латифаларни нақл этувчи" қаламдан фойдаланиш ўрнига "сувдек нақшлик ханжар ва олов сочувчи" қилинчи ишлатиш, найзабозлик ва камондан ўқ отиш санъатини ўргангандар, чунки, "чаққонлик билан бел боғлаб, олам очувчи шамишир ишга туширилмаса, билиш мумкинки, мамлакат қалам воситасида муҳофазат этилмайди". Бундан ташқари, шаҳзода, хонзода ва бекзодалар от чопиш, чавгон ўйнашни ҳам ўргангандар. Шундан кейин, "Сулук ул-мулук"да яна айтилишича, бўлажак ҳукмдорга давлатни идора қилиш санъати турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўплаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа юртлардан элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйича ҳам кўникма ва маълумотлар берилган.

Шубҳасиз, Улуғбек ҳам подшоҳлар, хонлар ва бекларнинг болалари учун мажбурий бўлган мана шундай мактабни ўтаган, албатта..., дея хулоса қиласи олим.

Тарихий манбаларда, Улуғбекнинг ёшлик даври, унда қачон ва кимлар томонидан аниқ фанларга қизиқиши ўйғотилганлиги тўғрисидаги маълумотлар деярли учрамайди. Болалик ва ўсмирилик йилларида Улуғбек Темурнинг авлодлари, биринчи галда унинг набиралари орасида маълумотлилиги билан алоҳида ажralганлиги ҳақида ҳам далиллар айтарли йўқ. Шу боисдан унинг аниқ фанларга, жумладан, юлдузлар илмига қизиқиши ва бу борада тадқиқот ишлари бўйича фаоллик кўрсатиши афтидан, анча кеч, В. Бартольднинг фикрича, унинг Мовароуннаҳрни бошқариш учун тахтга ўтирган давридан бошланган.

Улуғбекнинг табиат фанларига, жумладан, илму нужумга илк қизиқишининг тугилишига оид яна бир воқеа ҳақида Б. Аҳмедов Амир Темурнинг "етти йиллик юринши"нинг (1398—1404) учинчи йили уғли, қ. Озарбайжоннинг қадимий пойтахти Марогада тұхтаганда, Сароймұлк хоним топшириғига биноан сарой қиссаның жияни Ҳамза ибн Али ва Улуғбекни Мароганинг диққатта сазовор ёдгорликлари билан таништирғанини маълум қиласи.

уларни Марғанинг бир неча қадимий ёдгорликлари билан берга, XIII асрнинг машҳур астрономи Носириддин Тусий қурдирган расадхонанинг харобаларига ҳам олиб бориб, у ҳақда сўзлаб берганини ва бу Улуғбекда катта таассурот қолдирганини маълум қиласди. Бироқ бу ҳақдаги маълумот расмий тарихий манба маълумотига асосланилган асосланмагани олимнинг "Улуғбек" эссесида келтирилмагани боис бу ҳақиқатан бўлган воқеами ёки шунчаки асарни бади-иляштириш учун уриниш бўлганми, айтиш қийин.

Шунингдек, мазкур асарда олим Улуғбек сарой му-нажими Бадриддин билан яқин булиб, у билан Кўксарой кутубхонасига боргани ва у ерда риёзиёт, шеърият ва илму нужумга доир адабиётлардан фойдаланиб, мутолаа қилгани ҳақида ёзади.

Ёшлик йилларида Улуғбекнинг турли соҳалар бўйича билимлари, савияси ва дунёқарашининг шаклланишида, шубҳасиз, унинг уғруқ билан турли мамлакатларга саёҳати, ўша даврнинг билимдон ва маданиятли аёнлари билан узлуксиз мулоқотда бўлиши, бобоси ҳузурида турли дипломатик учрашувларда иштирок этиши катта роль ўйнаган.

Шунингдек, бобоси Темурнинг, кейинроқ эса отаси Шоҳрухнинг турли мамлакатларга юришида қўлга киритган бойликлари ичиди Ҳинд, Месопотамия ва Шарқ мамлакатлари алломаларининг нодир ва буюк асарлари ҳам ўлжа сифатида сарой кутубхонасини бойитгани ва улардан хат-саводи эрта чиққан Улуғбекнинг кенг фойдаланганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Улуғбек Афлотун, Аристотель, Гиппарх, Ариабхата каби Юнонистон, Миср ва Ҳинди斯顿 алломаларининг ва Шарқ донишмандларидан, ал-Хоразмий, ал-Фаргоний, ал-Баттоний, Абу Вафо ал-Бузжоний, Абу Наср ибн Ироқ, ал-Фаробий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Маҳмуд ал-Чағминий ҳамда Носириддин Тусий каби олимларнинг илмий меросларидан кенг фойдалангани унинг сўнгти йиллар илмий фаолияти натижаларидан яхши кўринади. Улуғбекнинг турли фанлар бўйича билимининг шаклланишида Амир Темур даврида саройга ишга таклиф этилган кўплаб форсий мамлакатларнинг зиёлий ва олимларининг таъсири кучли бўлганини тасдиқловчи анчагина далиллар мавжуд.

Улуғбекнинг математика ва астрономия соҳасидаги биринчи ўқитувчиси Салоҳиддин Мусо иби Маҳмуд Қозизода Румий бўлгани тарихий манбалардан, жумладан, В. Бартолъднинг асарларидан маълум.

Улуғбекнинг табииёт фанларига, айниқса, астрономияга қизиқишида, сарой мунахжимлари мавлоно Аҳмаднинг ҳам хизмати кам бўлмаган, деб тахмин қиласи Ф. Жалолов.

Бироқ шуларга қарамай, олимлар Улуғбекнинг илму нуҷум билан бевосита мустақил шуғулланиши, юқорида эслатилганидек, унга амир Шоҳмаликнинг отакалик қилган давридан сўнг, яъни мамлакатни бошқаришга мустақил киришишгандан кейин бошланган деб хулоса қилалилар.

РАСАДХОННИНГ ҚУРИЛИШ ТАРИХИДАН

Одатда, ўрта асрларда ҳар бир подшоҳ саройида мунахжимлар бўлиб, улар астрологик мақсадларда юлдузлар осмонини кузатишар ва уларнинг ҳолатларига кўра, мамлакат ва подшоҳлик фаолиятининг тақдири ҳақида башоратлар қилиш билан шуғулланишарди. Амир Темурнинг саройида ҳам мавлоно Аҳмад ва мавлоно Абдуллоҳ каби мунахжимлар ишлагани тарихий манбалардан маълум. Шулардан саройда ҳакимлик ҳам қилган мавлоно Аҳмад сайёralарнинг 200 йиллик ҳолатларини олдиндан белгилаб, бу асосда жадвал тайёрлаган. А. Навоийнинг замондоши, тарихчи Мирхонд иби Ҳавандшоҳ "Равзат-ус-Сафо" асарида Темурнинг кичик Осиёга (Румга) юриши ҳақида гапириб, қўйидаги сўзларини келтиради: "Гороскопнинг кўрсатишича, мазкур юришда у (Темур) бу йил ғалаба қозонади, унинг душмани жуда ожиз, бунинг боиси бу даврда Ҳамал юлдузи туркумида комета пайдо бўлди. Дастлаб у кечки шафақ билан ғарбда, бир неча кундан сўнг эса, у шарқда тонгти шафақ билан кўринд... Бунинг далили сифатида у мавлоно Темурга Муҳиддин Мағрибийнинг ишларидан бирини келтириб, ундан агар кометанинг ҳаракати, айнан шу даврда кузатилган комета йўналишида бўлса, "шарқ томондан юриш бошлаган

қүшин, гарб томонни — Румни маглубиятга учратади", — деган сұzlарини үқиб берди".

Бинобарин, ўрта асрларда мунажжимлар учун сайёра-
ларнинг олдиндан ҳисоблаб топилган ҳолатлари билан
бевосита кузатиш натижаларининг мос келиши жуда ҳам
муҳим ақамиятга эга бўлган. Шу ҳол сабаб бўлиб, XIII
асрда, IX—XII асрларда Шарқда ишга туширилган расад-
хоналарда қилинган кузатишлар натижасида тузилган
жадвалларни янгилашга эҳтиёж сезилди. Бу эса, ўз
навбатида, янги, аниқ натижалар берадиган қувватли
астрономик асбоблар билан жиҳозланган расадхона қури-
лишини гақозо қиласарди. Натижада Чингизхоннинг нева-
раси Хулогухон саройининг мунажжими Носириддин Ту-
сий XIII асрда Озарбайжоннинг ўша даврдаги пойтакти
Марғада Хулогухон ёрдамида расадхона қурдирди. Кўп
йиллик кузатишлар асосида Тусий янги астрономик жад-
валларни тайёрлади ва уни Хулогухонга бағишилаб, "Зижи
Элхоний" деб атади. Бироқ кўп ўтмай, XIV асрнинг
оҳирларига келиб, Носириддин тузган жадваллар ҳам
кузатиш натижаларидан сезиларли фарқ қилувчи натижа-
ларни бера бошлиди. Шу муносабат билан янада аниқ
маълумотлар олиш имконини берадиган, олдингиларидан
афзалроқ ва аниқроқ қурилмаларга эга бўлган янги
расадхона қуриш эҳтиёжи туғилди. Оқибатда Ҳиндистонда
1407 йилда Султон Ферузшоҳ Давлатобод тепалигига
расадхона қуришни бошлиди. Мазкур расадхонанинг қу-
рилишига Ҳасан Ғалоний ва Сайд Маҳмуд Қазруний
бошчилик қилишди. Бироқ Ҳасан Ғалонийнинг бевақт
вафоти ва бошқа айрим сабаблар оқибатида расадхона
қурилиши тұхтаб қолди. Чунки у даврда расадхонанинг
лойиҳаси ва қурилишига раҳбарлық қилувчи шахс ариф-
метика, ҳандаса, тригонометрия, сферик астрономия ва
астрометриядан хабардор бўлмоғи лозим эди. Бундай
зарурий билимларга эришиш эса ўз навбатида, кишидан
кўп йиллик меҳнат талаб қиласар эди. Сабаби, Птолемей-
нинг геоцентрик системасига таянган астрометрияси, XV
асрларга келиб, ўрганиш учун жуда мураккаб тус олган
эди. Биргина Ойнинг маълум күн учун ўрнини аниқ
топиш талаб этилганда, мунажжим бунинг учун камида
18 та жадвалдан олинган маълумот билан иш қўришига
тўғри келарди,— деб маълум қиласиди шарқшунос-астроном
F. Жалолов.

Шуларни эътиборга олиб, Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ ҳукмрон бўлган мамлакатнинг Кошон шаҳрида истиқомат қилгани ўзбек астрономи Фиёсиддин Жамшид "Зижи Ҳақоний" дар такмил "Зижи Элхоний" ("Ҳақон зижи" "Элхон зижи"нинг такомиллаштирилганидир") деган машҳур рисолани ёзади. 1414 йилда ёзиб тугалланган бу асар, "Ҳақон" тахаллуси билан танилган бош ҳукмдор Шоҳруҳга бағишланган эди. "Ҳақон зижи"нинг назарий қисми ва астрономик жадваллари, "Зижи Элхоний"нинг назарий қисми ва жадвалларидан бироз фарқ қилиб, улар янги маълумотлар билан тўлатилган ва бойитилган эди. Мазкур тузатишлар, Қўёш, Ой ва бошқа сайдерларнинг топилган ҳолатларининг аниқлигини фақат бир неча йилгагина таъминлай оларди, холос. Сайдерларнинг бир неча ўн йилларга тегишли ҳолатларини олдиндан аниқ топиш учун эса уларнинг орбита элементларини янгидан аниқлаш талаб этилар эди. Бунинг учун яна ҳам аниқ кузатишларга ва ўлчашларга имкон берадиган астрономик асбобни ишга тушириш, яъни янги расадхона қуриш зарур эди.

Шоҳруҳ мамлакати ҳудудида янги расадхона қуриши нияти Жамшид Кошийни анчадан бўён ўртаб келарди. Шу боисдан Фиёсиддин Коший Шоҳруҳга бўлган ҳурматини унга бағишлиб битган "Зижи" орқали билдириш билан чегараланмай, унга янги расадхона қуриш режаси борлигини ҳам маълум қиласи. Бироқ бу илтимосига ижобий жавоб олишга улгурмай, Амир Темурнинг вафоти муносабати билан унинг авлодлари орасида таҳт учун ихтилофлар бошланиб кетади. 1415 йилда Кошон ва унинг атроф вилоятларининг бошлиги Сайд Ваққос Шоҳруҳга қарши қўзғолон бошлайди. Темурнинг фармони билан 1399 йилда Умаршайх ўрнига Фарғонага ҳоким этиб тайинланган унинг ўғли Искандар (Шоҳруҳнинг жияни) Сайд Ваққоснинг Озарбайжон томон юришидан фойдаланиб, Жамшид Кошийнинг ватани Кошонга бостириб киради ва Ҳамадонгача бўлган ҳудудни забт этади.

Энди Искандар ҳукмронлик қилаётган юртда қолган Фиёсиддин Жамшид Коший расадхона қуриш режаси билан унга мурожаат қиласи. Бу ишга Искандарнинг розилигини олгач, шу муносабат билан академик Бартольднинг маълум қилишича, 1416 йилнинг январида Коший расадхонани жиҳозлаш учун зарур бўлган астрономик

асбобларнинг баёни акс этган "Астрономик асбобларга шарҳ рисоласи" ("Рисолаи дар шарҳи олати расад")ни ёзиб, уни Искандарга тақдим этади ва бу билан унинг олдига расадхона қуришга киришини масаласини қўяди. Мазкур рисола қўллэзмасининг форсча матни Лейден кутубхонасининг фондида 945-рақам остида ҳозиргача сақланади. Бу рисолада саккизта астрономик асбобнинг тавсифи келтирилган бўлиб, асбобларнинг бу рўйхати кейинчалик шарқшунос олим В. Бартольднинг 1918 йилда нашр қилинган "Улугбек и его время" номли асарига илова қўринишида берилди. Бироқ Искандарнинг бевақт вафоти сабаб бўлиб, Кошийнинг режаси бу дафъя ҳам амалга ошмай қолади. Гап шундаки, шарққа юришини давом қилдириб, Искандар Ҳамадонни ҳам босиб олади. Мазкур юришларда Искандарнинг қўли баланд келаётганини кўрган Шоҳрухнинг баъзи йирик мансабдорлари у томонга ўтиб кета бошлишди. Бундан илҳомланган Искандар 1416 йили Шерозга юриш бошлиайди ва бу ҳаракати билан амакиси Шоҳрухнинг салтанатини ҳам хавф остига қўяди. Бундан хабар топган Искандарнинг акаси — Исфаҳон ҳукмдори Рустам Шоҳрух билан тил биринчириб, укасига қарши чиқади. Аёвсиз бу жангларда Искандар снгилади ва асир олиниб, сўнгра қатл этилади. Шундай қилиб, Кошийнинг Искандар юртида расадхона қуриш мақсади ҳам барбод бўлади. Кошийнинг астрономик асбоблар ҳақида ёзган рисоласида асосан бурчак ўлчагич асбобларнинг баёни келтирилган бўлиб, мазкур асар биринчи марта астроном F. Ж. Жалолов томонидан ўрганилган. Унинг ёзишича, рисола сўзбошисида: "Бу рисола (қурилажак) расадхона асбобларининг тавсифи бўлиб, ислом подшоҳи, халққа хизматкор, омма ишига доим тайёр султон Искандар фармонига биноан тузилган" — деб, рисола сўнгтида эса: "Буни қулларнинг энг ҳақири, лақаби Фиёсиддин бўлган Жамшид бин Масъуд бин Маҳмуд ёзди" — деб таъкидлаинган эди.

Жамшид Кошийнинг Самарқандга қачон тақлиф этилганлиги ҳам фан учун катта муаммо ҳисобланади. Искандар ўлимидан сўнг темурийлар сулоласида ихтилоғу жанжаллар бир мунча даврға таскин топди. Тахминан шу даврда Коший Самарқандга тақлиф этилган деб қаралади. Коший Самарқандга келгунинга қадар талай астрономик ва математика асарларининг муаллифи сифатида танилган аллома эди. Коший 1427 йилнинг март ойида Улугбек

кутубхонаси учун математик асарларнинг рўйхатини ёзиб тутгатганлиги ҳақидаги далиллар асосида унинг Самарқандга таклиф этилган вақти 1416 йилдан 1427 йилгача давр ичидаги бўлган деб тахмин қилинади. Астроном Ф. Жалоловнинг фикрича, Коший Искандарнинг вафотидан кейинроқ, 1416 йилнинг ёзида Самарқандга Улуғбек томонидан таклиф этилган. Шарқшунос олимлар Б. Розенфельд ва Г. Матвеевскаялар эса Коший Самарқандга 1417 йилда келган деб уқдиришади.

Коший Самарқандга келгач, бу ерда расадхона қурдириш нияти борлигини Улуғбекка билдиради. Бундай илтимоснинг сабабини тарихчи Солиҳ Закий ўзининг "Осор ал-Боқия" (Истамбул, 1-том, 1991 рисоласида шундай баён қиласди: "Улуғбек, "Зижи Элхоний"да (Носириддин Тусийнинг астрономик асари — М. М.) келтирилган маълумотлар натижалари билан мос келмаслигини Фиёсиддин Жамшиддан кўп марта эшитганини таъкидлайди". Математика ва астрономиядан хабардор, фанга қизиқувчи Улуғбек ниҳоят расадхона қурилишига розилик беради. Шу муносабат билан Улуғбек талай олимларни тўплаб, 1417 йилда расадхона қурилишига бағишлиланган мажлис чақиради. Бу хусусда тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-баҳрайн" ("Икки бахтли ёритгичнинг чиқиши ва икки бирлашуви") асарида расадхона қурилишига доир ушбу сўзларни ўқиймиз: "Улуғбекда, шарқда уфқдан кўтарилаётган Қуёш нурлари каби, ўз билимларининг ёғдуларини атрофга сочиш, Ер бағрида яширинган бойликлардан ҳаммани огоҳ қилиш ва барчани бу буюк ишларнинг гўзаллигидан баҳраманд қилиш истаги туғилди. Бунинг учун у ўз атрофига риёзиётчилар, ҳандасачилар, муҳандислар ва наққош усталари каби малакали мутахасисларни тўплади. Булар ичидаги ўша даврнинг атоқли олимлари ўз даврининг "Афлотуни" мавлоно устод Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, Улуғбек ўз ўғли қатори кўрган (ўғилхони) "даврнинг Битлимуси" — Али Қушчи (ҳар иккала тан олинган аллома ҳам Самарқандда истиқомат қиласди), Кошондан таклиф этилган донолар ичидаги билимдони Фиёсиддин Коший ва машҳур илм соҳиби Муйиниддинлар ҳам бор эди..., у астрономик жадваллар тузиш учун кузатишларни бошлишга кўрсатма беради. Мажлис аҳли расадхона учун Самарқанднинг шимоли-шарқ томонидаги маъқул бир жойни кўрсатишди...

Мажлисда энг муҳим масалалар сифатида расадхонанинг ҳашаматлилиги, пишиқлиги ва у ерда аниқ астрономик кузатишлар қилишга имкон берадиган асбоблар ўрнатиш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилади. Олимлар кузатишларни шундай олиб боришлари керакки, натижада осмон жисмларининг ўринларини белгилашда ва бурчак катталикларини ўлчашда ёй минутлари, ҳатто ёй секундлари ҳам назардан четта қолмаслиги керак, деб уқтиридилар.

Бахтга қарши, Улуғбек расадхонасининг қурилган вақти ҳақида тарихий маибалардан аниқ, ҳозиргача учрайдиган баҳсларга нуқта қўядиган маълумот ҳали-ҳанузгача топилганича йўқ. Бу ҳақда XIX асрда ўтган машҳур самарқандлик тарихчи Абу Тоҳир Хўжанинг "Самария"сида келтирилган маълумотлар ҳақида ёзилган ушбу сўзларни Т. Н. Қори-Ниёзий ўзининг "Улуғбекнинг астрономия мактаби" китобида келтиради: "Улуғбек мадрасасига асос солингандан кейин тўрт йил ўтгач, у Қозизода Румий, мавлоно Фиёсиддин Коший ва мавлоно Мўйиниддин Кошийлар билан маслаҳатлашиб, Куҳак этагида, Оби-Раҳмат ариғи бўйида расадхона биносини барпо қилиб, атрофида баланд ҳужралар солдириди. Расадхона тепалиги этагида эса ўз вақтининг катта қисмини ўтказиш учун чиройли bog бунёд қилди". Эслатилган мадраса пештоқига унинг қурилган йили 1420 йил деб битилган муҳрга кўра олим Улуғбек расадхонаси 1424 йилда бунёд этилган деган хulosага келади. Бироқ XVIII аср тарихчиси Сайд Рақимнинг "Тарихи Рақими" китоби Улуғбек расадхонаси 1428 йилда қурилган деб маълум қилади. Бу тарихий маълумотларга таянган ҳолда кўпчилик XX аср олимлари ҳам, хусусан, В. Бартольд, М. Массон, Т. Қори-Ниёзий ва В. Шишкінлар ҳам ўз асарларида Улуғбек расадхонасининг қурилиб ишга тушиган йили деб 1424 ва 1428 йилларни эълон қиласидилар. Бироқ Сайд Рақими ва Абу Тоҳир Хўжа асарларининг Улуғбек давридан уч ва тўрт аср кейин битилганлиги ва расадхона олимларининг астрономик фаолияти билан боғлиқ айrim маълумотларнинг бир-бирига нисбатан давр бўйича учрайдиган номосликлари мазкур асарларда келтирилган маълумотларга жуда катта ишонч билан қарашга имкон бермайди.

Асримизнинг 50 йилларида машҳур ўзбек арабшунос олими F. Жалолов Улуғбек расадхонасининг қурилган

йиллари ва унда Фиёсиддин Кошийнинг хизмати ҳақида Навоийнинг замондоши машҳур тарихчи Муҳаммад иби Ховандшоҳ иби Маҳмуд — Мирхонднинг "Равзат ус-Сафо" асаридан битилган қўйидаги сўзларни топди: Бу воқеадан (гап Хитой элчиларининг 1419 йилда Самарқандга келиш воқеаси устида) олдин Мирзо Улуғбек мадраса қуриш тўғрисида кўрсатма берди. Ҳудди шу тарзда Улуғбек томонидан таниқли усталар бошчилигида Самарқандда расадхона қуриш ҳақида ҳам улуғ фармон берилди. Бу ҳақда "Равзат-ус-Сафо" да расадхона қуриш бўйича раҳбарликни юнон фанини тўла эгаллаган, "иккинчи Птолемей" Фиёсиддин Жамшид ва мавлоно Низомиддин ал-Кошийлар олиб бордилар. Ишнинг жадал суръат ва ўта даражада активлик билан таъминланганилиги, расадхонани қисқа муддатда қуриб битказилишига имкон берди.

Бу масалага аниқлик киритадиган тарихий ҳужжатлардан бошқа бири — Фиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга — отасига йўллаган хатидир. Мазкур хат ноябрь ойида ёзилган бўлиб, баҳтга қарши йили кўрсатилмаган (бу хат шарқшунос Д. Юсупованинг 1979 йили чоп этилган "Из истории науки эпохи Улуғбека" тўпламидаги мақоласида етарлича тўла ёритилган). Бироқ хатда Улуғбек мадрасасида маърузалар ўқилишининг бошлаб юборилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Юқорида эслатилганидек, мадраса пештоқида, унинг қурилган вақти 1420 йил деб таъкидланишига қараганда, ушбу хат ўша йилнинг ноябр (ҳижрийдан мелодга ўтказилгандан сўнг) ойида ёзилган деб тахмин қилинали. Хатда Коший ўз отасига қўйидагиларни маълум қиласди: "Айни пайтда расадхонанинг асосий қисми қуриб тугалланган. Қурилиш ишлари учун пишган ғишт ва ганчга тахминан беш юз туман сарфланган. Айрим асбобларнинг ярми, азимутал квадранти, диоптрии асбоб ва бошқалари ясад бўлинган ҳисоб".

Расадхонанинг қурилиш даври ҳақида тарихий манбаларда акс қилган маълумотлар ичida шубҳасиз, Мирхонд ва Кошийнинг отасига ёзған хатидаги маълумотлар, улар айни ўша замоннинг тарихчиси ва астрономи бўлғанликларидан ҳақиқатга яқин деб қарашга асос беради. Шу боисдан астроном F. Жалолов Улуғбек расадхонасининг қурилиши 1420 йилда якунланган деган хulosага келади. Кейинчалик архитектор M. Булатов расадхона

қурилишини XIV—XV асрға тегишли Бибихоним масжиди билан солишириб, мазкур масжиднинг безаги ва нақши жуда катта меҳнат талаб қилғанлигини (қарийб 150 минг квадрат метр майдони мармар ва чинни кошинлар билан ишланган) ва уни бунёд қилишда салкам 180 минг куб метр ҳажмдаги қурилиш ишлари беш йилга қолмай бажарилғанлигини маълум қилиб, Темур даврида бу ишлар қанчалик жадаллик билан бажарилғанлигига эътибор қиласди. Архитектор расадхона биноси қурилишининг иш ҳажми, Бибихоним масжидиникига қараганда 3,6 марта, кошинли безак ишларининг ҳажми эса 30 марта га кам бўлғанлигини маълум қилиб,¹ Улуғбек даврида, гарчи қурилиш авжи Темур давридагидек бўлмаса-да, қурилиши Улуғбек мадрасаси билан параллел бошланган (1417) расадхона биносининг бунёд этилиши, тарихчи Мирхондининг "...қисқа вақт ичида бу бино (расадхона) катта талабчанлик ва жадаллаштирилиш туфайли қуриб битказилди",— дейишига қараганда, 1420 йилларда якунланган булиши керак деган холосага келади

РАСАДХОНАНИНГ БОШ "ТЕЛЕСКОПИ"

Самарқанд расадхонасининг бош "телескопи" — сексантнинг довруғи темурийлар мамлакати ҳудудидан чиқиб, дунёга тарапди. XVII асрда Европа қўлёзмаларида унинг баландлиги Константинополдаги "Ая-София" масжидининг баландлиги билан солиширилди (масжиднинг баландлиги 50 метрча келади). Ўрта аср Шарқ қўлёзмаларида эса унинг баландлиги аниқроқ келтирилиб, 40 метр чамаси белгиланди. Мазкур астрономик бурчак ўлчагич ҳақиқатан ҳам улкан ўлчамларга эга бўлиб, ҳашаматлилиги билан кишиларни ҳайратга соларди.

Бунга қадар ишлатилган энг иирик астрономик кузатиши асбоби, X асрда Рейда Султон Фахр ад-Давла саройида ишлаган кўжандлик абу Маҳмуд ибн Хизр ал-Хўжандий томонидан ишга туширилган радиуси 17 метр келадиган квадрант эди. Ўша даврда яшаб ижод этган хуросонлик машҳур астроном Абул Вафо ал-Бузжоний эса радиуси 7 метр келадиган квадрант билан иш кўрганини маълум қиласди.

¹ Қаранг: ("Звезда Востока", 1, 1982, 169-бсі).

XIII асрда дунёга донғи кетган Мароға расадхонасида Носириддин Тусий томонидан ишга туширилган квадрантнинг радиуси эса атиги 18,5 метр бўлган.


Бахтга қарши, Самарқанд расадхонасининг қурилиш вақти ва жараёни каби унинг бош "телескоп"ига доир аниқ маълумотлар ҳам бизгача етиб келмаган. Расадхона қолдиқларининг археолог В. Л. Вяткин томонидан 1908 йилда ўрганилгани, шунингдек тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ва Заҳиридин Мұхаммад Бобурнинг ўз асарларида келтирилган маълумотлари ҳам Улугбек расадхонасининг асосий кузатиш асбоби ва ташқи кўрининшини киши кўз ўнгидаги яққол гавдалантира олмайди. 1908 йилда расадхона қолдиқларини қазиш ишларининг биринчи кунларидаёқ археолог В. Л. Вяткин унга тегишли бир гишт қалинлигидаги, баландлиги икки метрча келадиган, диаметри салкам 48 метрли айланада деворни топди. Ушбу девор ташқи томондан кошинли қопламага эга бўлганлиги унинг яхши сақланган шимолий қисми кузатилганда осон аниқланади. Гишт девор устига текис мармар плиталар ётқизилган бўлиб, унинг ички қисми яқинида айланада ёйи бўйлаб, маълум чуқурликка эга бўлган ва тўртбурчак шаклда кесилган ариқча мавжуд эди. Афтидан, бу чуқурча бўйлаб градус, минут ва ёй секундларининг штрихлари муҳрланган мис пластинка жойлаштирилган бўлиб, у бутун айлананинг узунлиги бўйлаб ётқизилган. Шунингдек, мармар плиталарнинг мазкур айланада ёйи бўйлаб бир хил масофа-ларда ўйиб ёзилган ўнлик сонларни ифодаловчи ҳарфлари бўлган. Шуларни эътиборга олганда, мазкур айланада ёритгичларнинг азимутларини (ёритгичдан ўтказилган вертикал айланада асосининг горизонтнинг жануб нуқтасидан ёй узоқликларини) ўлчаш учун ишлатилганлиги маълум бўлади. Айланада марказига яқин жойда эса унча баланд бўлмаган икки гишт қалинлигидаги иккита девор билан ўзаро ажратилган учта зина топилиб, улар пастга қараб йўналган эди. Бу зиналар тозаланиб, пастга туширилганда, тўсиқ деворларнинг устига мармар плиталар қопланганлигини ва уларда ҳам катта горизонтал айлананинг мармар қопламларидаги каби ариқчаси борлиги аниқланди. Мармар плиталарга ўйиб ёзилган сонлардан маълум бўлдикни, бир-биридан 51 сантиметр узоқликдаги бу тўсиқлар, аслида ёритгичларнинг баландликларини ўлчаш имконини берадиган бош астрономик асбоб-сек-

стантнинг ёйи экан. Кейинги тадқиқотлар ушбу меридиан ёйининг радиуси 40,2 метр бўлганлигини маълум қилди.

Сектант ёйидаги ингичка ўйиқ чизиқчалар билан белгиланган штрихлар ораси 70,2 сантиметрдан бўлиб, у 1 даражага тўғри келади, 1 минутга тўғри келган сектант ёйи узунлиги эса 11,7 миллиметрни ташкил этади. Бош "телескоп" ёйининг узунлиги салкам 50 метрга тенг бўлиб, унинг жануб томонида жойлашган диоптр (туйнук)нинг ер сиртидан кўтарилиган учи, ер сатҳидан 28 метр баландликкача боради.

Меридиан ёйининг сақланиб қолган қисмiga кўра, бу улкан бурчак ўлчагич астрономик асбоб ёйининг узунлиги, айлана узуналигининг тўртдан бирими ёки олтидан бир қисми бўлганми, бошқача айтганда, квадрант бўлганми ёки сектантлигини аниқлаш жуда мушкул, шу боис бу масала бир неча ўн йиллар давомида тортишувларга сабаб бўлди. В. Л. Вяткин қазилмалари, бу улкан асбобнинг қолдиги (қояга ўйилган чуқурликдаги қисми) жануб томонда ер сатҳидан 11 метр чуқурликкача тушганлигини маълум қилди. Ёйининг остики четида 90° ли белги бўлиб, ундан ер сатҳигача 45° ли ёйни ташкил қиласди. Ер сатҳидан бироз пастда, ёй узилган жойда 57° ли ёй белгиси топилди. Бироқ шуниси қизиқки, топилган мармар плиталарда абжад ҳисобида кўрсатилган ёй градусларининг белгилари 57° дан 80° га қадар сонлар — ҳарфий белгилар айланачалар ичida кўрсатилган бўлиб, ёй минути ва секунди белгиларини акс эттирган мис ҳалқани кийгизиш учун ариқча ҳам мавжуд бўлгани ҳолда, 80° дан 90° гача бўлган охирги 10 даражали ёйда унинг бўлакларини ифодаловчи ҳарфий белгилар ҳам шунингдек, минут, секунд ёйлари акс этилган мис пластинкаларни жойлаштиришга мўлжалланган ариқчалар ҳам йўқ эди. Бу — мазкур астрономик асбоб — зенитдан 10° ли масофагача узоқликдан ўтувчи ёритгичларни кузатишни мақсад қилмаган ва унинг ишчи қисми 80° дан бошланган, (бошқача айтганда, баландлиги) энг юқори нуқтаси 80° гача борадиган ёритгичларнигина кузатишга мўлжалланган деб хулоса қилишга асос беради. Мазкур асбобнинг ер сатҳидан устки қисмидаги ёй қандай узунликда бўлгани ҳамон муаммо бўлиб, қазилма найтида М. Е. Массоннинг ёзишича, ёйининг бу қисмiga тегишли 19° ва 20° дан 21° гача ҳарфий белгилар битилган плиталар топилган (19° битил-

ган мармар тахта анча кейин топилган). Ҳозирга қадар 22° дан 57° гача абжад ҳарфларида сонлар битилган плиталар топилганича йўқ. 19° дан сўнг 0° гача плиталар кусусида эса айтиш мумкинки, аслида ўша асбоб ёйининг бу қисми аниқ бўлганлигини тасдиқловчи бирорта далил ҳозирга қадар топилганича йўқ. Гап шундаки, расадхона-нинг фаолиятини акс эттирган кўплаб тарихий манбалар бу асбоб, асосан, Қуёшни, Ойни ва сайёralарни кузатишига мўлжалланган асбоб бўлганлигини тасдиқлади. Самарқанд шароигида осмон экваторининг горизонтга оғмалиги 50° атрофида (чунки Самарқанднинг кенгламаси тахминан 40° , бинобарин, $90 - 40 = 50^{\circ}$) Қуёшнинг йиллик кўринма йўли текислигининг (эклиптиканинг) осмон экваторига (Ер экватори текислигига паралель текислик) оғмалиги $23^{\circ} 26'$ бўлганлиги сабабли у ерда Қуёшнинг баландлиги йил давомида $26^{\circ}, 5$ дан $73^{\circ}, 5$ гача ўзгариади. Ой орбитаси текислигининг эклиптика текислигига бошқача айтганда, Ер орбитаси текислигига, оғмалиги $5^{\circ} 9'$



Самарқанд осмонида Қуёш, Ой ва бошқа сайёralар максимал баландларининг йил давомида ўзгариши ва уларнинг Улуғбек "тесконон" — сектантнида акс этишини

лигини эътиборга олсак, Самарқандда Ойнинг баландлиги $21^{\circ},5$ дан $78^{\circ},5$ гача ўзгариши маълум бўлади. Сайёralар масаласига келсак, улар ичида эклиптика текислигига энг катта оғишга эга, қуролланмаган кўз билан кўриш мумкин бўлган сайдёра Уторуд (Меркурий) бўлиб, унинг орбитаси текислигининг эклиптика текислигига оғмалиги тахминан 7° даражани ташкил қиласди. Бинобарин, унча мураккаб бўлмаган ҳисоблашлар, Самарқанд осмонида унинг баландлиги $19,5^{\circ}$ дан $80,5^{\circ}$ гача ўзгаришни маълум қиласди. Бу маълумотларнинг оддийгина таҳлилидан кўринадики, Самарқанд осмонида Қуёш, Ой ва бошқа сайдёralарни кузатиш ва уларнинг ҳаракатларини ўрганиш учун мазкур расадхона бош "телескопи" ёйининг 19° дан 0° гача қисмининг бўлишига ҳеч зарурият йўқ экан. Яна шуни эслатиш жоизки, Қадим Мирдаги, Хитой ва Боддоддаги минг йиллар илгари қурилган расадхоналар ҳам асосан, Қуёш, Ой ва бешта ёруғ сайдёрани кузатишга мўлжаллаб қурилганлиги маълум. Чунки сарой мунажжимлари у даврларда ўз гороскопларини тузишда айнан шу ёритгичларнинг ҳолатларигагина таянар эдилар.

Улугбек расадхонаси бош "телескопи" ёйининг дарожаланган, яъни 19° дан 80° гача бўлган ишчи қисми айлана узунлигининг тахминан олтидан бир қисми эканлигини эътиборга олиб, уни ҳеч иккиланмай секстант бўлган дейиш мумкин. Бироқ шунга қарамай, олимлар орасида бу асбобнинг секстант бўлганми ёки квадрантлиги ҳақидаги тортишувлар узоқ йиллар давом этди. Ва, ниҳоят, таниқли ўзбек олими, арабшунос ва астроном Е. Жалолов, 1941 йилнинг май-июнь ойларида таниқли математик Қори-Ниёзий ва В. Шегловлар билан расадхона қолдиқларини ўрганиш бўйича ташкил этилган илмий экспедицияда иштирок қилди. Экспедициядан қайтгач, Е. Жалолов Кошийнинг астрономик асбобларга шарҳи билан танишиб, унда келтирилган бешинчи инструмент "Судус Фахрий" ("Фахрий секстанти") га эътибор қилди ва уни ўрганди. 1944 йилда Тошкент расадхонасининг илмий кенгашида олим маъруза қилиб, "Судус Фахрий"ни ўрганиш натижаларини Самарқанд расадхонаси бош инструменти қолдиқлари билан таққослади ва Улугбек расадхонасининг бош "телескопи" секстант бўлганлигининг фойдасига бир талай далиллар келтириди. Бу маъруза натижаси тан олиниб, 1947 йили у собиқ СССР фанлар Академиясига қарашли "Астрономический журнал" деб

аталадиган илмий ойноманинг июль сонида чоп этилди. Унда F. Жалолов Улуғбек расадхонасиининг бош "телеско-пи"нинг секстантлигини тасдиқловчи бир неча илмий далиллар келтиради. Улардан айримлари билан танишамиз.

1. Самарқанд расадхонасиининг секстанти, Жамшид Кошийнинг расадхона учун зарур бўлган астрономик асбобларининг баёни ёзилган "Нузхат-ал-хадаиқ" рисоласида келтирилган "Судус Фахрий"нинг ўлчамлари билан тўла мос келади.

2. Алишер Навоийнинг замондоши таниқли аллома Абдал Али Биржандий ўзининг "Шархи "Зиж-Курагоний" асарида эклиптиканинг экватор осмонига оғвалиги ҳақида шундай ёзади: "Бу оғваликнинг турли қийматларда чиқишининг сабаби, унинг қурилиши ва мустаҳкамлиги билан фарқланувчи турли асбобларда ўлчаниши билан тушунтирилади. Қадим замонларда бу оғвалик, Птолемейнинг "Алмажистий"сида баён қилинган тош квадрант ёрдамида ўлчанган. Бироқ Фахр-ад Давла замонида ўтган Маҳмуд Ҳужандий ҳатто ёй секундларини ҳам ўлчашга имкон берадиган ва "Судус ал-Фахрий" номи билан юритилган бошқа бир асбобни ўйлаб топди. Самарқанд расадхонасида ҳам бу оғваликни "Судус ал-Фахрий" асбоби бўйича аниқлашган. Бу асбоб ёрдамида Қуёшнинг зенитдан узоқлиги ўлчанади".

3. Биржандий ўзининг "Астролябия ҳақида китоб"ида шундай ёзади: "Секстантнинг конструктори ва расадхона-нинг раҳбарларидан бири Ғиёсиддин Коший, кузатишларда ўзи иштирок қилиб, эклиптика оғвалигининг аниқ қийматини қўлга киритди".

4. Биржандий Улуғбекнинг ишларига ёзган шарҳининг юлдузлар ўрнини абсолют метод билан аниқлаш параграфида шундай дейди: "Дастлаб Қуёшнинг ҳолатини, ундан сўнг Ойнинг ҳолатини аниқлайдилар. Ойнинг ҳолатига кўра, унинг орбитаси яқинида жойлашган юл-дузларнинг ўрнини аниқлайдилар. Шундан сўнг Ой орбитасидан ташқарида ётган юлдузларнинг ўринларини уларга (ўринлари аниқланган юлдузлаѓга — М. М.) нисбатан аниқлайдилар".

Бундан кўринадики, секстант Ой, Қуёш ва планеталарнинг ўринларини аниқ белгилаш билан бирга эклиптика орбитаси текислигига яқин жойлашган бир қисм юлдузлар (ўринлари Биржандий айтган усул билан

аниқланадиган бундай юлдузлар — таянч юлдузлар)нинг ҳам ўринларини катта аниқлик билан топишга имкон беради. Мазкур таянч юлдузлар асосида сексантнинг "кўриш майдони"дан ташқаридаги юлдузларнинг ўринларини бошқа кичик ўлчамли астрономик асбоблар ёрдамида аниқлаш мумкин. Улугбек расадхонасида бу хилдаги кичик ўлчамли астрономик инструментларнинг бўлганлиги ҳақида ўрта аср қўлёзмалари хабар қиласди.

5. Шарқда сўнгги қурилган обсерваториялардан бири бўлган Жайпур расадхонасининг астрономи Савой Жай Синг (1686—1743) Ҳиндистон подшоҳи Мұҳаммад шоҳга бағишиланган "Мұҳаммад шоҳ зижи"нинг сўз бошисида шундай ёзди: "Мусулмон дунёсининг мактабларига ҳурмат юзасидан, Самарқанд обсерваториясида қурилган астрономик асбоблардан диаметри 8 газли ҳалқа асбоби — фахрий секстанти бизнинг расадхонамида ҳам қурилган".

Гарчи расадхонанинг бош "телескопи", аслида қанақа бўлганлиги ҳозиргача ҳам тортишувларга сабаб бўлиб келаётган бўлса-да, унинг ишчи қисми секstant бўлганига ҳеч қандай шубҳа йўқ, чунки, эслатилганидек. Самарқанд шаҳри кенгламасида Қуёш, Ой ва оддий кўз билан кўринадиган барча сайёralарнинг "изи" бу асбобда "акс килганда", уларнинг баландлиги, асбоб ёйининг 20 дараҷасидан 80 даражасигача бўлган қисми 60 даражали (80° — 20° — 60°) ёйни ташкил қилиб, айлана ёйининг $60^{\circ}/360^{\circ}=1/6$ (олтидан бир) қисмини, яъни секстанти ташкил қиласди.

Шунга эътиборан астроном Ф. Жалоловнинг Улугбек расадхонасининг бош инструменти секstantлигига келтирган юқоридаги далиллари айримларнинг ҳалигача мазкур астрономик асбобни асоссиз равишда квадрант деб ишлатилиларига ҳеч ўрин қолдирмайди.

РАСАДХОНАНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИ

Улугбек расадхонаси ўрта аср месъморчилигининг ноёб. дурдоналаридан бўлганига шубҳа йўқ. Бироқ бу борада тарихий манбалардан аниқ маълумотнинг топилмаганлиги туфайли унинг ташқи кўриниши қандай бўлган деган саволга ҳали-ҳануз тўлиқ жавоб топилганича йўқ.

1908 йилда археолог В. Л. Вяткин томонидан листлабки қазилма ишлари амалга оширилган даврдаёқ, мазкур

расадхонанинг сирти ўша давр меъморчилик дидита исе рангли кошинлар билан ишланганлигидан дарак берувчи квадрат ва ҷўзинчоқ тўртбурчак шаклдаги кўк, сарн, оқ ва қора ранглардаги сопол гиштчалар кўплаб ташланган эди.

Самарқанд расадхонасининг қолдиқларини археологтар томонидан, эслатилган 1908—1909 йилларда уюштирилган қазиш ишлари пайтида Күҳак тесалиги устида диаметри салкам 48 метрли айланма девор топилди. Девор бир гиштдан (қалинлиги тахминан 27 см) терилган бўлиб, унинг шимолий қисмида қолдиқ бу деворнинг болганинига 1,8 метрга бораради. Деворнинг гарбий ва шарқий қисмларида унга туташган хоналар бўлганлиги аниқланади. Бир қарашда бу хоналар нимага мўлжалланганлигини айтиш қийин эди, албатта. Шунингдек деворнинг шимолий томонида расадхона "телескопи"— сектант ёкикит шимолий қисми учун таянч вазифасини ўтаган "Катта минора" қолдиқлари топилди. Ўз даврида "Иморати алм" номи билан машҳур расадхона, унинг бош астрономик асбоби сектантининг ўлчамларининг улканлиги, унинг биноси сервиқор ва ҳашаматли бўлганлигидан дарак беради.

1941 йили археологлар М. Е. Массон ва И. А. Сухарёвlar томонидан расадхонанинг шарқий доира қисмида тегишли пойдеворлар қазиб ўрганилди. Бироқ уларни яхши сақланмаганлиги, расадхона ички хоналарнинг архитектурасига тегишли янгиликлар билан фанни ортича бойитолмади.

Мазкур археологик қазиш ишларидан олинган маълумотларнинг "камбагал"лигига қарамай, уларга таянган ҳолда, 1944 йили архитектор Б. Н. Засипкин биринчилардан бўлиб, расадхона биносининг реконструкция лойиҳасини тайёрлади. Бу лойиҳага кўра, расадхона айланна кўринишдаги асосга эга бўлиб, унинг биноси эни бўйича бир-бирига тик жойлаштирилган икки параллелипiped кўринишида кўкка бўй чўзган. Булар ичида расадхонанинг асосий асбоби сектант жойлашгани учқ қаватли бўлиб, ёрдамчи қурилмалари бўлган иккинчи параллелипiped икки қаватли кўринишида эди.

1948 йили Ўзбекистон Академиясининг тарих ва археология институтининг В. А. Шишкин бошчилигидаги буруҳи расадхона қолдиқларини ўрганиш маъсадидан янги экспедиция уюштириб, бинонинг гарбий ярим қисмida

қазилма ишларини олиб борди. Бунда улар айланма деворнинг ички қисмида хоналар ҳам бўлганлигини тасдиқловчи пойдеворни топдилар. Шунингдек, археологларнинг изланишлари, расадхонанинг бош асбобининг шарқ ва гарб томонида, сектантнинг баландлиги қадар кўтаришган ва унга параллел ҳолда жойлашган деворлар бўлганини ва бу деворларнинг тепа қисми ёй шаклида ёпилиб, асосий асбоби сектантни ташки таъсиран, ёғин- сочиндан асрарини маълум қилди.

Бу қазиш ишларининг натижалари асосида Б. Засипкин 1949 йили расадхонанинг олдингисидан мутлақо фарқ қилувчи янги лойиҳасини берди. Бу лойиҳага кўра, бино уч қаватли цилиндр шаклга эга эди.

В. Шишкиннинг 1948 йилдаги археологик қазилма ишларида бевосита иштирок этган В. А. Нильсен ўз ўлчаш ишларига таяниб, Засипкиннинг лойиҳасига 1953 йилда бир неча таклифлар билан тузатиш киритди.

Бироқ охириги археологик қазишлар туфайли В. А. Шишкин, Нильсенларнинг расадхонани ўровчи диаметри салкам 48 метрли деворининг уч қаватдан иборат бўлганлиги ҳақидаги фикри, уни тадқиқ этган олимлар томонидан тасдиқланмади. Расадхона қолдиқларини ўрганиб, бундай фикрга биринчи эътиroz билдирган астроном М. П. Осипов бўлди.

Г. А. Пугаченкова Б. Засипкин ва В. Нильсенларнинг расадхонанинг ташки кўринишига оид лойиҳаларини рад этиб, ўз лойиҳасини берди. Бу лойиҳага кўра, Улуғбек расадхонасининг биноси, ташки кўриниши билан са- марқандлик олимларнинг астрономия мактаби таъсирида XVIII асрда Ҳиндистонда қурилган Жайпур расадхона- сига ўхшаб кетади. Унинг лойиҳасида ҳам расадхона биноси уч қаватли цилиндр шаклда бўлиб, унинг фақат биринчи қаватигина том билан ёпилган эди. Қолган икки қават ташки айлана девор аркатурадан ташкил топган.

Расадхонанинг ташки кўринишига тегишли маълумотларни тарихий манбалардан излашга астроном олим Ф. Ж. Жалолов ўз умрининг катта қисмини бағишилади. Оқибатда 1962 йили у ўзининг "Самарқанд расадхонасининг ташки кўриниши" деган илмий мақоласини тайёрлади.. Бу мақолада муаллиф, расадхона ҳақида тарихий манбаларда битилган "муқарнас" сўзи В. Шишкин ва Б. Засипкинлар томонидан "этаж" маъносига нотуғри англа-

ниб, унинг ташқи кўринишини цилиндр шаклидаги уч қаватли бино кўринишида реконструкция қилишларига сабаб бўлган деган хуносага келади. Аслида "муқарнас" сўзи, олимнинг айтишича, "ярус" маъносини бериб, расадхона биносининг уч погонали бўлганини билдиради.

Бу далилни асослаш учун олим шундай ҳикоя қилади: "Абдураззоқнинг китобида "муқарнас" сўзини биринчи марта мен 1935 йилда ўқидим, бу атама архитектура атамаси эканлиги шубҳа туғдирмасди. Унинг маъноси Самарқанд расадхонасининг ташқи кўринишини аниқлашда муҳим аҳамият касб этишини англаб, унинг асл маъносини излай бошладим. Иттифоқо 1962 йилнинг бошларида, Фиёсиддин Жамшид Кошийнинг "Арифметикага калит" қўллэзмасининг репродукцияларини синчиклаб ўрганаётганимда, унинг 80—82 бетларида "муқарнас" сўзини учратдим ва араб тилида ушбу иборани ўқидим: "фи масоҳати сатҳи муқарнас". Бунинг таржимаси: "муқарнаснинг майдонини ўлчаш, ҳисоблаш ҳақида". Контекстни диққат билан ўрганиш кўрсатадики, "муқарнас" кўп погонали (ярусли) бинони англатар экан. Шу туфайли эслатилган иборанинг тўла таржимаси: "погонали ярусларнинг майдонини ҳисоблаш ҳақида" бўлади. Олим ўз фикрини қувватлаш учун тарихий манбалардан яна шундай далиллар келтиради.

Расадхонанинг ташқи кўриниши ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"сида айтилишича ҳам, Улугбекнинг астрономик жадваллар тузишни мўлжаллаб қўрдирган яна бир биноси Куҳак этагида қурилган, у уч погонали (ярусли) бўлган. Улугбекнинг замондоши тарихчи Абдураззоқ Самарқандий эса Улугбек расадхонаси ҳақида шундай ёзган эди: "Наҳодки немуд аз қаср муқарнас сабъи Шаддод буд". Машҳур тарихчининг бу гапини М. Е. Массон ўзининг "Улугбек обсерваторияси" китобида: "Абдураззоқ 1442 йилда Улугбекнинг онаси Гавҳаршод билан Ҳиротдан келаётib, Самарқандга киришда, Улугбек расадхонасида кўрган еттита доира кўринишидаги қасрнамо қурилиш, расмлари билан (қасри муқарнас) бўлиши ҳам эҳтимол, нималиги тушунарли эмас. У айтган тўқиз қават осмон, осмон сферасининг етти айланаси, етти сайёра, қўзғалмас юлдузлар етти айланаси иқлим минтақаларига бўлинган ва тоғлар, денигизлар ҳамда саҳролари акс этган Ер шарининг тасвирига тегишли бўлиб, афтидан буларнинг ҳаммаси расадхона

деворига чизилган расмлар бўлса керак", — деб таҳлил қилинган эди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг расадхона ҳақида эслатилган сўзларини бошқа бир тадқиқотчи қуийдагича таржима қилинган эди: "Буларнинг ҳаммаси осмоннинг безалган (муқарриас) етти гумбазига ўхшаш манзарани вужудга келтиради".

Абдураззоқ Самарқандийнинг Улуғбек расадхонасининг ташқи кўриниши ҳақидағи юқорида келтирилган сўзлари астроном F. Жалолов томонидан ҳар томонлама ўрганилди. Хусусан, у Абдураззоқ сұхани шундай маънени беради, деб уқтиради: "Кўкка бўй чўзган бу) бино етти поғонали Шаддод саройининг кўринишини эслатади".

Гап қайси сарой устида кетаётганини олим қуийдаги ўз тахминларида илгари суради:

1. Мирхондининг "Равзат ус-Сафо"сида Шаддод ҳақида ёзилган. У ерда Жамшид билан катта жанг қилган Шаддоднинг жияни Зиҳак ҳақида ҳам гап боради. Шунингдек, у ерда жуда катта майдонни эгаллаган боғ ва боғ тўрида қурилган Шаддод саройи ҳам қайд этилган. Бу сарой ҳақида гапирилиб, жаҳон шу пайтга қадар бундай сарвқад саройни кўрмаган деб таъкидлаган. Самарқандий шу саройни назарда тутиб, расадхона биносини унга ўхшатган бўлиши мумкин.


2. В. И. Авдиевнинг "Қадимги шарқ тарихи" китобида: "Хаммурапи — Вавилон шоҳи ва Шамшиадад — Ассирия шоҳи замондош эдилар" дейилган. Хаммурапи эрамиздан олдин 1792—1750 йилларда яшаган бўлиб, мазкур китобнинг 561 бетидаги жадвалда Шамшиадад номи тўғрисига 1748 йил (эрэмиздан олдин) деб ёзилган. Бинобарин, Шамшиадад бундан 3700 йил олдин ўтган бўлади. "Шамшиадад ва Шаддод, айтидан бир киши бўлган", — деб тахмин қиласи. F. Жалолов ва бунга далил сифатида В. Авдиевнинг эслатилган китобининг "389-бетида — Меродах ва Мардук, 423-бетида эса — Астиаг ва Иштувегу, деб бир киши номларни турлича айтилиш ҳоллари кўп учраган", — деб таъкидлайди.

В. Авдиев китобининг 112-бетида: "Шумер ва Вавилон астрономлари осмон ёритгичларининг ҳаракатларини одатда етти поғонали эҳром миноралари — зиккуратларининг теша қисми майдончасида жойлашган расадхоналаридан кузаттанилар. Бундай минораларнинг вайроналари Икки дарё оралиги — Месопотамиядаги барча қадимий ша-

ұарларда — Уреда, ... Вавилонда (Бағдоддан 80 километр жанубда жойлашган) ва бошқаларида учрайди", деб ёзади. Абдураззоқ Самарқандий расадхона биносини шу хилдаги зиккуратларга үхшатган бұлса әхтимол.

Шу боис Улугбек расадхонасининг ташқи күриниши, погонали минора, яъни зиккурат күринишида бўлишининг әхтимоли жуда катта деб ҳисоблайди олим.

D (дио-тр-күзотиш
тичиңгиз)



Улугбек расадхонасининг ташқи күриниши (астроном Ф. Жалолов тиклагани бўйича)

Шу асосда Ф. Жалолов расадхона биносининг ташқи күринишига тегишли ўз реконструкция лойиҳасини тақлиф этади. Бу ҳақда у 60 йилларнинг бошида ўзининг юқорида эслатилган "Самарқанд расадхонасининг ташқи күриниши" деган мақоласини ёзади. Олимнинг бу мақола-

сига археолог, тарих фанлари доктори М. Массон етарлича юқори баҳо бериб шундай деган эди: "Ф. Жалоловнинг расадхонанинг ташқи кўриниши ҳақида ушбу мақоласи, унинг бу тематика бўйича ёзган барча олдинги мақолалари каби шарқий қўллэзма манбаларидан етарлича кенг фойдаланиши асосида тайёрланган бўлиб, шуниси билан муҳимки, унда ҳозиргача ноаник бўлиб келаётган "муқарнас" атамаси, шунингдек, Улуғбек расадхонаси қурилма комплексининг "қават"ли эмас, балки "погонали" (ярусли) эканлиги ҳақидаги масалалар ҳал қилинган. Ушбу мақола расадхонанинг Засипкин ва Нильсенлар томонидан таклиф этилган ва етарлича асосланмаган график реконструкция схемасидан фарқли ўлароқ, унинг дастлабки, ҳақиқатга яқин қисёфасини тиклашга ёрдам берарди".

Ф. Жалоловнинг "Самарқанд расадхонасининг ташқи кўриниши" мақоласи ҳақида собиқ СССР Фанлар Академияси қошидаги шарқшунослик институти ходими, физика-математика фанлари доктори Б. Розенфельд шундай дейди: "Ўрта аср Шарқ астрономиясининг обрўли билимдонларидан бири ҳисобланган Ф. Жалоловнинг бу иши XV аср Самарқанд расадхонасининг ташқи кўринишини аниқлашга багишланган бўлиб, мазкур масала бўйича бошқа қарашларни танқид остига олади. Ф. Жалоловнинг келтирган далиллари, менимча, етарлича асосга эга бўлиб, ишонтираплидир.

Хусусан Ф. Жалолов келтирган далилларнинг ишонарлилиги, мен томонимдан таржимаси бажарилган ва 1956 йилда Москвада нашр қилинган, XV асрда ўтган Самарқандлик олим ал-Кошийнинг "Арифметикага калит" асарида учрайдиган "сатҳ муқарнас" сўзини "погонали сатҳ" деб таржима қилинганидагина, эслатилган китобда бундай сатҳлар ҳақида Коший томонидан гапирилган кўп ҳоллар фақат F. Жалолов нуқтаи назари асосида таржима қилингандагина тушунарли бўлади.

Шу боисдан F. Жалоловнинг иши билан танишгач, XV асрдаги Самарқанд расадхонасининг биноси, Засипкин ва Нильсенлар хулоса қилганидек, цилиндр кўринишида бўлмай, балки погонали қурилма кўринишида бўлганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди".

Шундай қилиб, астроном F. Жалоловнинг изланишлари, Самарқанд расадхонасининг ташқи кўриниши ҳақидаги Засипкин ва Нильсенларнинг расадхона цилиндр шаклдаги бино кўринишида бўлган деган хулосаларини маъқулла-

май, бу масалада "түннинг устига нуқта қўйишга шошил-маслиқ кераклигидан дарак беради. Бинобарин, бу муаммо, ҳозирча Улуғбек расадхонасининг тарихига тегишли оқ доғлигича қолиб, тарихий манбалардан мазкур муаммонинг ечимини ҳидирадиган ёш тадқиқотчиларни кутади.

"ЗИЖИ КЎРАГОНИЙ" — УЛУҒБЕК МАКТАБИДАН ЁДГОРЛИК

Ўрта асрда ишга тушган барча астрономик расадхоналар ўз селдига Қуёш, Ой ва оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган бсшта сайёранинг юлдузлар фонидаги ҳаракатларини ўрганиш; астрономик кузатишлар асосида, астрономик доимийликларнинг қийматларини ҳисоблаш то-пиш; мазкур ёритгичларнинг ўринларини вақт бўйича жадвалда акс эттириш; шунингдек Ой ёки Қуёши тақвимларига тегишли жадваллар, тригонометрик ва бошқа ёрдамчи астрономик жадвалларни ҳисоблаш, юлдузларнинг координаталари ва айрим йирик шаҳарларнинг географик координаталарини аниқлаб, уларни жадвалда акс эттириш каби вазифаларни қўярди.

Бинобарин, ўрта аср расадхоналари фаолиятининг катта қисми, олинган кузатиш материаллари асосида жадваллар тузишга сарф бўларди ва мазкур жадваллар, одатда, "Зиж" деб юритилар эди. "Зиж" сўзи форсча бўлиб, "бўйра" деган маънони англатади. Юқорида эслатилган жадвалларнинг вертикал ва горизонтал чизиқлари, сонлари билан биргаликда бўйрани эслатгани учун ҳам улар шундай ном билан аталарди.

Форс олимларининг қўлчзмаларида бу атама VII асрдан бошлаб учрайди. Ҳусусан Муҳаммад ал-Хоразмий ўзининг асосий астрономик асарини Багдод халифи, Хорув ар-Рашидининг ўғли Маъмунга бағишилаб, "Зижи Маъмуний", Умар Хайём Исфаҳон султони Маликшоҳга бағишилаб "Зиж Маликшоҳий", Носириддин Тусий Чингизхоннинг невараси Ҳулогуҳон саройида ишлаб ижод этганидан ўз зижини "Зижи Элхоний" (Элхон — Ҳулогуҳоннинг таҳаллуси), Фиёсiddин Жамшид Коший эса Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳга бағишилаб "Зижи Ҳақоний" деб атаган эди.

Улугбек расадхонаси олимлари фаолиятининг маҳсули "Улугбек жадваллари" ёки "Кўрагоний янги жадваллари" ("Зижи жадиди Кўрагоний") номи билан дунёга танилган. Бу ерда Улугбекка берилган "...Кўрагон" — "хон күёви" тахаллуси унга, В. Бартольднинг айтишича, онаси томонидан Ўзбекхонга қариндош бўлган Муҳаммад Султоннинг қизига уйлангани учун берилган. Улугбекнинг бу хотинидан 1412 йил 19 августда туғилган қизи ҳам ўз катта онаси каби Хонзода номи билан аталгани шундан эди. В. Бартольд таъкидлашича, Улугбекнинг Султон-Маҳмудхон қизи Оқ Султон хонакага уйлангани, унинг Кўрагон тахаллусини олишига яна ҳам кўп ҳуқуқ берарди.

Парижлик астроном Ф. Боку "Улугбек зижи" юлдузлари катталигини ўрганиб, унга шундай баҳо берган эди: "Мазкур каталог Самарқанд расадхонасида бевосита кузатиш ёрдамида юлдузларнинг аниқланган ўринларига таянгани учун ҳам жуда қимматлидир. У моҳияти билан XVI аср ичida яратилган эътиборга молик энг аниқ каталог ҳисобланади. XVI асрга қадар юлдузлар каталогининг муҳимлигини атиги икки астроном — Гиппарх ва Улугбекгина яхши англадилар, холос".

XIX асрда эса машҳур француз математиги ва астрономи Пьер Лаплас Улугбек ва унинг юлдузлар жадвалига баҳо бериб: "Улугбек ўз салтанатининг пойтхати Самарқандда Тихо Брагега қадар мавжуд юлдузлар жадвалларидан афзал янги юлдузлар каталогини тузди, — деб ёзган эди.

Самарқанд расадхонаси тадқиқот ишларининг асосий маҳсули "Зижи Кўрагоний" сўзбошидан, назарий қисмдан ва зиждан (жадваллардан) иборат бўлиб, жаъми 430 саҳифани ташкил этади. "Зиж"нинг жадвалларсиз матнли қисми 60 саҳифани, қолган 370 саҳифаси эса астрономик, тригонометрик, географик ва астрологик жадвалларни ташкил қиласи.

Сўзбоши атиги икки саҳифадан иборат бўлиб, унда расадхонанинг ташкил қилиниши ва "зиж"ни тайёрлашда иштирок этган олимлар ҳақида гап боради. Назарий қисм эса тўрт бўлимдан (мақоладан) иборат бўлиб, биринчи бўлим ўша пайтда асосий тақвимлар ҳисобланмиш — ҳижрий, яздинирд, Жалолий (Умар Хайём лойиҳаси бўйича XI асрда Маликшоҳ томонидан ислоҳ қилинган тақвим), хитой ва уйғур тақвимлари ҳамда уларнинг биридан иккинчисига ўтиш ҳақидаги ҳисоб-китобларни ўз

ичига олади. Иккинчи бўлим, сферик ва амалий астрономия масалаларидан таркиб топиб, ёритгичларнинг азимутларини, Маккага томон йўналишни аниқлашни ҳамда Ерда аҳоли пунктларининг географик узунлама ва кенгламаларини ҳисоблаш усулларини баён қилади. Шунингдек, бу ерда мазкур жадвалларнинг таркиби ва ишлатилишига доир маслаҳатлар берилади. Учинчи бўлим Қўёш, Ой ва бошқа сайёralарнинг ҳаракат назариясига бағишлиланган бўлиб, уларнинг астрономик узунлама ва кенглама бўйича ўринларини аниқлаш ва у билан боғлиқ ҳодисалар, хусусан, Қўёш ва Ой тутилишлари ҳақида гап боради. Ва, ниҳоят, тўртинчи бўлим, унча катта бўлмай, "Бошқа астрономик ишлар ҳақида"ги маълумотларга, жумладан, бир неча саҳифаси астрологияга оид жадваллар тузишга бағишлиланган. "Зиж" ва унинг боблари ҳақида янада тўлароқ маълумот А. Аҳмедовнинг 1991 йилда "Фан" нашриёти томонидан чоп этилган "Улуғбек" рисоласида берилган.

Қўёшнинг юлдузлар фонидаги йиллик кўринма ҳаракати назарияси билан боғлиқ муҳим астрономик катталик, Қўёшнинг йиллик бу йўли текислигининг (эклиптиканинг) осмон экватори текислигига (Ер экватори текислигига параллел текислик) сгиш бурчаги катталиги бўлиб, уни аниқлаш билан ўрта аср астрономларининг кўпчилиги шуғулланган. Қўйида уларнинг айримлари билан таништириб, Улуғбек расадхонаси эришган натижа билан солиштирамиз:

Эвклид замонида	Эрамиздан олдин III аср	Эрамиздан олдин олдин	24°
		III аср	
Эратосфен	Эрамиздан олдин 230 й.	23° 51' 20"	
Гиппарх	Эрамиздан олдин 130 й.	23° 51' 23"	
Ал-Баттоний	Эрамиздинг 880 й.	23° 35'	
Ас-Суфий	965 й.	23° 33' 45"	
Бузжоний	987 й.	23° 35'	
Ал-Куҳий	988 й.	23° 51' 01"	
Абу Маҳмуд	993 й.	23° 32' 31"	
Ибн Юнус	1001 й.	23° 34' 52"	
Ат-Тусий	1270 й.	23° 30'	
Улуғбек мактаби	1430 й.	23° 30' 17"	

Биржандий "Зижи Кўрагоний"га шарҳида: "Фахрий секстанти ёрдамида ёй секундларигача аниқликда ўлчаш

мумкин. Самарқандлик астрономлар эслатилган оғишни (эклиптика оғишини — М. М.) Фахрий сектантти ёрдамида ўлчадилар. Унда Қуёшнинг зенитдан узоқлиги унинг кульминацияси пайтида аниқланади. Бу ёй масофани ўлчаш асосида, вақт ўтиши билан мазкур оғмаликнинг катталиги ўзгариб боришини топдилаr", — деб ёзади.

Биржандий яна эклиптика оғмалиги ҳақида "Астурлабга шарҳ" рисоласида шуларни баён қиласиди: "Эклиптиканинг оғмалиги турли даврда турлича катталикка эга бўлади... Бироқ ҳандаса илми олимларнинг ичидаги билимдони Ғиёсиддин Жамшид Самарқанд расадхонасида (23°) $30' 17''$ га тенг қийматни олишга мувофақ бўлди. Бу фарқлар ишлатилган асбобларнинг ҳархиллиги, уларнинг мустаҳкамлиги ва ўрнатилиши билан тушунтирилади.

Шуни эслатиш жоизки, эклиптиканинг экваторга оғиши бурчаги вақт ўтиши билан ўзгарувчи (ўрта асрларда камаювчи) характер касб этиб, Улуғбек замонаси учун аниқланган унинг қиймати $23^{\circ} 30' 49''$ га тўғри келади. Бинобарин, Самарқанд олимларининг бу масалада хатоси, атиги 32 ёй секундини ташкил этиб, жуда юқори аниқлик ҳисобланади.

Улуғбек расадхонасининг бош "телескопи" — сектантининг текислиги аниқ меридиан текислиги бўйича ўрнатилиши, яъни азимути нолга тенг бўлиши зарур эди. Бу масала ўрта асрда қай даражада аниқ ҳал этилганини аниқлаш учун 1941 ва 1946 йилларда замонавий асбоблар ёрдамида ўлчаш ишлари олиб борилди. Натижада Сектант ўқининг азимути $7,5'$ тенг чиқди. Гарчи бу хатолик ёриттичларнинг меридиандаги баландликларининг қийматига деярли таъсир этмаса-да, бироқ туш пайтини 30 секундгача хатолик билан аниқланишига олиб келарди.

Академик В. П. Шчеглов бу хатолик ҳақида ёзиб: "Улуғбек даврида асбоб меридиан бўйлаб аниқ ўрнатилган бўлиши, эҳтимол, асбоб текислиги азимутнинг ўзгариши, беш аср давомида юз берган турли ҳодисалар (ер силкинишлари, асбобни чўкиши ва ҳоказо—М. М.) натижасида қурилма деформацияга учраганидан бўлиши мумкин. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Улуғбек расадхонаси сектантти учун меридиан йўналиши ўша давр учун энг юқори даражада аниқлик билан топилган Ердаги ягона ва қадимий қурилмадир".

Улуғбек мактаби олимлари расадхонанинг географик кенгламасини $39^{\circ} 37' 28''$ га тенг деб топишди. В. П.

Шчеглов томонидан 1940 йилларда ўлчаш ишлари ўтказилганда, у $39^{\circ} 40' 40''$ га тенг чиқди. Бошқача айтганда, ўрта асрларда Самарқанд расадхонасининг кенгламаси 3,2' хатолик билан топилган экан.

Араб ва форс Шарқи мамлакатлари чегарасида жойлашган күплаб аҳоли пунктларининг географик координаталари астрономик кузатишлар асосида топилиб, "Зиж"да келтирилган. Халифатдан ташқи пунктларининг координаталари эса, афтидан, олдинги "Зиж"ларда келтирилган маълумотлар асосида берилган.

"Зиж Кўрагоний" нинг Қуёш, Ой ва сайёralарининг ҳолатларига тегишли жадваллари, шунингдек, мингдан ортиқ бевосита кўринадиган юлдузларнинг жадвали, ақсарият ҳолларда Самарқанд расадхонаси олимларининг бевосита кузатишларининг натижалари бўлиб, ўрта аср астрономиясининг энг аниқ жадвалларидан ҳисобланарди. Шу боисдан "Зижи Кўрагоний"нинг қўләзмаси, ўрта асрда турли жойларда катта тезлик билан кўчирилиб кўпайтирила бошланди.

Бобур "Улугбек зижи" ҳақида тапириб, XVI асрда дунёда энг кенг тарқалган астрономик жадваллардан бўлганлигини таъкидлайди. Айниқса, "Улугбек зижи"га тегишли юлдузлар каталоги (жадвали) аниқлиги билан кейинги асрларда кўп гарб астрономларида катта қизиқиш уйғотди.

Юлдузлар каталогини тузиш ва кузатиш ишлари олиб бориш билан астрономлар жуда қадимдан шуғулланишган бўлиб, Хитой астрономлари Гань Гун ва Ши Шэнлар эрамиздан олдин IV асрда 800 га яқин юлдуз ҳақида маълумот берувчи ва 12° юлдузнинг эклиптикал координаталарини (Қуёшнинг йоллик кўринма ёюли — эклиптика асос қилиб олинган системада) акс эттирувчи биринчи юлдузлар каталогини тузган эдилар.

Эрамиздан олдин II асрда 1000 дан ортиқ юлдузларнинг координаталари ва равшаниккларини акс эттирган юлдузлар жадвали грек астрономи Гиппарх томонидан тузилган эди. Бу каталог кейинчалик машҳур мисрлик астроном К. Птолемей (II аср) томонидан маълум дараҷада аниқлаштирилиб, унда юлдузларининг сони 1028 тага стказилди.

Рейда яшаб ижод этган Абу Ҳусайн Абд ар-Раҳмон иби Умар ас-Суфий (903—998) Птолемейнинг "Ал-мажистий" китобида келтирилган 1017 юлдузнинг координата-

ларини аниқлаштириб, равшанликларини белгилаб, юлдуз туркумларининг ўзаро жойлашишларининг тасвирини (харитасини) тузди.

Умар Хайём эса ўзининг "Маликшоҳ зижи" да 100 дан ортиқ юлдузнинг координаталари ва равшанликларини келтирган эди. Мароға расадхонаси асосчиси Носириддин Тусийнинг "Зижи Элхоний" сида (XIII аср) эса, 60 дан ортиқ юлдузнинг координаталари ва равшанликлари келтирилган эди.

"Зижи Кўрагоний"нинг юлдузлар каталогида 1018 та юлдуз ўрин олган бўлиб, юлдуз туркумлари бўйича Берунийнинг юлдузлар каталогидаги каби жойлаширилган эди. Мазкур жадвал ўзбек астрономи шарқшунос F. Жалолов томонидан яхши ўрганилган бўлиб, олимнинг маълум қилишича, мазкур "Зиж"да юлдузларнинг равшанликларини характерловчи катталикларини аниқлашда ас-Суфийнинг каталогидан кенг фойдаланилган.

Бу ҳақда "Зижи Кўрагоний"да қўйидагилар ёзилган дея маълум қилади шарқшунос олим А. Аҳмедов: "Птолемейнинг "Ал-мажистий"сида 1022 та юлдузнинг рўйхати келтирилган. Птолемей юлдузларни 6 катталикка бўлиб, уларнинг ҳар бирини яна 3 катталикка ажратади. Осмонни 48 юлдуз туркумига бўлади. Улардан 21 таси эклиптикан шимолда, 12 таси эклиптика бўйлаб, 15 таси эклиптиканда жанубда жойлашган..."

Биз барча юлдуз туркумларидаги юлдузларни кузатдик, бироқ 27 юлдуз бундан мустасно, чунки улар... Самарқандда кўринмасди. Улардан 7 таси Мажмара ("Қурбонгоҳ") юлдуз туркумida, 8 таси Сафина ("Кема") юлдуз туркумida 36—41-гача ҳамда 44 ва 45-юлдузлардир, 11 таси Қантаврус ("Центавр") юлдуз туркумida—27-сидан охирисигача, 1 таси Сабъ ("Ҳайвон") юлдуз туркумida (айни пайтда у "Бўри" юлдуз туркуми М. М.)—10-юлдуз. Бу 27 юлдузни биз ас-Суфий санаси билан келтирамиз, қолган 8 юлдузни ас-Суфий ўз китобида Птолемей айтган жойдан топмаганини маълум қиласди. Биз ҳам ҳар қанча ҳаракат қилсак-да, ўша жойларда ҳеч қандай юлдузни топмадик. Бу юлдузлар "Мумсик ал-айнна" ("Жилов ушловчи"— ҳозир "Аравакаш" номи билан танилган—М. М.) нинг 14, Сабънинг 11 юлдузи ва Ҳутдан ташқарида Жанубдаги 6 та юлдуздир".

Астроном F. Жалолов буларга қўшимча қилиб, "Зиж"дан яна шу сўзларни келтиради: "Биз ўз каталоги-

мизда келтирган юлдузларнинг ўринларини ҳижрий 841 йилнинг бошига (яъни 1-муҳаррамига, у мелодий ҳисобда 1437 йилнинг 4 июлига тўғри келади — F. Ж) нисбатан аниқладик. Бироқ улар 70 Қуёш йилида 1 даражада (тўғри чиқиш дейилувчи координата бўйича — M. M.) олдинга кетишини эътиборга олиб, исталган вақт учун уларнинг ҳар бирининг ўрнини аниқ топиш мумкин". Шунга кўра, юлдузлар тўғри чиқишининг ўзгариши билан боғлиқ прецессия ҳодисасини (бу ҳодиса, Ер ўқининг эклиптика ўқи атрофида 26 минг йиллик давр билан айланиши туфайли рўй берадиган нозик ҳодисалар) Самарқанд астрономлари яхши билибгина қолмай, жуда катта аниқлик билан топганликларини ҳам англаш мумкин. Улар аниқлаган прецессия катталигини топиш учун 1 даражада, 70 Қуёш йилига бўлинади, яъни $1^\circ : 70 = 3600' : 70 = 51",4$ бўлади. Аслида, прецессия катталиги $50",2$ тенглигини эътиборга олсак, Улугбек мактаби олимларининг бу масалада хатоси атиги $1,2"$ эканлиги ойдин бўлади. Бу — ўрта аср астрономияси учун жуда катта аниқлик эди. "Улугбек зижи" юлдузларининг жадвалини америкалик шарқшунос олим Э. Нобл ҳар томонлама ўрганиб, Самарқанд расадхонасида, астрономик узунламаси бўйича 900 та, кенгламаси бўйича эса 878 та юлдуз ўрганилганлигини, қолган юлдузларнинг координаталари эса ас-Сўфий юлдузлар каталогидан узунламаси бўйича тузатиш киритиб аниқланганини маълум қиласди.

430 саҳифали "Зижи Кўрагоний"нинг атиги 5 фоизи юлдузлар жадвалини ташкил этади. Шуни айтиш жоизки, Самарқанд расадхонаси астрономлариниг ўз олдиларига қўйган асосий вазифалари, қўпчилик ўйлаганидек, юлдузлар каталогини тузишгина бўлмай, балки Қуёш, Ой ҳамда сайёralарни (жумладан, Уторуд, Зуҳро, Мирриҳ, Муштарий ва зуҳалларни) системали кузатиш асосида, астрономиядаги асосий доимий катталикларни — эклиптиканинг экваторга оғвалигини, йиллик прецессияни, юлдуз йилнинг узунлиги ва шу каби бошқа астрономик катталикларни аниқ қийматларини топиш бўлган.

"Зижи Кўрагоний" жадвалларининг қарийб 80 фоизи Қуёш, Ой ва бешта сайёрага багишиланган. Бу жадвал маълумотлари асосида "Зиж"нинг сўнгига астрология эҳтиёжи учун зарур бўлган бир исча жадваллар келтирилган. Шу муносабат билан Навоийнинг замондоши, астроном Низомиддин Биржандий ўзининг "Зижи

Кўрагоний"га шарҳ"ида: "Астрономларнинг олдида, эслатилган етти ёритгичнинг ҳаракатини ўрганиш, уларга тегишли асосий доимий катталикларни аниқлаш ётади. Натижавий мақсад эса, бу катталикларга таянган ҳолда, уларнинг келажакдаги ўринларини аниқлаш ва Ерда уларнинг осмондаги ўринларига боғлиқ равишда рўй берадиган ҳодисаларни олдиндан айтишдир", — деб ёзади.

Турли астрономик ҳодисалар, айниқса, Қуёш ва Ой тутилишлари вақтини олдиндан аниқлаш мақсадида, мазкур тутилишлар кузатиладиган шаҳарлар, аҳоли пунктларининг координаталарини аниқлаш зарурияти туғилади. "Зижи Кўрагоний"да 247 та шаҳар ва аҳоли пунктларининг координаталари келтирилган. Расадхона олимлари томонидан қанча шаҳарнинг географик координаталари бевосита аниқланганини айтиш қийин, чунки "Зиж"да келтирилган шаҳарларнинг катта кўпчилиги Носириддин Тусийнинг "Зижи Элхоний"сида ҳам келтирилган.

"Зижи Кўрагоний"нинг ёзилган даври ва бунда кимлар бевосита иштирок қылганлигига оид тарихий маълумотларнинг етарли эмаслиги, баъзан эса уларда учрайдиган фикрларнинг қарама-қаршилиги туфайли, олимлар бу массалада ҳали-ҳанузгача баҳслашиша давом қиласидар.

Астроном F. Жалолов ва кўпчилик тадқиқотчилар "Зиж"нинг сўз боисида келтирилган "сохта ва пардохта" сўзини расадхона қурилишига тегишли деб тушуниб хотүри таржима қилишганини, аслида эса бу ибора "Зижи Кўрагоний"ни тузиш ва расмийлаштиришга (тахт қилишга) бағишиланган деган фикрни билдиради.

Хусусан, В. Бартольд ҳам бу иборани "Зиж"га эмас, балки расадхонага тегишли деб тушуниб, "Улугбек и его время" мақоласида: "ундан (Жамшид Кошийдан) сунг, расадхонани ишга тушириш ишларини поёнига етказишини кўрмай Қозизода Румий ҳам вафот қилди", — деб ёзади. Солиҳ Зокий ҳам мазкур сўзлар расадхонага тегишли деб англаб "Осор ал-Боқия"си ("Абадий ёдгорлик") да: "Зижи Кўрагоний"нинг маълум қилишича, кузатиш ишларига киришилганда F. Жамшид вафот қилган эди", — деб ёзади.

"Сохта ва пардохта" — аслида "ёзмоқ ва расмийлаштироқ" маъносини беришига F. Жалолов қуидаги далилларни келтиради. Мирхонд ибн Ховандшоҳнинг "Равзат ас-Сафо"сида "...воқеалар ёзилган ва расмийлаштирилган" (яъни "сохта ва пардохта") (Умумий тарих, т. 1, З-бет) деб, "Калила ва Димна" ҳақидаги ҳикоя... ёзилган ва

расмийлаштирилган" ("сохта ва пардохта") (Умумий тарих, т.1, б-бет), "Ушбу масала бўйича маҳсус том ёзилади ва расмийлаштирилади" ("сохта ва пардохта"), (Умумий тарих, т. III, 49-бет). Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тезкират-уш-шуаро" сининг 200-бестида "пардохта" шундай таржима қилинган: "Мавлоно Абу Исҳоқ, Мирза Искандар (Темурнинг набираси) номидан бир китоб тузди ("пардохта") (Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, 2119-сонли қўллэзма).

"Зижи Кўрагоний"ning назарий қисми Ғиёсиддин Коший томонидан тахминан 1230 йилларда дастлаб форс тилида, сўнгра араб тилида ёзилганлигини маълум қиласи F. Жалолов. Араб тилида ёзилган "Зиж"ning охириги саҳифасида: "Кўчиришни ...Самарқандда расадхонаси бўлган Улугбек Султоннинг ўғли мавлоно Султон якунлади. Уламоларнинг уламоси бизнинг Аш-шайхимиз улуг ас-Саид Ғиёсиддин Жамшиднинг арабча "Зиж"ning нусхасига янги расадхона згасининг набираси муҳаррирлик қилган",— деб ёзилган. Улугбек кўрсатмаси билан, араб тилини ўрганиш бўйича қўлланма ёзилган бўлиб, у Улугбекнинг ўғли Абдулазизга мўлжалланган эди (мазкур қўлланма Ўрта Осиё ва Қозоғистон диния назоратининг кутубхонасида 176-сон билан сақланади). Шунга ўтиборан Кошийнинг "Таъриби аз-Зижи"¹ Абдулазиз томонидан қўчирилиб, Улугбекнинг набираси, Абдулатифнинг ўғли Жуқи эса, Ғиёсиддин Жамшидга бўлган ҳурмати туфайли унинг "Таъриби аз-Зижи"га муҳаррирлик қилган деб тахмин қилинади.

Самарқанд расадхонасининг олимлари "Зижи Кўрагоний" жадвалларини тузишда аниқ календарь сифатида ой-ҳижрий календарини танлаганлар. Ой, Қуёш ва сайёраларнинг исталган пайтдаги ўринларини топиш учун ҳисоб боши қилиб (бу хилдаги жадваллар учун танланган бундай кунни астрономлар тенгкунлик деб юритишади), ҳижрий 841 йили муҳаррам ойининг бошини, бошқача айтганда, ўша йилнинг бошланиш — янги йил кириш кунини олишган эди. Бу кун милодий ҳисобда 1437 йилнинг 4 июль (пайшанба) кунига тўгри келади. Бу даврни юлдузлар каталогини тенгкунлик сифатида олини-

¹ Гиёсиддин Коший. "Зиж таъриби Султон", Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, 2129-сон.

ши, биринчидан, бу кун Самарқанд расадхонасида астрономик кузатишлар ўтказилган даврнинг (1420—1450 йиллар) тахминан ўрталарига тўғри келишидан бўлса, иккинчидан, мазкур тенгкунлик, ҳижрий йил ҳисобининг кабиса йилларини белгилаш учун қабул қилинган навбатдаги 30 йиллик циклиниг (тартибга кўра 29-циклнинг) бошланишига тўғри келарди. "Зиж" жадвалларида Қуёш, Ой ҳолатларининг ўзгарishi ва бошқа айрим маълумотлар 841—871 йиллар (яъни тўла 30 йиллик цикл йиллари) учун берилган бўлиб, буидай ҳол мазкур жадваллардан фойдаланишида сезиларли қулайлик яратиши билан муҳим эди.

Француз шарқшуноси Л. Седејо 1853 йилда Парижда нашр қилган "Улуғбек астрономик зижларига кириш" деб номланган рисоласида ой ҳижрий календарининг моҳиятнини ҳамда юлдуз каталогини тузишда "тенгкунлик"нинг маъносини яхши англамай, ҳижрий 841 йилнинг бошини Улуғбек жадвалларининг тугалланган вақти деб ўзлон қиласди. Америкалик Э. Нобл ҳам 1917 йилда Вашингтонда чоп қилган "Улуғбек юлдузлар каталоги" мақоласида, Седејо айтганига ишониб, 1437 йилни расадхона астрономик фаолиятининг тугалланган йили деб таъкидлайди. Шу тариқа расадхона фаолияти 1437 йил билан чекланади. Аслида, расадхона ишларига Фиёсиддин Коший ва Қозизода Румий вафотидан сўнг Али Қушчи раҳбарлик қилиб, Улуғбек расадхонаси то 1447—1448 йилларгача актив фаолият кўрсатганидан дарак берувчи далиллар мавжуд.

УЛУҒБЕК МАКТАБИ ОЛИМЛАРИ

ҚОЗИЗОДА РУМИЙ

Самарқанд расадхонаси олимлари даврасида энг таниқли ва обрўлиси Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Қозизода ар-Румий эди. Машҳур риёзиётчи ва астроном деб саналган бу олим файласуф сифатида ҳам юртга яхши танилган бўлиб, уни "Афлотуни замон" деб ҳам аташган.

"Зижи Кўрагоний"нинг сўзбошисида у ҳақда шундай сўзлар битилган: "Биз астрономик расадхона қуришни мақсад қилдик. Бу ишга дунё илмидан хабардор, обрў ўзтиборда тенгсиз, толмас тадқиқотчи, миллат ва диннинг

ҳомийси Мавлоно Румий (Қозизода Румий номи билан машхур) ҳамкорлигига киришдик".

Улуғбекнинг математика ва астрономия соҳасида биринчи устозларидан ҳисобланган Румий Кичик Осиёнинг яъни Румнинг Бурс шаҳрида 1360 йилларда қози оиласида дунёга келган. Ўз юртида астрономия ва математикадан етарлича кенг билимга эришган Румий Хуросондалик кезларида маркази Самарқанд бўлган Мовароунаҳрда математиканинг ривожланганлиги ҳақида эшишиб, Самарқандга йўл олади. Машҳур "Асар ал-Боқия"нинг муаллифи Солиҳ Зокийнинг маълум қилишича, Румий Самарқандга XIV асрнинг охири ӯн йиллигига келган.

Тарихчи Васифий Румийнинг маълумоти ҳақида шундай ҳикоя қилади. Унинг ёзишича, Улуғбек мадрасасининг биринчи мударриси мавлоно Муҳаммад Ҳавоғий бўлган. Мадраса қурилишининг якунланиши арафасида Улуғбекдан мадрасага ким мударрислик қилиши ҳақида сўрашганда, у "... барча фанлар бўйича етарли маълумотга эга бўлган кишини излаймиз", — деб жавоб берган. Ҳудди шу ерда, гишт ғарамлари орасида эски кийимда ўтирган мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ҳавоғий ўрнидан туриб, Улуғбекдан мударрислик лавозимиға ишга олишларини сўраб илтимос қилган. Улуғбек ундан сўраб-суршистиргач, унинг билими ва олимлигидан қаноат ҳосил қилиб, уни ҳаммомга олиб бориб, янги мударрислик либоси кийдиришларига фармон берган.

Мадрасанинг очилишида мударрис мавлоно Муҳаммад Ҳавоғийнинг маъруzasини тинглаган 90 дан ортиқ кишининг ичидаги Қозизода Румий ва Улуғбектина мазкур олимнинг билими ва идроқига муносиб баҳо бера олганлар, холос, қолганлар эса маърузанинг маъносини яхши англаб ҳам етмаганлар, — маълум қиласи Васифий.

Қозизода Румий Самарқандда Улуғбекнинг бобоси Темур саройида астроном бўлиб ишлаган мавлоно Аҳмаддан дарс олиб, ўзининг илму нужум бўйича олдинидан эришган билимларини тўлдирган. Ҳижрий йил ҳисоби билан 808 йил (1405—1406 йиллар)да "Ажаб ал-Мандур фи ахбори Темур" ("Темур ҳақида қизиқарли хабарлар") китобининг муаллифи Ибн Арабшоҳга ўзи тузган ва сайдераларининг ҳолатларини акс қилган 200 та жадвали ҳақида ёзгани маълум.

Айрим тарихий маибасиарга кўра, Румий 1420 йиллардаёқ Улуғбек мадрасасининг математика ва астрономия

шұғасыга раҳбарлық қилған. 30-йилларнинг бошларыда унинг маърузаларини әшитиш учун Алишер Навоийнинг устози ёш Абдураҳмон Жомий ташриф буюрганини ҳам тарихий манбалар маълум қилади. Машғулотларнинг ассоций предмети қилиб Румий XII—XIII асрларда ўтган хоразмий машхур риёзиётчи, астроном ва врач Маҳмуд ибн Мұхаммад ибн Умар ал-Чагминийнинг "Ал-Мулаххас фил-ҳайъа" ("Астрономияның қисқача баёни") асарига ўзи ёзған шарҳларини олган эди.

Румийнинг "Шарҳ ал-Чагминий"дан ташқари "Ал-математики"нинг баёнига шарҳ, "Астрономия фани ҳақида рисола", "Синус-квадрант ҳақида рисола", "Астрономия ва геометрия ҳақида рисола" ва "Арифметика ҳақида рисола" каби асарлари бизгача етиб келган бўлиб, бу асарларнинг кўпчилиги Истамбул, Берлин, Лондон, Төхрон ва Ленинград кутубхоналарида ҳозиргача сақланади.

Румийнинг қачон вафот қилғанлиги ҳақида аниқ маълумот тарихий манбаларда ҳозиргача учрамаган. "Зижи Кўрагоний"нинг эслатилган сўзбошисида унинг ўлимни тўғрисида шундай сўзлар битилган: "Ушбу муҳим иш ("Зижи Кўрагоний")ни тузиш ва расмийлаштиришнинг ўрталарида муҳтарам дома (Румий), уни худо раҳмат қилған бўлсин, Оллоҳ марҳаматига йўл олди".

Г. Голубевнинг "Улуғбек" деб номланган китобида "Расадхонанинг баланд деворлари қад кўтариб, қурувчилар бу улуғвор бинонинг текис томини ёпа бошлаганларида қариб қолган Қозизода кутилмагандан ётиб қолади ва бир неча кундан сўнг вафот қилади. Энди маҳмадана Фиёсиддин Жамшид учун баҳслашадиган киши қолмади. У ғамгин ва кам суқум бўлиб қолади ва бир ҳафтадан сўнг у ҳам дўстининг ортидан ҳаётдан кўз юмид кетади", — деб ёзади. Бу ҳақиқатдан жуда узоқ бўлиб, аслида Қозизода Румий Фиёсиддин Жамшид Кошийдан сўнг вафот қилғанлиги, барча тарихий манбаларда очиқ ва ойдин ёзилган. М. Е. Массон Қозизода Румийнинг вафоти 1430 йилларда рўй берган деб тахмин қилади. Айрим манбалар Румий 1437 йилда вафот этган деб маълум қилади.

Улугбек ўз устози Румийга катта ҳурмат ва эътибор билан қараган. Румий вафот этгач, уни Кусам ибн Аббос мозори яқинидаги ўрта аср шаҳристони деворининг этагига кўмишади. Улугбекнинг фармони билан унинг қабри устига чиройли гумбаз билан ёпилган мақбара қурилди. Бинонинг тапиқариси кошинкор пілаталар билан безатила-

ди, ички томони эса ганчдан нозик нақшлар дид билан ишланади. "Афлотуну замон"нинг мақбараси, Амир Темурнинг хотинлари, шуҳратли амирлар ва бошқа зодагон оиласарига мансуб уламолар гуруҳининг мозорларига яқин жойдан ўрин олади.

ФИЁСИДДИН ЖАМШИД КОШИЙ

Улуғбек саройининг иккинчи буюк алломаси Фиёсиддин Жамшид ибн Маъсуд ибн Маҳмуд ал-Коший бўлиб, у Кошон (Эрон)да туғилган. Бу ўлка Темур томонидан 1387 йилда забт этилган эди. Фиёсиддин Жамшид Самарқандга Кошондан ташриф буюрган. Кошонда яхши таълим олиб, Ироқнинг кўп шаҳарларини кезган ва Самарқандга келгунга қадар риёзиёт ва астрономиядан старлича маълумотга эришгани, унинг бу соҳалар буйича ёзган асарларидан маълум бўлади. 1408, 1409 ва 1410 йилларда рўй берган Ой тутилишларини кузатиб, уларнинг тафсилотлари олимнинг Шоҳруҳ (Улуғбекнинг отаси)га багишлаб 1414 йилда битган "Зижи Ҳақоний" дар такмил "Зижи Элхоний" асарида келтирилган. Шундан шарқшунос академик Бартольд, Коший Ҳиротда Шоҳруҳнинг саройида ҳам ишлаган бўлса керак, деб тахмин қиласди. Мазкур Ой тутилишларининг ҳақиқатдан рўй берганлигини немис астрономи Т. Опполцернинг "Тутилишлар канони" (1887 йили чоп этилган) китоби тасдиқлайди.

Қозизода Румий расадхонанинг иккинчи раҳбари Жамшид Кошийга жуда юқори баҳо бериб, шундай дейди: "Менинг фаркли укам, дар имизнинг нодири ... ал-Коший номи билан донғи кетган" Фиёсиддин Жамшид ибн Маъсуд ҳандаса ва алжабрнинг баъзи теоремаларига таянган ҳолда синус 1 даражанинг қийматини аниқ ҳисоблаш усулини ихтиро қилди". Бу масалани ҳал қилиш учун илгари кўп олимлар киришганлар, бироқ уdda қилолмаганлар". "Зижи Кўрагоний"нинг сўзбоисида Кошийга шундай таъриф берилган: "Фиёсиддин олимлар дунёсининг фахри, у фан асосларини такомиллаштириди, мураккаб масалаларни ҳал қилди, бу жаноб оламни акс қилган ойнаи жаҳон эди". Буюк тарихчи Мирхонд ибн Ҳавондшоҳ Кошийга: "Фиёсиддин — иккинчи Битлимус (Птолемей) астрономия фанининг таяинчи бўлиб эди", деб баҳо беради.

Навоийнинг замондоши Давлатшоҳ Самарқандий эса: "Улуғбек билимдон ва донишларни моддий таъминлаш

ҳақида қайғуар ва уларни эҳтиёт қиласар эрди, булар ичида айниқса Коинот ҳақидаги фан, математика ва астрономия бобида Фиёсiddин Жамшидга тенг келадигани йўқ эди" деб таърифлайди.

Академик Бартольд: "Улуғбек ва унинг даври" асарида: "Улуғбек Фиёсiddин Кошийни билимдонлиги учун муомалада боззан қўпоплик қилишини ҳам кечирар эди", деб ёзди.

Олимлар гуруҳи ва уларнинг фаолиятига Улуғбек томонидан алоҳида эътибор бўлганлиги Кошийнинг юқорида эслатилган отасига ёзган хатидан ҳам яққол кўринади. Улуғбекнинг расадхона олимларига қарата Берунийни "Конуни Масъудий" асаридаги бир назарияни ўрганиш бўйича мунозара ҳақида сўз юритилади: "Бу суҳбатда, ўтирганлар гап нима устида кетаётганини англаб етмадилар. Натижада Румий рисоланинг бу жойини қараб келиш учун китобни ўзи билан уйига олиб кетди. Икки кундан сўнг у қайтиб келиб, асарнинг назария баён қилинган бу жойидан бир неча жумла тушиб қолганини айтди. Ўшанда мен қаттиқ беззак тутуб бетоб ётган эдим. Тузалиб чиққач, имкон бўлиб Улуғбекнинг олдига кирдим. У ерда Румий ҳам ўтирган эди. Мени кўргач, давлат бошлиғи (Улуғбек): "Мавлоно шу масалани ҳал қилиб бер", — деб "Қонуни Масъудий" ни қўлимга тутқазди. Китобни олиб беш олти қатор ўқишим билан масала ойдин булди. Унда ҳеч қандай жумла тушиб қолмаган эди".

Машҳур шарқшунос олимлар А. П. Юшкевич ва Б. А. Розенфельдлар Улуғбек мактаби олимларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, Жамшид Коший ҳақида ушбу сўзларни битганлар: "Жамшид ал-Кошийнинг Самарқандга келгунга қадар кечган бутун фаолияти, гўё янги Улуғбек расадхонасига айнан раҳбарлик учун максус тайёргарлик мактабини ўтагандек эди ва шунинг учун ҳам Улуғбек томонидан уни Самарқандга таклиф этилиши айни муддао булди".

Коший Улуғбекнинг билими ҳақида яхши фикрда бўлиб, отасига ёзган хатида шундай дейди: "У турли билимлар билан жуда яхши қуролланган. Астрономия соҳасидаги билимлари ҳамманикidan авлоқ. Бу фаннинг барча соҳалари бўйича чуқур маълумотга эга". У расадхона қурилиши ҳақида ёзиб: "Бу давр ичида расадхона қурилиши бўйича рўй берган барча ишлар подшоҳимнинг

кичик бир хизматкори каминанинг ғоялари асосида бажарилган" дейди.

Кошийнинг Самарқанд расадхонасида ўтказган астрономик кузатишлари, "Зижи Кўрагоний"дан жой олган жадваллар, кузатиш натижаларида акс қилгандан ташқари, астрономия ва математикадан эълон қилган 19 та рисоласининг мазмунидан ҳам урин олган. Бу асарларининг рўйхати Г. П. Матвиевская ва Б. А. Розенфельдларнинг "Математики и астрономы мусульманского средневековья" (М., "Наука", 1983) китобида келтирилган. Бу асарлар ичida "Арифметикага калит", "Бир градус синусининг аниқлаш ҳақида рисола", Шоҳрухга бағишлиланган "Ҳақон зижи", "Элхон зижи"нинг такомиллашганидир", "Коший зижи", "Астрономия ҳақида рисола", "Астрономия фанининг қисқача баёни" рисолалари унинг номини жаҳонга танилди.

Ғиёсиддин Кошийнинг вафот этган йили аниқ эмас. Шарқшунос X. Зутер (1848—1922) ўзининг "Арабские математики и астрономы и их труды" мақоласида Кошийнинг ўлими ҳижрий йил ҳисобида 840 йиллар атрофида (яъни тахминан, 1437 йилда) рўй берган деб тахмин қиласди.

Шарқшунос Б. Розенфельд Коший 1429 йилда вафот қилган деб ёзади. Астроном F. Жалолов эса немис олим шарқшунос Броккељман фикрига қўшилиб, Коший 1440 йилларнинг бошида оламдан ўтган, деб маълум қиласди.

АЛИ ҚУШЧИ

Маълумки, Кошийнинг вафотидан сўнг кўп ўтмай Қозизода Румий ҳам вафот қиласди. Шундан сўнг Улуғбек расадхона бошлиги қилиб Али Қушчини тайинлади.

У ҳақда "Зижи Кўрагоний"нинг сўзбошисида шундай сўзлар ёзилган: "Ёшликнинг гуллаган ва навқирон даврини ўтаётган Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи фан ва билимнинг жанг майдонида худди қиличдек ўткир, унинг илмий ишларга раҳбарлик қила олишига ишонч шу қадар кучлики, у ҳақда гапириб, Али Қушчининг шуҳрати, яқин вақт ичиди, ўз мамлакатимиз ва дунёнинг бошига қисмлари бўйлаб кенг таралади, деб бемалол айтиш мумкин".

Олимнинг тўла исми шарифи Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи бўлган. Али Қушчи тахминан 1402 йилда Самарқандда туғилиб, ёшлигига Улуғбекнинг тарбиясида бўлган ва унда астрономияга қизиқини ўйготишда

устозининг роли катта бўлган. Али ибн Муҳаммадга "Қушчи" тахаллуси берилишининг боиси дастлаб у саройда овчи (бургут овловчи) лавозимида ишлаганидан деб маълум қиласи тарихий манбалар. Улуғбек уни ўзига яқин олиб "ӯғлим"деб атаган. Астрономияга катта "қизиқиш билдириб, расадхонада ишлай бошлагач, вақт ўтиши билан у Улуғбекнинг илмий ҳамкоридан яқин дўстига айланган. Карманада қўшимча таълим олиб қайтгач, ўз ишига садоқат билан киришиб, Улуғбекнинг ишончли шогирди ва ёрдамчиси бўлиб қолган. Астрономик кузатишларга моҳирлиги ва чуқур билими эвазига "ӯз даврининг Битлимуси" "(Птолемей) деган тахаллус олган.

Айрим тарихчилар, жумладан, академик В. Бартольд ҳам Улуғбек вафотидан (1449 йил) сўнг расадхона ўз фаолиятини тўхтатди, хусусан Али Қушчи ҳам Самарқандни ташлаб кетди, деб ёзадилар. Бироқ астроном F. Жалолов Самарқанд расадхонаси ходимларининг фаолиятини кўп йиллар тадқиқ қилиб, ўзининг "Самарқанд расадхонаси астрономларининг айрим эътиборга лойиқ фикрлари" мақоласида Али Қушчи Улуғбек вафотидан кейин узоқ йиллар Темурнинг эвараси, Самарқанд ҳокими Абусаид Мирзонинг даврида ҳам расадхона илмий ишларини давом эттирганини ва Абусаид Мирзога багишлиб "Шарҳ ат-Тажрид ал-Калом" асарини ёзганини маълум қиласи. Шарқшунос олим А. Үринбоев "Али Қушчи ҳаёти ҳақида янги маълумотлар" мақоласида Али Қушчи 1471 йилда Тебризга (Эрон Озарбайжонига) келганлиги ҳақида ги маълумотларни келтиради. Мақолада муаллиф Абдураҳмон Жомийнинг темурийлар сулоласининг Ҳиротдаги ҳукмдорига ёзган учта хатини келтиради. Маълум бўлишича, Али Қушчи темурийлар мамлакатидан четга циқишга подшоҳдан рухсат олиб беришни Абдураҳмон Жомийдан илтимос қилган. Жомий эса, ўз навбатида бу ваколат хатларини Ҳирот ҳукмдорига йўллаган экан. Оқибатда рухсат текқач, Қушчи оила аъзолари билан Тебризга, сўнгра у ердан 1473 йилнинг февралида Истамбулга (Туркияга) ўтганлиги ҳақида маълум қиласи А. Үрунбаев. Шундай қилиб, Али Қушчи Самарқандда 1471 йилга қадар ишлаганлиги ҳақида асосли далил бор деб қаралади.

Хондамир ўзининг "Ҳабиб ус-сайёр" асарида Али Қушчининг илмий хизматлари ва Улуғбек билан дўстона муносабатлари ҳақида ёзиб, аллома умрининг охириги

йиллари ҳақида шундай ёзади: "Мавлоно Али ҳәётининг охирги кунлари Рум мамлакатида (яъни кичик Осиёда аниқроғи Туркияд) ўғди, у ерда оғир хасталикдан сўнг ҳәётдан кўз юмди".

Абдураҳмон Жомийнинг шогирди, Жомий таржимаи ҳолининг муаллифи Абдалвоси ан-Низомий ҳам "Мақомати мадлави Жомий" асарида, Али Қушчи Ҳиротда Жомий билан учрашиб сұхбат қурганини ва сұхбатда Али Қушчи астрономия бўйича бир неча асарлар ва шарҳлар ёзиш режаси борлигини, шунингдек Румга кўчиш нияти борлигини маълум қиласиди. Жомий Али Қушчига кескайган пайтида бундай узоқ сафарга отланишига эътиroz билдирган. Бироқ Қушчи ўз фикридан қайтмаган. "Узоқ йўл юриб Али Қушчи Румгача стиб борди, бироқ шундан сўнг кўп вақт ўтмай, Ҳиротга унинг ўлими ҳақида хабар этиб келди, — деб ёзади Абдалвоси ан-Низомий. Шундай қилиб, тарихий манбалар али Қушчининг 1474 йилда Истамбулда вафот қилганлигини ва Або Айюб Ансорий мозорига дағн этилганидан далолат беради. Али Қушчи "Астрономия илми ҳақида рисола", "Геометрик масалалар ва астрономия", "Улуғбек Зижи"га шарҳ", "Само погоналари", "Астрономиядан бош (катта) хулоса" каби астрономик ва турк сultonи Муҳаммад II га багишланган "Арифметикадан Муҳаммад рисоласи", "Ҳисоб (арифметика) илми ҳақида рисола", "Арифметиканинг қаймоғи", "Геометрия ҳақида рисола", "Арифметик қондалар ва геометрия ҳақида кўрсатмалар рисоласи" каби математик асарларнинг ва "Хитойнома" дейилувчи тарихий асарнинг муаллифидир.

Мўйиниддин ал-коший

Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий Кошондан Самарқандга таклиф этилган яна бир астроном ҳақида ёзади. Унинг номи Мўйиниддин бўлиб, Улуғбек томонидан расадхонага ишга таклиф этилгунга қадар астроном-олим сиғатида Шарққа танилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг таърифи билан айтганда, "мавлонои муаззам" ўзидан сўнг астрономик мактабни мерос қилиб қолдирган эди.

Жумладан, унинг ўғли Мансур ҳам астроном бўлиб, бошқа кўп асарлари билан бирга таниқли олим, Чагминийнинг "Мулаҳҳас"ига Қозизода Румий томонидан битилган "Шарҳ ал-Муллаҳас"га тавсиф ёзган Низомиддин

Абдал Али ибн Мұхаммад ибн ал Ҳусайн ал-Биржандий унинг шогирид ҳисобланади.

Бироқ на "Зижи Құрагоний"нинг сұзбошисида ва на Самарқанд расадхонаси тарихи ҳақидаги бөшқа манбаларда Кошонлик Мұйиниддин ва унинг ўғли Мансур ҳақидаги тұлароқ маълумот учрайди.

НИЗОМИДДИН АЛ-БИРЖАНДИЙ

Мансурнинг ўқувчиси Низомиддин ал-Биржандий ўрта аср Шарқ астрономиясида қолдирған илмий мероси билан алоҳиди урин тутади.

"Астрономия ҳақида рисола", "Тақвим ҳақида йигирма боб", "Юлдузлар ва тақвим ҳақида рисола", "Кузатиш асбоблари ҳақида рисола", "Алмажистий"нинг баёнига шарҳ", "Улуғбек зижи"га шарҳ", "Носриддин эсдаликларига шарҳ", "Хоқон зижи"га шарҳ", "Кенглама ва иқлимини ўлчаш усууллари ҳақидаги рисола" каби асарлар Улуғбек мактаби давомчиси Абдал Али ибн Мұхаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Биржандий қаламынга мансуб асарлардир.

Астроном ва қонуншунос олим Биржандий умрининг сұнгти йилларини Исфахон шохи Тахмаспа II нинг саройида, унинг маслаҳатчиси лавозимида үтказди.

МИРИМ ЧАЛАБИЙ

Улуғбек астрономия мактабининг сұнгти вакилларидан бири, Қозизода Румийнинг (отаси томонидан) ва Али Қүшчининг (онаси томонидан) набираси Маҳмуд ибн Мұхаммад ибн Қозизода Румий эди. Тарихда Мирим Чалабий номи билан танилған бу астроном Самарқандда туғилиб ўсди. Бироқ умрининг сұнгти йилларини Туркияning Галиопол, Адрианопол ва Бурсда үтказди. 1525 йилда Адрианополда вафот қилди. Унинг "Улуғбек зижи"га шарҳ", "Қибланинг азимутини аниқлаш тұғрисида рисола", "Синус квадрант ҳақида умумий рисола"лари султон Боязидга бағишилаб ёзилған. Мирим Чалабийнинг "Алмуқантаратли квадрант ҳақида рисола", "Ат-Тусийнинг "Әлхон зижи"га шарҳ", "Шикозий квадрантидан (астурлабидан) фойдаланишини ўрганиш ҳақида рисола", "Квадрант ҳақида умумий рисола", "Зарқалий астурлаби ҳақида рисола" каби илмий мероси билан ўрта аср астрономия тарихида чуқур из қолдирған.

"УЛУГБЕК ЗИЖИ"НИНГ ЎРТА АСР ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ

Гарчи тарихий манбаларда Самарқанд расадхонаасига тегишли маълумотлар, жуда кам акс этган бўлса-да, бироқ Улугбек ва унинг мактаби олимларининг астрономия ва математика соҳаси бўйича қилган ишлари акс этган тарихий манбалар етарли. Бунда айниқса, Али Қушчининг хизмати катта булган деб тахмин қилинади. Умрининг сўнгти йилларини Истамбулда ўтказиб, у ерда дастлаб мударрислик, сўнгра муқаддас "Ая-София" масжидига қарашли мадрасанинг бошлиғи бўлиб ишлаган, шунингдек Али Қушчи ўз хизматидан бўш вақтларида Самарқанддан келтирган қўлёзмаларнинг рўйхатини тузишга кўп вақт ажратган деб қаралади.

Турли тилларда ёзилган бу рўйхат Ҳиндистон, Яқіншарқ ва Европада кенг тарқалган. Бундай рўйхат кейинчалик Фарбий Европанинг машҳур Оксфорд университетининг кутубхонасидан ҳам топилганилиги фикримизга далил бўла олади.

Европада биринчи бўлиб, "Улугбек зижи"ни тадқиқ этган олим Оксфорд университетининг профессори Жон Гривс (1602—1652) бўлди. Шарқ халқлари тилларини яхши ўрганган бу олим Коперник, Региомонтан, Тихо Браге, Кеплер асарларини ўрганиш билан бирга аинчагина юнон, форс ва араб астрономларининг асарларини ҳам тадқиқ қилган.

Жон Гривс Оксфорд университетига ишга киргунга қадар юнон, араб ва форс халқлари илм-фани ва маданийти билан қизиқиб, қўлгина Шарқ мамлакатларида, жумладан, Истамбулда булиб, талай қўлёзмаларни колекция қилган. Булар ичida "Улугбек зижи"нинг ҳам нусхаси бўлган деб тахмин қилинади.

Жон Гривс "Улугбек зижи" да келтирилган 98 юлдузни ўзида акс эттирган ва Самарқанд расадхонасида қилинган ишларнинг бир қисмини ўз ичига олган мақолани тайёрлади. Олимнинг бу иши 1648 йилда Байнбридж томонидан нашр қилинди. Орадан икки йил ўтгач, тўрт қисмдан иборат "Улугбек зижи" муқаддимасининг биринчи қисми хронология, географик жадваллар билан иккинчи марта нашр этилди. Хронология турли Шарқ халқлари томонидан қўлланиладиган тақвимлар ҳақида маълумот берадиган бўлим эди.

Шундан 15 йил үтгач, яъни 1665 йили Оксфорддаги Бодлеяни кутубхонаси нинг ходими, шарқшунос ва таржимон олим Томас Хайд (1636—1703) ўз ичига 1018 юлдузни олган "Улуғбек зижи"нинг тўла каталогини лотин ва форс тилларида босмага тайёрлаб, "Улуғбек кузатишлари бўйича қўзғалмас юлдузларнинг (астрономик) кенглама ва узунламаларининг жадваллари" деган ном билан нашр қилдири. Юлдузларнинг бу каталогининг иккинчи нашри Григори Шарп томонидан тайёрланган Т. Хайд асарлари тўпламининг иккинчи томида 1767 йили чоп этилди. Т. Хайд мазкур китобнинг сўзбошисида, "Улуғбек зижи"нинг "Қўзғалмас юлдузларнинг тўла жадвали" бўлимининг Англияда учратган учта форсча қўлёзмасини ўзаро таққослаганини маълум қиласди. Улардан бири Шарқ қўлёзма ва китобларини йигувчи инглиз шарқшунос олими Э. Поконнинг (1604—1691), шахсий коллекциясига, иккинчиси Авлиё Жон коллежининг кутубхонасига ва учинчиси Савилиани коллежига тегишли бўлиб, Оксфорд университетининг математика кафедрасида сақланажагини маълум қиласди. Улуғбек каталогини Птолемей, Тихо Браге, Галилей ва Ян Гевелийларнинг каталоглари билан қўшиб, 1843 йилда Лондонда Ф. Бейли босмадан чиқарди.

"Улуғбек зижи"да келтирилган жадвалларнинг Ж. Гривс ва Т. Хайдлар томонидан XVII—XVIII асрларда нашр қилиниши Европа астрономлари учун катта воқеа бўлди. Чунки бу даврда жуда кўп кузатиш тунлари ва ҳисоблашларни талаб қиласдиган юқори аниқликда юлдузлар жадвалига астрономларнинг эҳтиёжи жуда катта эди. Жадвалларни ўрганиш, у Самарқанд расадхонасида бевосита кузатишлар асосида тузилганлигини маълум қиласди. Жадваллар муаллифининг кўрсатишича, расадхонанинг географик кенгламаси $39^{\circ}37' 23''$ га, узунламаси эса $98^{\circ}16'$ га teng эди. Бинобарин, бу Улуғбек расадхонасининг географик ўрни эканлигини маълум қиласди.

"Улуғбек зижи" сўзбошисининг лотин тилига таржимаси, Пётр I замонида, Россия ташқи ишлар Коллегиясига 1732 йилда таклиф этилган ёш немис олими Г. Я. Кер томонидан амалга оширилди. Керни "Зижи Куррагоний"нинг сўзбошисини таржима қилишга Петербург Фанлар академиясига 1725 йилда Париж обсерваториясидан Пётр I нинг таклифига кўра ишга келган астроном

Жозеф Никола Делиль ундаған эди. 1717 йили Пётр I Парижда бұлып қирол астрономи Гийом Делиль билан қылған сұхбати чогида, Россияда навигация ишлари учун зарур бұлған астрономия, география ва геодезия билан bogliq amaliy iishlарни йүлға қойишга сөрдам сұраб, унинг укаси Жозеф Делилни таклиф этган эди. Ж. Делиль бу таклифга күниб, келишідан олдин Россияда астрономияни ривожлантириш бүйіча махсус дастур тайёрланаған эди. У үз дастурида: Россияда астрономик расадхона қуриш, йирик шаҳарларнинг географик координаталарини аниқлаш, шуннингдек, дүнё астрономиясынинг тарихини ёзиш каби ишларни режалаштиради. Бундай катта ишнинг асосий қисми Шарқ астрономиясынша тегишили бұлишини яхши англаған Делиль бундай ишда унга ҳамкорлық қилиши учун форс ва араб тилларини яъши ўрганған талантли шарқшунос Г. Я. Кер ва күпдан бүён Петербургга келиб яшаётган грузин шохи Вахтанг VI (1675—1737)ни таклиф этди. Г. Я. Кер Россияга ишга таклиф этилгунга қадар Германияда араб хуфия хатларнинг "мағзини ҷвқиши" бүйіча катта ютуқларға эришиб, күпчиликка танилған эди.


Вахтанг VI ва унинг ўғиллари Бакар ва Вахушта форс тилини яхши билиб, Петербургга келгунга қадар үз котиби М. Кавказидзе билан бирга "Улуғбекнинг астрономик жадваллари"ни форсчадан грузин тилига таржимасини бошлашған эди. Кейинчалик бу таржима Ж. Делиль раҳбарлығыда Петербург Фанлар Академиясыда ниҳоясига етказилди.

Россияга ишга келған Г. Я. Керни Делиль дастлаб география департаментининг ишларига жалб этди, сұнгра уни "Зижи Құрагоний" сұзбошисининг таржимаси билан шуғулланишга ундаған. Кернинг "Улуғбек зижи" сұзбошисини форсчадан лотинчага таржима қылғанлығы, Петербург Фанлар академияси архивидан топилған 1739 йил 25 июня ұтған мажлис протоколидан маълум бўлди.

Хусусан, бу мажлисда Ж. Делиль "Улуғбек астрономик жадвалларининг форсча құләзмаси ҳақида" деган мавзуда маъруза қилған. Собиқ СССР Фанлар академияси Ленинград бўлими ходими, шарқшунос Н. И. Невскаяининг маълум қилишича, нашрга тайёрланған бу мақола узоқ йиллар чоп этилмай, Академия архивининг Санкт-Петербург бўлимида ҳозиргача сақланади. Эслатилған Мажлис-

да, шунингдек, Г. Кер ҳам маъруза қилган, у ҳақда мажлис протоколи шуларни маълум қиласди: "Жаноб Кер форс тилидан лотин тилига ўзи таржима қилган "Улугбек жадваллари"нинг сўзбоиси ҳақида маълумот берди. Академияда ўз таржимаси ҳақида маъруза қилгандан кейин Г. Кер ишни ўзи билан олиб кетди". Собиқ ССР Фанлар академиясида сақланадиган Делилнинг архивидан Г. Кер бажарган таржиманинг нусхасини топиб бўлмади. Париж обсерваторияси кутубхонасининг архивида 1895 йилда Г. Бигурдан томонидан тузилган қўлёзмаларнинг рўйхати топилиб, унда "B5. 17" шифри остида "Улугбек астрономик жадваллари: форс тилида ва таржимаси (лотин тилида) билан" деган ном билан қўлёзма учрайди. Бундан хабар топган ленинградлик шарқшунос олимлар бу Г. Керга тегишли қўлёзма бўлиб, у Париж обсерваториясининг архивига Ж. Н. Делиль томонидан топширилган бўлса керак деб тахмин қилишади. Дарвоқе, шундай бўлиб чиқди. 1975 йилда ленинградлик шарқшунос олимларнинг илтимосига кўра, мазкур қўлёзманинг микрофильми Эдинбург университетининг профессори Э. Г. Форбс томонидан Ж. Делилнинг Париждаги эслатилган кутубхона архивидан олиниб, ленинградлик олимларга юборилди. Унда Кернинг кириш сўзи билан бирга "Улугбек зижи"нинг кучирилган форсча нусхаси ва тўла бўлмаган лотин ҳамда француз тилидаги таржимаси қайд қилинган эди. "Улугбек зижи"нинг форсча нусхаси, Вахтанг VI га тегишли Грузия Фанлар академияси қўлёзмалар институтида 621-сон билан сақланадиган "Улугбек зижи"нинг форсча нусхаси билан солиширганда, Кер "Зиж"ининг айнан шу нусхасидан кўчиригандиги ва сўнгра ундан таржима қилганлиги аниқланди. "Улугбек зижи" собиқ Иттифоқ халқларидан бирортасининг ҳам тилида ҳали чоп этилмаганини эътиборга олиб, ленинградлик шарқшунос олим Н. И. Невская 1979 йилда "Русский перевод предисловия к Зиджу Улугбека" номи билан уни рус тилида чоп эттириди ("Развитие методов Астрономических исследований", вып. 8, М-Л., 1979, стр. 100).

Улугбек мактабининг мероси билан шуғулланиб, уни таржима қилган бошқа бир мутахассис, француз шарқшунос олими Л. А. Седийодир. Седийо томонидан "Улугбекнинг астрономик жадваллари" француз тилида 1839 йилда нашр қилинди.



Улугбек расадхонасииниг астрономик асбоби (XVII аср манускриптидан олинганди чизма)

Ниҳоят, Самарқанд расадхонаси юлдузларининг каталоги Э. Нобл томонидан атрофлича ўрганилди. Олимнинг маълум қилишича, мазкур каталогда астрономик узунламаси аниқланган юлдузлар 900 га яқин бўлиб, шулардан астрономик кенгламаси аниқланганлари 878 эди, қолган юлдузларнинг координаталари Рей (Эрон)да туғилиб ўсган машҳур Абдураҳмон ибн Умар ас-Суфийнинг (Х—XI асрлар) юлдузлар каталогида келтирилган юлдузларнинг узунламаларига тузатиш ёрдамида аниқланган. Улугбек зижида юлдузларнинг координаталари, ҳижрий йил ҳисоби бўйича 841 йилнинг бошига нисбатан (юлдузларнинг ўртача координаталари аниқланган йилнинг боши мазкур юлдузлар каталоги учун тенгкунлик деб юритилади) аниқланган бўлиб, мелодий йил ҳисобида 1437 йилнинг ўрталарига тўғри келади.

Улуғбек ва унинг "Зиж"ига алоқадор бошқа бир тарихий маңба машҳур поляк астрономи Ян Гевелийнинг (1611—1687) "Юлдузлар осмонининг атласи"дир. Мазкур атлас олимнинг вафотидан уч йил кейин астрономик тадқиқотларни бирга олиб борган унинг хотини Эльжбета (1647—1693) томонидан Польшанинг Гданьск шаҳрида босмадан чиқарилди. Бу асарнинг сабиқ СССРда учта нусхаси бўлиб, улардан бири Тошкент обсерваториясининг кутубхонасидан жой олган.

Бу атласда юлдуз туркумларининг хариталаридан ташқари икки варақда берилган аллегорик расмларда ўрта асрнинг машҳур астрономлари қаторида Улуғбекнинг ҳам тасвири келтирилган. Улардан бирида Улуғбек осмон худоси Урания раислик қилаётган мажлисда давра столи атрофида Ураниянинг "ўнг қўли" бўлиб ўтирибди. Шунингдек, бу даврадан тарихда юлдузлар каталогини тузиш билан шугулланган ва астрономиянинг бошқа соҳаларидаги хизмати билан чуқур из қолдирган олимлар — машҳур александриялик астроном Птолемей (II аср.), италиялик Жан Баптист Риччиоли (XVII аср), даниялик астроном Тихо Браге (XVI аср), поляк астрономи Ян Гевелий (XVII аср), Вильгельм IV (XVI аср)лар жой олган эди. Иккинчи гравюрада Ураниянинг атрофини ўраб турган 10 та машҳур астрономлар ҳузурига Ян Гевелий ўзининг юлдузлар каталогини тақдим этиш учун ташриф буюрган ҳолати тасвиrlанган. Булар: Тимохарис (эрэмиздан олдин III аср) Александрия мактабининг машҳур астрономи; Гиппарх (эрэмиздан олдинги II аср) биринчи бўлиб юлдузлар каталогини тузган юнон астрономи; Птолемей (II аср), Ал-Баттоний (IX—X аср) машҳур араб астрономи; Вальтер (XV аср) Нюренбергда расадхона қуриб, Нюренберг астрономия мактабига асос солган таникли астроном; Региомонтан (XV аср) — Вена университетининг профессори, шогирди Вальтер билан Нюренбергда обсерватория қуриб, уни замонавий астрономик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб, маҳсус юлдузлар каталогини тузган; Коперник (XV—XVI аср) — буюк поляк астрономи, гелиоцентрик системанинг асосчиси; Тихо Браге (XVI аср) машҳур даниялик астроном; Улуғбек (XV аср); Вильгельм IV (XVI аср) Европада биринчи юлдузлар каталогини тузганлардан ҳисобланади.

Ян Гевелийдан сўнг Улуғбек каталоги Европа ва Америкада бир неча марта бостирилди. Жумладан,

машхур Гринвич (Англия) расадхонасиининг қирол астрономи Д. Флемстид (1646—1719) ҳам ўзининг "Осмон тарихи" асарига қўшиб мазкур Улуғбек каталогини Птолемей, Тихо Браге, Вильгельм IV ва Гевелий каталоглари билан бирга 1725 йилда нашр эттириди, Бу асар собиқ ССРУ Фанлар академиясининг кутубхонасида ҳозиргача авайлаб сақлаб келинмоқда.

УЛУҒБЕК МЕРОСИНИ ЎРГАНГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР

ҚОРИ-НИЁЗИЙ ТОШМУҲАММАД НИЁЗОВИЧ
(1897—1970)

Т. Н. Қори-Ниёзий 1897 йилнинг 2 сентябринда Хўжанд (собиқ Ленинобод) шаҳрида, косиб оиласида туғилди. Даастлаб у Хўжанддаги эски мактабда, сўнгра Фарғонада очилган рус-тузем мактабида ўқиди. 1911—1915 йиллари Петербургда "Круг самообразования" нашрийтининг табиатшунослик бўлимида сиртдан ўқиди. Мактабни битиргач даастлаб судда таржимон, сўнг котиб бўлиб ишлади.

1917 йили Фарғона шаҳар ревкомининг таклифига кўра, рус-тузем мактаб биносида биринчи ўзбек миллий мактабини ташкил қилди. 1920 йилда бу мактаб Қўқон шаҳридаги Дорилмуаллимун таълим-тарбия курси билан қўшилиб, Фарғона вилояти таълим-тарбия техникумiga (1930 йилдан Фарғона вилояти педагогика институтига) айлантирилди ва Қори-Ниёзий унинг директори қилиб тайинланди.

1926 йили Т. Қори-Ниёзий Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, 1929 йили уни муддатидан олдин тугатди. 1926—1931 йилларда у шу университетда ўқитувчи, кейин профессор, 1931—1933 йилларда эса мазкур Дорилфунуннинг ректори лавозимида ишлади. 1934—1936 йилларда олим Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника институти, Ўрта Осиё тог конлари институти, Тошкент давлат педагогика институти, Ўрта Осиё давлат университети ва бошқа олий ўқув юртларида олий математика кафедраларини бошқарди.

1937—1938 йилларда Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссари раиси лавозими билан бирга Фанлар Комитетида Президиум раиси. 1939—1943 йилларда эса, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши раисининг ўринбосари ҳамда

айни ўша пайтда собиқ СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали Президиумининг раиси (1940—1943 йиллар) бўлиб ишлади. 1943 йили Ўзбекистон Фанлар Академияси таъсис этилгач, 1947 йилгача унинг президенти лавозимида хизмат қилди.

1946—1960 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг аъзоси, 1954—1960 йилларда Фанлар академиясида физика-математика бўлимининг раиси. 1939 йилдан умрининг охиригача Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида математика кафедрасига бошчилик қилди.

1941 йили Самарқандда иш олиб борган Амир Темур ва унинг авлодлари қабрларини тадқиқ қилиш бўйича Ўзбекистон ҳукумат экспедициясига бошчилик қилди. Олимнинг 1950 йилда "Улуғбек ва унинг астрономик мактаби" номи билан чоп этилган асарида Улуғбек ва унинг расадхонаси бўйича қилинган тадқиқот ишлари системалаштирилган ҳолда баён этилди. Мазкур китобда Улуғбек астрономия мактабининг илмий мероси тарихий манбалар асосида умумлаштириб, кенг китобхонлар ом масига тақдим этилди. Бу асар 1952 йили собиқ СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Олимнинг фан тарихига, жумладан, Самарқанд фани ва маданияти тарихига доир бир неча мақолалари "Ўзбекистон халқлари тарихи" ва бошқа китоблардан кенг ўрин олган.

Т. Н. Қори-Ниёзийнинг Ўзбекистон математика фанининг ривожланишига, ўзбек фани тарихига қўшган катта ҳиссасини инобатга олиб, ҳукумат уни орден ва медаллари билан тақдирлаганди. Унга Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди. Т. Н. Қори-Ниёзий 1970 йили Тошкентда вафот этган.

ШЧЕГЛОВ ВЛАДИМИР ПЕТРОВИЧ (1904—1986)

В. П. Шчеглов 1904 йилнинг 15 (28) июнида Тула губернасида қарашли Новосиль уездининг Заречни ҳишлиғида туғилди. 1922 йилда Новосиль шаҳридаги икки поғонали мактабни тутгатиб, Москва ер тузувчилар техникумининг геодезия бўлимига ўқишга кирди. 1924 йилда техникумни тутгатгач, Саратов шаҳрининг Олий геодезия бошқармасига қарашли Волгабўйи дала округига ишга жўнатилди. У ерда икки йил давомида В. Шчеглов катта техник ва топографик ҳамда геодезик партиянинг бошлиғи

лавозимида ишлади. 1926 йили Москва межевой институтининг геодезия факультетига ўқишига кириб, 1930 йилда уни астрономия ва геодезия мутахассислиги бўйича битириб чиқди ва Тошкентга ишга жўнатилди. Бу ерда дастлаб Урта Осиё геодезия бошқармаси қошидаги астро-базисли партияга бошлиқ, ҳисоблаш бюросининг мудири ва ке-йинроқ аэросъёмка секторининг мудири лавозимларида 1933 йилга қадар ишлади.

1933 йилнинг 15 июнидан Тошкент астрономик обсерваториясининг "Вақт хизмати" бўлимига катта астроном бўлиб ишга ўтди. 1936 йилдан мазкур бўлимга мудирлик қилди. 1941 йилнинг 22 августидан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия обсерваториясига директор этиб тайинланди. 1966 йилдан мазкур обсерватория Астрономия институтига айлантирилгандан сўнг ҳам В. Шчеглов унга директорлик лавозимида қолдирилди. 1941 йилдан Астрономия институтининг филиали ҳисобланган, со-биқ СССРда ягона Китоб Халқаро кенглиқ станциясига ҳам раҳбарлик қилди.

1947 йили В. П. Шчеглов Тошкент обсерваторияси узунламасини тадқиқ қилишга бағишланган докторлик диссертациясини М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети қошида муваффақият билан ёқлади. 1956 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига, 1966 йилда эса ҳақиқий аъзолигига сайланди.

В. П. Шчеглов илмий фаолиятининг катта қисми астрономия тарихига бағишланган. 1941 йилда Самарқанд расадхонаси қолдиқларини ўрганиш ишида иштирок қилиб, расадхона ўрнининг кенгламаси ва унинг асосий асбоби — секстантининг меридиан бўйича қанчалик аниқ ўрнатилганини ўлчади. У Самарқанд расадхонасининг тадқиқи бўйича бир неча мақолаларининг муаллифи. Унинг "Ян Гевелий юлдузлар осмоннинг атласи" асари бир неча марта "Фан" нашриётида қайта нашр қилинди. Токиода бу асар япон тилида нашрдан чиқди. Асарнинг сўзбошисида олим Улуғбек ва унинг расадхонаси ҳақида маълумот берib, мазкур расадхонани археологик ўрганишларнинг тарихи устида муфассал тўхталади.

Бу асарнинг муқаддимасида академик В. Шчеглов, шунингдек, "Улуғбек зижи"нинг турли мамлакатларда қайси тилларда, кимлар томонидан тадқиқ қилинганилиги ва унинг Европа астрономик маданиятининг шаклланишидаги роли ва аҳамияти ҳақидаги маълумотларни батафсил баён

қиласи. Улуғбекнинг Ян Гевелий атласидан ва Британия музейининг XVI—XVII асрларга тегишли қўлёзмаларидан топилган гравюралардаги акс этган энг ноёб суратлар қайта тикланиб, В. П. Шчеглов "Атласи"да чоп этилган.

В. П. Шчеглов 1936—1970 йилларда Ўрта Осиё давлат университетида ишлаб, 1948—1955 йилларда у ерда ўзи ташкил этган астрономия кафедрасига бошчилик қилди. Олим Астрономия институтида ва мазкур институтнинг филиаллари ва олий ўқув юргалирида астрономик кадрларни тайёрлашда ўзининг салмоқли ҳиссаси билан иштирок қилган.

Бу хизматлари эвазига В. П. Шчегловга Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби унвони берилганди. В. П. Шчеглов 1986 йили Тошкентда вафот қилган.

ЖАЛОЛОВ ФИЁС ЖАЛОЛОВИЧ (1903—1984)

Ғ. Ж. Жалолов 1903 йилда Тошкентда ўрта ҳол деҳқон оиласида дунёга келди. У дастлаб бошланғич, сўнгра ярим йиллик рус-тузем мактабларида ўқиди. 1913 йили бошланғич мактаб вазифасини ўтовчи 7 йиллик мактабга ўқишга кириб, унда араб ва форс тилларини ўрганди. 1916 йили Дорилмуаллимун — ўрта педагогика ўқув юртига кириб, у ерда таълим ола бошлади. Февраль инқиlobи даврида ўқув юртининг фаолияти тұхтади. 1918 йилда Ғ. Жалолов Ўзбек маориф институтига ўқишга кириб, 1923 йили уни муваффақият билан якунлади.

Ғ. Жалолов ўз педагогик фаолиятини 1921 йилдан "Урфон" номли мактабни биринчи босқичининг кечки курсида муаллимлик қилишдан бошлади. Сўнгра мазкур мактабнинг иккинчи босқичида, кейинроқ эса хотин-қизлар педагогик техникумда ўқитувчилик қилди.

1925 йили Ўрта Осиё давлат университетининг физика математика факультетига ўқишга кириб, 1931 йили уни муваффақиятли битирди.

Ғ. Жалолов ўқиши тугатгач, Тожикистан педагогика институтида, сабиқ Белинский номли Тошкент кечки педагогика институтида, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида кўп йиллар давомида бўлгуси муаллимларга сабоқ берди. Айни чорда у Ўрта Осиё давлат университетида студентларга геодезия курсини, кейинроқ ас рономия курсини ўқиди.

Ғ. Жалолов 1935 йилдан Тошкент астрономик обсерваториясида аспирантурада ўқиди, сўнгра 1937 йилдан бош-

лаб, обсерваториянинг илмий ходими лавозимида ишлай бошлади. 1940—1945 йиллар давомида профессор Л. Л. Маткевич билан биргаликда ГКЗ деб номланган юлдузлар каталогига кирувчи хира юлдузларнинг координаталарини аниқлаш ишлари билан шуғулланди. Урушдан кейин обсерваторияда 1956 йилга қадар комета, йирик астероидлар (майда планеталар) ва ўзгарувчи юлдузларни фотографик ўрганиш ва тадқиқ қилиш ишлари билан машгул бўлди.

Олим ўз умрининг катта қисмини Ўрта Осиёда астрономиянинг ривожланиш тарихига бағишилади. Араб ва форс тилларини яхши ўзлаштирганлиги унга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган ўнлаб қўллэзмаларни тадқиқ қилишга имкон берди. F. Жалоловнинг ўрта аср Ўрта Осиё астрономия тарихига оид 20 га яқин илмий иши сабиқ СССР ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий тўпламларида чоп этилган.

F. Жалолов 1951 йилдан бошлаб, сабиқ СССР Фанлар академияси қошидаги Астрономик Кенгашнинг астрономия тарихи бўйича тузилган Комиссиясида актив фаолият кўрсатди. Унинг аъзоси сифатида Ўрта Осиё ўрта аср астрономларининг илмий меросини ўрганиш бўйича бир неча маърузалар, илмий ишлар тайёрлади ва нашр қилдирди. Бу ишларнинг катта қисми "Улуғбек зижи" ва унинг астрономик мактабининг фан техникага қўшган ҳиссаси, Самарқанд расадхонасининг асосий "телескопи" ва бу расадхонанинг ташқи кўринишига тегишли жуда катта аҳамиятга молик илмий ишлар эди.

1941 йилнинг июнь ойида Самарқанд расадхонаси қолдиқларини ўрганиш бўйича ташкил қилинган илмий экспедицияда қатнашиб, унинг бош асбоби ва расадхонанинг ташқи тузилишига тегишли чуқур илмий тадқиқотлар олиб борди.

F. Ж. Жалоловнинг Самарқанд расадхонаси, "Зижи Кўрагоний", мазкур астрономия мактабининг талантли ходимлари ва уларнинг меросига бағишиланган қўйидаги асарлари чоп этилган: "Секстант как главный инструмент обсерватории Улугбека". М., "Астрономический журнал" АН СССР, т. 24, 4, 1947;

"К вопросу о составлении планетных таблиц Самаркандской обсерватории". М., "Историко-астрономические исследования", 1, 1955; "Отличие "Зиджа Гурагоний" от других зиджей". М., "Историко-астрономические исследо-

вания", 1, 1955; "Некоторые замечательные выказывания астрономов Самаркандской обсерватории". М., "Историко-астрономические исследования", 4, 1958; "Обсерватория Улугбека в свете новых данных". Научная сессия АН УзССР, 9—14.04. 1947, т., 1947; "Сообщения о деятельности Улугбека" На пленуме Комиссии по истории астрономии (КИА) при Астросовете АН СССР, 24—26 января 1962 г; "Лунный календарь в восточной литературе (в частности в "Зидже Гурагони"). Доклад на пленуме КИА, 29—31 мая 1962 г., г. Баку; "Гияс-ад-дин Каши как первый руководитель Самаркандской обсерватории". Доклад на том же пленуме КИА, г.Баку, 1962; "Новые данные о внешнем облике Самаркандской обсерватории". Доклад на том же пленуме КИА, г.Баку, 1962; "Гияс-ад-дин Джамшид Чусти (Каши) — крупнейший астроном, математик XV века". Ученые записки Ташкентско госпединститута, 7, 1957. Ф. Ж. Жалолов Ўзбекистон маданиятининг таркибий қисми бўлган фан тарихини тадқиқ қилиш бўйича хизматлари учун ҳукумат томонидан бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланди. Ф. Жалолов 1984 йили Тошкентда вафот қилган.

ХУЛОСА

Бундан беш ярим аср муқаддам азим шаҳар — Самарқанд этагида Улугбек ва унинг мактаби томонидан ишга туширилган расадхонадан Коннот қаърига ташланган назар фақат Шарқдагина эмас, балки жаҳон фани, маданиятигининг "очилмаган қўриғи"ни очиш — Коннотни ўрганишга қўйилган буюк бир қадам бўлди. Шу илк қадам сабаб бўлиб, Европада бирин-кстин йирик, яхши жиҳозланган расадхоналар ишга туша бошлади. Польша Олам тузилишининг гелиоцентрик назарияси (Н. Коперник томонидан), Миланда (Италия) Коннотнинг чексизлиги ва унда Қуёш системаси — оддий бир юлдузнинг йўлдошлари билан ташкил этган системаси эканлигини foяси (Жордано Бруно томонидан), Германияда осмон жисмларининг ҳаракат қонунларини ифодаловчи — осмон механикаси (И. Кеплер томонидан), Англияда осмон жисмларининг массаларини ҳисоблаш усули (И. Ньютон томонидан) каби муҳим қашфиётлар "дарёси"нинг вужудга келишида Самарқанд астрономлари "кўзини очган булоқ" дастлабки ирмоқ бўлди. Қуёш, Ой ва сайёralарнинг ҳаракатларини ўрганиш бўйича Улугбек мактаби қўйган пойdevor — назарий астрономия дейилувчи маҳсус фаннинг шаклланишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшди.

Оlamни ўрганиш, унинг сир-асрорларидан воқиф булиш, инсоннинг Ер юзига келишдан мақсадини аниқлаб беришдек муҳим дунёқараш вазифасини бажариши билан жуда муҳим ҳисобланади. У инсонни чексиз Коннотнинг бир зарраси ва миллиард аб йиллар давом этган унинг эволюциясининг маҳсали эканлигини, шунингдек, у яшаган умр Коннотнинг ёши олдида атиги бир дақиқа эканлигини, ҳар бир инсоннинг "бир зумлик" ҳаётга келиши мўъжизавий бир ҳоллигини ва бу "бир зумлик" умрни пала- partiш эмас, балки буюк мақсадларга қаратиб

яшаш зарурлигини, бу улуғ номга дод туширмай яшаш лозимлигини сездириши билан беқисс аҳамият касб этади.

Бу эса, ўз наебатида, инсонни ўз ҳаётини, бошқалар тақдирни ва шахсини қадрлашга, табиатнинг нодир инъоми — ҳаётга енгил-елпи қарамасликка, буюк эзгу мақсадларни кўзлаб иш тутишга, ўз ижобий фаолияти билан унинг мазмунини бойитишга, сермазмун қилишга ундаиди.

Кишиларда ана шундай умуминсоний қадриятларни яратадиган дунёқарашни шакллантиришда ўзининг улкан ҳиссасини қўшаётган илму-нужум бизга ота-боболаримиздан мерос фан ҳисобланади. Бу эса ёшлар олдига бундай дурдона меросни авайлаб-асраш ва уни қўпайтиришдек улуг ишларга бел боғлаб киришиш вазифаларини қўяди.

Ўзбекистоннинг айни пайтда оқсаётган астрономия фани яқин келажакда талантли ёшлар ҳисобига иқтидорли астроном-олимлар сафини вужудга келтиради, улар бу фан бўйича эришган ютуқлари билан аждод алломаларимиз руҳини шод этадилар деган умиддамиз. Ана шу эзгу ният йўлида буюк аллома Улуғбекнинг 600 йиллик тўйига багишлиб битилган бу рисоламиз юқорида зикр этилган орзуларимизни амалга оширишга кичик бир ҳисса қўша олса ўзимизни баҳтиёр ҳис этган бўлардик.



УЛУГБЕК ҲАЁТИНИНГ ХРОНОЛОГИЯСИ¹

1394 й. 22 марта Улугбек Султония (ҳозирги Озарбайжон ҳудудидаги шаҳар)да туғилди.

1394—1405 йиллар. Улугбек малика Сарой Мулк хоним назоратида тарбия кўрди.

1394 й. Малика болалари билан Арманистон ва Кавказорти юртларига Амир Темур томонидан чақирилди (май).

1395 й. Улар Самарқандга қайтишди (февраль).

1396 й. Бобоси Темур билан Ҳузарда учрашувга келди.

1397—1398 й. Темурнинг Ҳиндистонга юришида Қобулгача кузатиб борди.

1399 й. 30 март. Ҳиндистонни фатҳ этиб қайтаётган Амир Темур билан Амударё бўйида учрашувда бўлди.

1399—1404 й. Темурнинг ғарбга юришида кузатиб борди.

1399—1400 й. Қорабогда (Озарбайжонда Арақс ва Қура орасидаги вилоят) қишилади.

1400—1401 й. Султонияда қишилади.

1401—1402 й. Қорабогда қишилади.

1402—1403 й. Султонияда қишилади.

1403 й. Бобоси Темурни Арзирумда кутиб олишда иштирок қилди.

1403 й. Май ойининг бошларида Улугбек Самарқандга жўнаб, июлнинг охиrlарида у ерга этиб келди.

1404 й. 16 октябрда Улугбек амакиваччаси Мұхаммад Султоннинг қизи Угай бсгимга уйланди. Шу йили бобоси Темурнинг фармони билан Тошкент, Сайрам, Авлиё-ота, бутун Мўгулистанга ҳоким этиб тайинланади. Кузда Улугбек Самарқанддан Туркистон томонга йўлга чиқди.

¹ Бу хронология В. В. Бартольд ва F. Жалолов бўйича тузилган.

1405 й. Январь ойида Улугбек Ўтрор шаҳрига етиб келди. Бобоси Амир Темур 18 февраль куни оламдан ўтди. Бу воқеадан сўнг уғруқ Самарқандга киритмагач, Улугбек Самарқанд ёнидан ўтиб, 12 марта Бухорога келди ва у ерда акаси Иброҳим (Шоҳрухнинг бошқа хотинидан ўгли — В. Бартольд) билан қалъани мустаҳкамлашга киришади. Халил Султон уларни Бухорода ҳам таъқиб этгач, Улугбек у ердан Ҳиротга қочиб борди. У ерда Шоҳрух Улугбекни Шобурғон ва Андҳойга ҳоким этиб тайинлади. Амударёга юриш бошлади.

1406 й. Қарши атрофида Улугбек ва Шоҳмалик Халил Султон билан бўлган жангда мағлубиятга учраб, кўп бойлик ва қурол-аслаҳаларни самарқандликларга ташлаб, Ҳиротга қочдилар. Ёзда Улугбек аскарлари билан Хурсонда исён кўтарган Амир Саидхўжага қарши юриш қилиб, Машҳадга келди. Саидхўжа Астробод томонга қочди. Астробод яқинида у билан қаттиқ жанг бўлди. Улугбек жангда ғалаба қилди. Отаси Шоҳрух Улугбекка Тус, Нишопур ва Калот (Хурсон) ҳокимлигини топширди. Шоҳмалик билан қишини Астрободда ўтказди.

1407 й. Апрель ойида Жом йўлида Улугбек билан Шоҳмалик, Ҳусровжирд қишлоғи яқинида, Шоҳрух қўшинларининг амирзода Умар (Халил Султоннинг укаси)га қарши шиддатли жангда иштирок қилишди. Мирзо Умар сенгилиб, оғир ярадор бўлди. Шоҳрух Улугбекка Хурсонга қўшиб Мозондаронни ҳам инъом этди. Кузда Улугбек лашкари билан Астробод қалъасини қамал қилган исёнчи Пир Подшоҳ билан жанг қилиш учун Журжонга жўнади. Исён бостирилгач, Улугбек у ерда қишлиди. Шоҳрух билан Ҳўжаёнда учрашиди.

1408 й. Кузда Сеистон ҳокими Шоҳ Қутбиддин ва Кирмон подшоси Султон Увайслар исён кўтарди. Исённи бостиришда Шоҳмалик ва Улугбек ҳам (Ф. Жалолов) қўшинлари билан иштирок қилди.

1409 й. Худойдод билан бўлган жангда X. Султон асир олинди. Худойдод март ойида Самарқандни олди. Баҳорнинг бошларида Самарқандни олиш учун Шоҳрух у томонга қўшин тортди. Улугбек қўшини билан Мозондарондан йўлга чиқди. Ота-бала ва Шоҳмалик 13 майда Худайдод томонидан ташлаб қочилган Самарқандга кириб уни эгаллашди. Сўнгра Шоҳрух Сирдарё томонга қўшин тортди. Улугбек қўшини билан Мозондарондан йўлга

чиқди. Ота-бала ва Шоҳмалик 13 майда Худойдод томонидан ташлаб қочилган Самарқандга кириб уни эгаллашди. Сўнгра Шоҳрух Сирдарё томонга юриш қилди. Ёзни Ўратепада (Хўжанд вилояти) ўтказиши. Мўғуллардан мадад кутган Худайдод режаси барбод бўлди ва у қўлга тушгач ўлдирилди. Самарқандга қайтишгач, Улуғбек Дарғон, Буҳоро, Самарқанд, Нисор, Кеш, Испижоб, Тироз, Истаравшан (Ўратепа) Хўжанд, Панокент, Тункент, Ахсикент, Ўзгенд, Ўш ва Тошкент каби йирик шаҳарларни ўз ичига олган Мовароуннаҳрга ҳоким этиб тайинланди. 24 декабря Шоҳрух Ҳиротга стиб келди.

1410 й. Баҳорда Самарқанднинг гарб томонидаги Қизил Работда, Ўтрордан чиқсан Шайх Нуриддин билан Улуғбек қўшинлари орасида жанг бўлди (20 апрель). Шоҳмалик ва Улуғбек жангда снгилиб Китоб томонга чекинишиди. Шаҳрисабзда Улуғбек янги қўшин тўплаб, Фарғонадан ёрдамга чиқсан Аҳмад қўшинлари билан қўшилиб, қайта Самарқандга юриш қилди. Шоҳрух қўшини билан июнь ойида Улуғбекка ёрдамга чиқиб, июлнинг бошларида Шайх Нуриддин билан бошланган жангга этиб келди.

Шоҳрух ва Шайх Нуриддин орасида Қизил Работ яқинида, Жом дарёси бўйида қаттиқ жанг бўлди. Шайх Нуриддин енгилиб, Сабронга, у ердан паноҳ излаб Мўгулистон хони ҳузурига борди. 12 июлда Самарқанд қўлга киритилди. Шоҳрух Самарқанддан 23 июлда Ҳиротга қайтиб кетди.

1411 й. Январда Шоҳмалик Шайх Нуриддинга қарши Сабронга юриш қилди. Нуриддин Мўгулистон хони Муҳаммадхон билан топишиб, Туркистонга бостириб кирди. Улуғбек Шоҳмаликни катта қўшин билан Туркистонга жўнатиб, Шоҳрухга чопар юборди. Шоҳрух қўшин билан июнда Ҳиротдан чиқди ва Мургобгacha борди ва у ердан ортга қайти. Сабаби, Муҳаммадхон Шоҳмалик билан битим тузиб, юришини тўхтатган эди. Шайх Нуриддин урушни давом эттириб, Саброн қалъасини қўлга олди. Унга қарши борган Шоҳмалик Нуриддинни алдаб қўлга олди ва қатл қилдирди. Кузда Шоҳрух Самарқандга келди. Улуғбек отаси олдига ўз васийси Шоҳмаликни Самарқанддан кетиши масаласини қўйди. Шоҳрух Самарқанддан қайтишда Шоҳмаликни ўзи билан Ҳиротга олиб кетди.

Ноябрда Шоҳрух Ҳиротга стиб келди. Ота-бала Эроннинг гарбий, жанубий ва марказий қисмларини эгаллаган

Искандар ва Эронни шимоли-ғарбий қисмининг ҳокими Қора-Юсуфга қарши жангта тайёргарлик кўришди.

1412 й. Улуғбекнинг биринчи фарзанди — қизи Хонзода Ҳиротда туғилди (19 август).

1413 й. Ёзда Улуғбек, Фарғонада амакиваччаси (Умаршайхнинг ўғли) Аҳмад билан жанг қилиб, уни мағлубиятга учратди ва Самарқандга қайтиб келди. Кузда Шоҳруҳ Ҳиротдан чиқиб, жияни Искандар билан жанг қилиши учун Исфаҳонга юриш қилди. Улуғбек ҳам у ёққа ўз қўшинини жўнатди.

1414 й. Июль ойида Искандар мағлубиятга учради. Шоҳруҳ 8 сентябрда Ҳиротга қайтиб келди. Улуғбек отасининг Ҳиротга қайтганини эшитиб, у томон йўл олди. Ҳиротда (ноябрь) отасига Фарғонага қилган юриши, Аҳмадни Қашқарга, ундан Мўгулистонга ҳарбий ёрдам сўраб кетганини айтиб берди.

1415 й. Улуғбекни унинг шарқдаги душманлари — Аҳмад ва Мўгулистон ҳокими Муҳаммадхон, Эроннинг шимоли — ғарбий қисми ҳокими Қора-Юсуф ва ғарбда Аҳмаднинг инилари Искандар ва Бойқаронинг исёnlари ташвишга соларди. Самарқанддан Хитойга элчилар жўнатилди.

1416 й. Улуғбек мартнинг ўрталарида қўшиллари билан Сирдарё буйига Шоҳруҳия қаршисидаги қирғоққа келишиди. Шу пайтда Хоразмдан Олтин Ўрдадаги воқеалар (Тўхтамишни ўғлининг таҳтга ўтириши ва Амир Темир саройида бир вақтлар хизмат қилган Чингиз ўғлоннинг мағлубияти) ҳақида хабар келди. Натижада у Самарқандга қайтиб, 22 апрелда у ерга етиб келди. Шоҳруҳ май ойида Мирак Аҳмадга элчи юборди, уни Ҳиротга таклиф этди. У келгач, Шоҳруҳ уни Маккага ҳажга жўнатди. Улугбек Ҳиротга жўнаб, 16 июнда отаси Шоҳруҳ билан учрашиди. Бунга қадар Искандар мағлубиятга учраган эди. Афтидан шу ойларда Исфаҳонда асир олинган Искандарни қатл қилиш ҳақида фармон берилган эди. Катта астрономик расадхона қуриш айнан шу Искандарнинг номи билан боғлиқ бўлган. Тахминан 1415 йилда Исфаҳонга қарашли Кошон шаҳрида истиқомат қилувчи машҳур ўзбек астрономи Фиёсиддин Жамшид Коший Умаршайхнинг ўғли Искандар олдига расадхона қуриш масаласини қуяди. Шу муносабат билан 1416 йилда Искандар номига "Астрономик асбоблар шархи ҳақида рисола"сини битади. Искандарнинг қатл қилиниши оқибатида олимнинг бу режаси

амалга ошмай қолади. Улугбек июлда Самарқандга қайтиб келади.

1417 й. Улугбек май ойи охири июннинг бошида қирқ кун Ҳиротда бўлди. Хитой элчиларининг қабулида иштирок этди. Шоҳруҳ Улугбекка Муҳаммад Жуқийни ҳам қўшиб Самарқандга жўнатди. Ноябрнинг бошларида улар Шоҳруҳия яқинига келиб тушиб, у ерда қишлоғилар.

1418 й. Улугбек Самарқандга қайтиб келди (февраль). Апрелда Мӯғулистондан, Увайсхон билан бўлган жангда мӯғул хони Нақши Жаҳоннинг ўлдирилганлиги ҳақида хабар келди. Увайсхон Улугбекка итоаткорлик ва садоқат изҳори билан ўз элчиларини юборди. Улугбек бунинг эвазига асир олинган муғулларни озод қилиб, элчиларга қўшиб ватанига юборди. Ёзда Улугбек Бадахшон ҳокимларининг исёнини бостириш учун 5000 кишилик отлиқ аскарини у ёқса жўнатди. 27 ноябрда Улугбек Ҳиротга бориб отаси билан Эроннинг шимолий-ғарбий қисмининг ҳокими Қора-Юсуфга қарши уруш очиш резасини тузди.

1419 й. З январда Улугбек Самарқандга келиб, Ҳиротда мўлжалланган режа бўйича тайёргарлик ишларини олиб борди. У отасига ёрдам учун 15 минг отлиқ аскар жўнатди. Хотини Угай бегим вафот қилди. Оқ ўрда ўзбекларининг галаёни. Бароқ ўғлоннинг мағлубияти. Ба-роқ ўғлоннинг Самарқандга келиши. Хитой элчиларининг ташрифи. Уларни Хуросонга жўнатилиши. Ўрда ўзбекларининг галаёни ва Мӯғулистондаги исённи бостириш учун Улугбек мӯғуллар устига қўшин тортди. Сентябрда Тошкентга келиб ундан Бурлиққача борди. У ердан чиқиб, ортга қайтии ва октябрнинг ўрталарида Самарқандга етиб келди.

1420 й. Хитой элчилари Хуросондан қайтаётib, Самарқандга қўниб ўтди. Шоҳруҳ, Улугбек ва Бойсунқорлар ўз элчиларини уларга қўшиб Хитойга жўнатди. Улугбекнинг онаси Гавҳаршоднинг Самарқандга келиши (апрель). Мӯғулистонда Увайсхон билан Шермуҳаммад орасида таҳт учун кураш бошланди. Улугбек ёзда (июнь охирида) Мӯғулистонга юриш қилди. Ўзи Қорабулоққа бориб, бир қисм лашкарини олга жўнатди. Бу орада Шермуҳаммад енгилиб, Улугбек ҳузурига келди (июль). Улугбек Шермуҳаммадга ёрдам қилиш мақсадида, уни катта қўшин билан Мӯғулистон томон отлантириди (декабрь). Ўғли Абдулланинг туғилиши (июль). Самарқандда хонақоҳ ва мадрасаларнинг қурилиши.

1421 й. Улуғбекнинг ўғли Абдураҳмоннинг тугилиши (13 январь). Шермуҳаммадхон қўшинларининг Мўғулистондаги ғалабаси ҳақида хабар (май-июнь). У ерда Улуғбек қўшинларининг ҳам ғалабаси.

1421—1422 й. Улуғбек Бухорога кетиб у ерда қишилади. Тибетдан элчиларнинг келиши.

1422 й. Июннинг бошларида Улуғбек Самарқандга қайтиб келди. Сўнгра кузда Ҳиротга жўнаб, у ерда икки ой қолди.

1423 й. Олтин Ўрдадан Бароқхоннинг ғалабаси ҳақида хабар келди. Мўғулистондан ва Қашқардан келган ноҳуш хабарларга кўра, Улуғбекнинг катта юришга тайёргарлик кўриши.

1424 й. 8 ноябрда Улуғбек катта қўшин билан Мўғулистонга юриш бошлиди. Сирдарё бўйида Шоҳруҳияда у қўшинлари билан қишилади.

1425 й. Бароқхоннинг янги ютуқлари ҳақида хабар. 16 февралда Тошкентга келиб, 30 минг қўшин тўплаб, Мўғулистонга жунатди. Ашпара ва Оқсув бўйида мўғулларнинг амир Иброҳим ва Жаҳоншоҳ бошлиқ қўшинларини тор-мор келтиришди. Ўзи қўшинлари ортидан етиб келиб, июнь ойида Мўғулистонни марказий бошқариш шаҳри Кунгесга босиб борди. Октябрь, ноябрь ойларида Улуғбек Ҳиротда бўлди.

1426 й. Бароқхон Олтин Ўрданинг пойтакти Берканни ва ўрдага қарашли бошқа юртларни ҳам ўзига бўйсундиргач, нонтекилик қилиб темурийларнинг Ўтрор, Саброн ва Саганоқ шаҳарларига ҳам кўз тикди. 1425—1426 йилларда Туркистон ҳокими Арслонхўжа тархон Самарқандга бир неча бор унинг устидан шикоят билан келди. Улуғбек ва Бароқхон ўргасидаги муносабатга раҳна тушди. Кузда Улуғбек Ҳиротда бўлиб, Самарқандга қайтди. Қишида Бароқхон билан жангта ҳозирлик кўрди.

1427 й. Баҳорнинг бошида Улуғбек Бароқхонга қарши юриш бошлиди. Шоҳруҳ Муҳаммад Жуқини қўшини билан унга ёрдамга юборди. Шоҳруҳияда улар бирлашиб, Сайхундан ўтиб ундан Тошкентга, у ердан эса Саганоқа келдилар. Жангда Улуғбек сенгилди ва Самарқандга чекинди. Шоҳруҳ Бойсунқор билан Ҳиротдан қўшин билан Самарқандга йўлга чиқди (28 май). Шоҳруҳ ва унинг қўшинлари Улуғбек томонидан Термизда кутиб олинди. Тошкентга қўшимча куч юборилди. Улуғбек қўшинлари

Саганоққача эркин бориши. Бароқхон бу дафъа ўзига ишонмай мамлакат ичкарисига қочиб яширинди. Ҳиротнинг жоме масжидида Шоҳрухга сунқасд қилинди (21 февраль).

1428 й. Июннинг бошларига қадар Шоҳрух Улугбекнинг давлатни бошқариш ишлари билан шуғулланди, июннинг охирида у Ҳиротга қайти (F. Жалолов). Шундан сўнг Шоҳрух, Улугбек ва уларнинг тарафдорлари Қора Юсуфнинг ўғли Искандарга қарши урушга тайёр гарлик ишларини амалга ошириши.

1429 й. Бароқхоннинг ўлими ҳақида хабар келди. Улугбек Мӯгулистонга Увайсхонга қарши Сотуқхон бошлигига қўшин жўнатди. Иссиққўл яқинидаги жангда Увайсхон енгилди. Баҳорда Улугбек ўз қўшинларини Искандарга қарши гарбга йўллади.

1430 й. Улугбек шарқда — Мӯгулистонда ва гарбдаги ҳодисаларга эътиборини қаратди. Унинг қўшинлари ёрдамида Шоҳрух Искандарни мағлубиятга учратиб, 26 октябрда Ҳиротга келди. Хитойга элчи юборди.

1431 й. Улугбек Бухорога келиб, у ерда қишилади, сўнгра Моҳинага (Афғонистон) отаси билан учрашиш учун борди.

1432 й. 15 январда Улугбекнинг ўғли Абдураҳмон вафот қилди. Баҳорда Улугбек Самарқандга қайтиб келди. Самарқандга юборилган туркман шаҳзодаси Ёраги кузда у ерда қамоққа олинди.

1433 й. Улугбекнинг укаси, Темурийлар мамлакатини бошқариш ишлари бўйича таниқли арбоб Бойсунқор 21 декабрда вафот қилди. Улугбек қишида Мӯгулистондан келиши керак бўлган баъзи ҳарбий қўмондонларни кутарди.

1434 й. Баҳорда Улугбек Ҳиротга келди. У ерда укасига таъзия билдириб, 7 июня Самарқандга жўнади. Абдулазиз номидан Шоҳи зинда бош биносининг қурилиши. Шоҳрух, Улугбек ва унинг тарафдорлари томонидан Искандар билан тўқнашувга тайёргарлик.

1435 й. Кузда Улугбек Искандар билан жанг қилиш учун қўшин жўнатди. Қашқар қўлдан кетди (Бартольдинг билдиришича). Пирмуҳаммаднинг ўлдирилиши.

1437 й. Абдулатифнинг Самарқандга келиши. Ҳиротда Абдулатифнинг суннат тўйи. "Зики Кўрагоний"да келтирилган астрономик жадваллар (юлдузлар каталоги) учун тенгкунлик (саноқ боши) сифатида олинган йил.

1438 й. Улугбекнинг қизи Ҳонзода бегимнинг Ҳиротдан Самарқандга келиши.

1439 й. Унинг (қизининг) Ҳиротга қайтиб кетиши (апрель).

1441 й. Абдулатифнинг Самарқандга келиши. Улуғбек вазири Носириддин Ҳавофийнинг вафоти (20 июль).

1442 й. Январда Улугбекнинг онаси Гавҳаршод Самарқандга келди, февралда эса у Абдулатиф билан Ҳиротга қайтди.

1444 й. Шоҳрухнинг бетоб булиб ётиб қолиши. Тахт ворислиги бўйича мунозаралар.

1445 й. Улугбек номига Хитой императорининг мактуби.

1446 й. Шоҳрухнинг тарбига Султон Муҳаммадга (Бойсунқорнинг ўғли) қарши юриши. Улугбек юрти шимолий чегаравий гуманларининг Муҳаммад Жўқининг ўғли Абу Бакр томонидан босиб олиниши.

1447 й. 12 марта Шоҳрух вафот этди. 29 апрелда Нишопурда Абдулатиф амакиваччаси, Бойсунқорнинг ўғли, Ала-ад-давла томонидан мағлубиятга учради ва асир олинди. Улугбекнинг аралашуви билан Абдулатиф озод этилди.

1447—1448 й. Қишида Ала-ад-давла ва Абдулатиф қўшинлари қайта жангта кирди. Улугбек Абдулатиф томонда туриб урушга аралашди. Ота-бона 90 минг қўшин билан Ҳиротга юриш қилди.

1448 й. Тирноб яқинида Улугбек Ала-ад-давла устидан ғалаба қозонди. Ҳирот қўлга олинди. Бу юришда Улугбек Иброҳим дараёсигача бориб, сўнг ортга қайтди. Нересту қалъасида исён, Ҳиротни ғалаёнчилар томонидан қамал қилиниши. Улугбек бу ерга ноябрда стиб келди. Унинг қўшинлари Ҳирот атрофи аҳоли пунктларини талатти. Шоҳрухнинг жасади Самарқандга олиб келиниши. Абдулатифни Ҳиротга келиши. Улугбекнинг Бухорода қишилаши.

1449 й. Абдулатифнинг отаси Улугбекка қарши исёни; Амударё бўйида туқнашув. Туркмайларнинг аргуи қабиласи томонидан узларига бош қилиб сайлаган Абусаид Самарқандни қамал қилиб исён уюштириди. Шу муносабат билан Улугбек Самарқандга қайтди. Абдулатифнинг Улугбек қўшинлари устидан Димишқ яқинидаги ғалабаси (сентябрь-октябрь). Улугбекнинг ўлдирилиши (27 октябрь). Унинг ўғли Абдулазизнинг ўлдирилиши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. В. В. Бартольд. Улугбек и его время. Сочинения, т. II. 2 часть, М., "Наука", 1964.
2. Т. Н. Кары-Ниязов. Астрономическая школа Улугбека. Избранные труды, т. VI. 1. 1967.
3. Г. Джалалов. Секстант как главный инструмент обсерватории Улугбека. "Астрономический журнал. АН СССР, Изд. АН СССР, т. XIV, вып. 4. 1947.
4. Г. Джалалов. Отличие "Зидж Гурагони" от других подобных зиджей. Сб. ИАИ вып. I. М., 1955.
5. Г. Джалалов. Гияс-ад-дин Джамшид Чустий (Каши)-крупнейший астроном и математик XV века. Сб. Учёные записки ТашГПИ, вып. VII, 1957.
6. Г. Джалалов. К вопросу о составлении планетных таблиц Самаркандской обсерватории. Сб. ИАИ, вып. I, стр. 101, М., 1955.
7. Г. А. Джалалов. Некоторые замечательные высказывания астрономов Самаркандской обсерватории. Сб. ИАИ, вып. VIII. М., 1958.
8. В. П. Щеглов. Звёздный Атлас Ян Гевелия.
9. В. П. Щеглов. Улугбек расадхонаси. Т., "Фан", 1980.
10. М. Е. Массон. Обсерватория Улугбека. Т., 1949.
11. Г. П. Матвиевская, Б. А. Розенфельд. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII—XVII в. н.), II том, М., "Наука", 1983.
12. Н. И. Невская. Предисловие к "Зиджу Улугбека" (перевод XVIII в.), в Сб. "Развитие методов Астр-исследований", вып. 8, М-Л, 1979.
13. Н. И. Невская. Жозеф-Никола Делиль и Петербургская Академия наук (XVI в.), в Сб. "Вопросы истории Астрономии", вып. 3, М., 1974, стр. 61.
14. Н. И. Невская. Забытая статья Делиля по восточной астрономии. Там же, стр. 94.
15. А. Ахмедов, Улугбек. Т., "Фан", 1991.
16. Б. Ахмедов. Улугбек. "Машхур кишилар ҳаётидан", Т. "Ёш гвардия", 1989.
17. Абу Тоҳир Ҳужа Самарқандий. Самария. "Мерос" тўпламида, Т., "Камалак", 1991.

18. *M. С. Булатов*. Мирза Улугбек: свет сквозь столетия. "Звезда Востока", 1. 1982.
19. *M. С. Булатов*. Обсерватория Улугбека в Самарканде. Сб. ИАИ, вып. XVIII, М., "Наука", 1986.
20. *A. Урунбаев*. Новые данные о жизни Али Кушчи. Сб. Из истории точных наук на средневековом, ближнем и среднем Востоке, Т., "Фан", 1972.
21. *O. С. Турсунов*. О главном инструменте обсерватории Улугбека. ДАН УзССР, 3. 1979.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Улугбекдан олдин ўтган Ўрта Осиё астрономлари	5
Муҳаммад ал-Хоразмий	5
Абу Райхон Беруний	11
Умар Хайём ва унинг календари	16
Носириддин Тусий	22
Улугбек расадхонаси ва унинг очилиши	25
Улугбекнинг ёшлик йиллари	33
Расадхонанинг қурилиш тарихидан	39
Расадхонанинг бош "телескопи"	46
Расадхонанинг ташқи кўриниши	52
"Зижи Кўрагоний" — Улугбек мактабидан ёдгорлик	59
Улугбек мактаби олимлари	63
"Улугбек зижки"нинг ўрта аср тадқиқотчилари	77
Улугбек меросини ўрганган ўзбекистонлик олимлар	83
Хулоса	89
Улугбек ҳаётининг хронологияси	91
Фойдаланилган адабиётлар	99

Мамадмусо Мамадазимов

"УЛУГБЕК И ЕГО ОБСЕРВАТОРИЯ"

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"— 1994 —
700129, Ташкент, Навои, 30.

Рассом *Негмат Ҳаким*
Расмлар муҳаррири *О. Соибназаров*
Техн. муҳаррир *С. Собирова*
Мусаҳҳиҳ *М. Мажитхўжаева*

Теришга берилди 04.01.94. Босишга рухсат этилди 26.08.94.
Формат 84x108 1/32. "Таймс" гарнитурада терилди. Офсет босма
усулида босилди. Шартли босма л. 5,46. Нашр л. 5,54.
Тиражи 5000. Буюртма № 1129. Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
Нашр № 119-93.

Оригинал макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти
техникавий ва программавий воситалари базасида тайёрланиб,
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси
Иби Сино босмахонасида босилди. Тошкент, Радиаль кӯчаси, 10.

Мамадазимов, Мамадмусо.
М 23 Улугбек ва унинг расадхонаси.— Т.: Ўзбекистон,
1994.— 100 б.
ISBN 5-640-01752-К

Мазкур рисола Шарқнинг буюк мунажжими (астрономи) темурийлар салтанати давомчиси Муҳаммад Тарагай — Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишиланган бўлиб, унда алломанинг ҳаёти, илмий фаолияти ва бой мероси ҳақида ҳикоя қилинади. Рисола Улугбекдан олдин яшаб ўтган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Носириддин Гусий каби Ўрта Осиё мунажжимлари ҳаёт ва фаолиятлари тўғрисида қисқа-қисқа маълумот бериш билан очилади. Сўнг муаллиф Мирзо Улугбекнинг мунажжимлик мактаби, шогирдлари хусусида батафсил тўхталади ва аллома раҳбарлигида яратилган энг нодир расадхона тафсирини беради.

Рисола Улугбек шахси ва астрономия фани тарихи билан қизиқкан кенг зиёлилар оммасига мўлжалланган.

ББК 22.6Г

№ 259-94

**Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
давлат кутубхонаси.**

**M 0503020904-97 94
M351 (04) 94**